

*Эски Аҳддан
яшаш учун
намуналар*

А.Л ва Жойс Гил

МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА

А.Л. ва Жойс Гил халқаро машҳур воизлар – Библия ўқитувчилари ва муаллифлардир. А.Л.Гилнинг хаворийлик хизмати уни дунёдаги эллиқдан ортиқ халқларга етаклаган. У икки юз мингдан ортиқ оломонга юзма-юз ва миллионлаб одамларга радио ҳамда телевидение орқали воизлик қилган.

Уларнинг оммабоп китоблари ва қўлланмалари Қўшма Штатларда икки миллион нусхадан ортиқ сотилган. Уларнинг кўплаб тилларга таржима қилинган қўлёзмалари – бутун дунё бўйлаб уй гуруҳларида, жамоатларда, Библия мактабларида ва семинарларда қўлланмоқда.

Худонинг Сўзидаги ҳаётни ўзгартирадиган қудратли ҳақиқат уларнинг кучли таълимотлари, дарслари, қўлёзмалари ва кассеталари орқали бошқаларнинг ҳаётларини ўзгартирмоқда.

Уларнинг улуғлаш ва сажда қилиш ҳақидаги семинарларида, имонлилар қандай қилиб Худонинг ҳақиқий ва ички саждакори бўлишни тушунганларида – Худонинг ҳузурининг ажойиб шухрати намоён бўлади.

Кўплар уларнинг имонлининг ҳокимияти ҳақидаги таълимотлари орқали ҳокимиятнинг ва дадилликнинг янги ва руҳлантирувчи кирраларини англадилар.

Гиллар кўплаб имонлиларни қўлларидан Худонинг шифолаш қудрати оқадиган – Худо берган ғайритабiiй хизматларига киришга тайёрладилар. Кўплар кундалик ҳаётларида Муқаддас Рухнинг етгала инъомларида ҳаракат қилаётганларини фаҳмлаб, оддий бўлиш билан биргаликда ғайритабiiй одамлар бўлишни ўргандилар.

А.Л. ва Жойс Гилнинг иккаловлари ҳам Теология фанлари номзоди унвонига эгалар. А.Л. яна “Визион” Масихийлик Университетининг Теологик Фалсафа фанлари доктори дипломи соҳиби. Уларнинг хизматлари Худонинг Сўзига қатъий асосланган, Масихни марказга қўйган ҳамда Муқаддас Рух қудратининг таълимотига ва қаттиқ имонга асослангандир.

Уларнинг хизматлари Ота Худонинг севувчи юрагининг намоёишидир. Уларнинг воизликлари ва таълимотлари кўпларни Муқаддас Рухнинг қудрати тўлқинлари остида лол қолдирувчи кучли мойланиш, аломатлар, мўъжизалар ва шифолаш мўъжизалари ҳамроҳлигида кечади.

Уларнинг йиғинларига қатнашганларнинг кўпларида руҳий уйғониш аломатлари кузатилган. Булар муқаддас кулгуни, Раббийнинг қаршисида фарёд қилиш, Худонинг шухратининг ва қудратининг ажойиб намоёишларини ўз ичига олади.

А.Л. ва Жойс Гил имонлиларни Исонинг ишларини қилишга қуроллантириш учун амалий қурол ишлаб чиқаришга бағишланганлар.

Уларнинг истаклари Масих етуклигининг барча даражасидаги ҳар бир имонлининг голибона, ғайритабiiй ҳаётларини ҳаракатга келтиришдир.

Мундарижа

Биринчи дарс	Бугунги кунларда бизлар учун Худонинг Сўзи	5
Иккинчи дарс	Эски Аҳд давридаги муҳим воқеалар	13
Учинчи дарс	Худо болаларининг аҳди	25
Тўртинчи дарс	Масихнинг Эски Аҳдада намоён бўлиши	37
Бешинчи дарс	Улуғлаш ва хизмат қилиш учун намуналар	46
Олтинчи дарс	Байрамлар, подшоҳлар ва руҳонийлар	57
Еттинчи дарс	Эски Аҳдадаги бошқарувчилар	69
Саккизинчи дарс	Яратиш ва ҳукм қилиш мўъжизалари	84
Тўққизинчи дарс	Башорат мўъжизалари	93
Ўнинчи дарс	Меросимизга эгалик қилиш	104
Бўлимлар		
	Эски Аҳд китоблари	5
	Масих ҳақидаги катта башоратлар	36
	Мусонинг чодири	45
	Песах байрами ва Исонинг қурбонлиги орасидаги боғлиқликлар	56
	Эски Аҳдадаги мўъжизалар	82,83

Эски Аҳд китоблари

1. Қонун китоблари (5)

Ибтидо
Чиқиш
Левит
Сонлар
Қонуннинг такрорланиши

2. Тарихий китоблар

Иешуа бин Нун
Ҳакамлар китоби
Рут
1,2 Шомуилнинг китоби
1,2 Шоҳликлар китоби
1,2 Йилномалар китоби
Эзра
Нехемиах
Эстер

3. Шеърий китоблар

Аюб
Санолар
Сулаймоннинг ҳикматлари
Воиз китоби
Қўшиқлар кўшиғи

4. Пайғамбарлар (17)

Катта пайғамбарлар (5)
Ишаъё
Йеремиах
Йеремиахнинг йиғиси
Ҳезеқил
Дониэл

Кичик пайғамбарлар (12)

Ҳосиё
Йўэл
Омўс
Ободиё
Юнус
Микай
Наҳум
Ҳабақуқ
Сафаниё
Ҳаггай
Закариё
Малъахи

Биринчи дарс

Бугунги кунларда бизлар учун Худонинг Сўзи

БИБЛИЯ – ХУДОНИНГ СЎЗИ

Изоҳ

Библия – Худонинг Ўз халқига юборган Сўзидир. Бу Сўзлар орқали бизлар Худонинг кимлиги ва Унинг инсоният учун абадий мақсади нимадан иборат эканлиги ҳақида ваҳий оламиз. Библия биринчи саҳифасидан то охиригача Худонинг Ўз халқига муносабати ҳақида ҳикоя қилади.

Мундарижа

Библияда бизлар Худонинг хоҳиши, Унинг йўллари, кўрсатма ва йўналишларини кўрамиз. Биз Библиядан ҳаётимизга келадиган ҳар бир муаммога жавоб топамиз. Худонинг Сўзи – бизнинг нурумиз, нонимиз ва ҳаётимиздир.

Мувофиқлик

Бутун Библия бўйлаб ёритилган ҳар бир мавзуда мувофиқлик мавжуддир. Масих келиши ҳақидаги башорат ва унинг амалга ошиши бунга ажойиб мисолдир. Келадиган Масих ҳақида Эски Аҳдда 330та башорат бор, улар Янги Аҳдда рўёбга чиққан.

Тасдиқлар

Библиянинг ҳақиқатлигини археология кўп деталларда исботлади. Библия амалий илм-фан билан мувофиқликдадир.

Бузилмас

Библияни қонунга қарши деб эълон қилишган, уни оловда ёқишган, унга эга бўлиш ўлим билан баробар бўлган, шунга қарамадан Библия бутунлигича сақланган. Инсоният тарихидаги қоронғу асрларда, рухонийлардан ташқари ҳамма учун қонунга қарши ҳисобланган Библия – илк чоп этиш станокларида биринчи чоп этилган китоб ҳисобланади. Ўша чоп этилган Гуттенберг Библияларидан бештаси ҳанузгача мавжуд.

Кўпсонли

Библия 1000 дан ортиқ тилларга таржима қилинган ҳамда ҳар йили 30 миллиондан ортиқ нусхада чоп этилади. Бу бутун жаҳон бўйлаб энг яхши сотиладиган (бестселлер) китоб ҳисобланади.

Ўринли

Библия бугунги кунларда ҳам уни ўқиганларнинг ҳаётларини ўзгартиради ва унга ишонганларнинг ҳаётларида мўъжизалар яратади.
Довуд Худонинг Сўзи ҳақида ёзган:

Санолар 118:105 Сенинг Сўзинг оёғим учун чирокдир ва йўлим учун нурдир.

Ишаъё ёзган:

Ишаъё 55:10-11 Ёмғир ва қор осмондан тушиб у ерга қайтмасдан, ақсинча ерни суғориб, уни дунёга келтириш ва ўстиришга қодир қилганидек, токи ер экувчига уруғ, еювчига нон берсин; Худди шунингдек Менинг оғзимдан чиқаётган Менинг Сўзим ҳам Менга беҳуда қайтиб келмайди, ақсинча Менга маъқул бўлган ишни бажаради ва Уни нима учун юборган бўлсам шуни амалга оширади.

Исо айтган:

Матто 4:4 Исо унга жавобан деди: Тавротда: ”Инсон биргина нон билан эмас, балки Худонинг оғзидан чиққан ҳар бир сўз билан яшайди”,- деб ёзилган.

Фойдали

Повул Тимўтийга Худонинг ҳар бир Сўзи ҳаётимизда фойдали эканини ёзган.

2 Тимўтийга 3:16-17 Бутун Ёзув Худодан илҳомланган бўлиб, таълим олишга, фош қилишга, тўғрилашга ва ҳақликда тарбиялашга фойдалидир. Шу тарзда Худонинг одами баркамол бўлиб, ҳар қандай яхши иш учун таъминланган бўлсин.

У куйидаги нарсалар учун фойдали:

- > Доктриналарни ўрганиш
- > Фош қилиш (гуноҳни аниқлаб нотўғри йўлдан кетганингизни кўрсатади)
- > Тузатиш (йўлларингизни қандай тўғрилашни кўрсатади)
- > Ҳақликка насихат бериш
- > Баркамол бўлишимиз учун
- > Ҳар қандай яхши ишларга тайёрлаш учун

БИБЛИЯ ХУДО ТОМОНИДАН РУҲЛАНТИРИЛГАН

Библия Сўзларини 1500 йил мобайнида 40 киши: 31 киши Эски Аҳдни, 9 киши эса Янги Аҳдни ёзган. Албатта, уларнинг кўпчилиги бир-бирларини танимаганлар ҳамда турли тарихий даврларда яшаганлар. Шунга қарамасдан Библияда қарама-қаршилик йўқ. Библия одамлар томонидан Муқаддас Руҳнинг илҳомлантириши остида ёзилгани учунгина бунинг иложи бўлди.

Худо руҳлантирган

Ҳаворий Повул бор Ёзув Худо томонидан руҳлантирилганини ёзган.

2 Тимўтийга 3:16-17 Бутун Ёзув Худодан илҳомланган бўлиб, таълим олишга, фош қилишга тўғрилашга ва ҳақликда тарбиялашга фойдалидир. Шу тарзда Худонинг одами баркамол бўлиб, ҳар қандай яхши иш учун таъминланган бўлсин.

“Худонинг руҳлантириши” сўзи юнончадан таржима қилинганда “илоҳий руҳ солинган” – деган маънони билдиради. Бу сўз Библияда фақат шу жойдагина ишлатилади.

Худо Ўз ҳаёт нафасини Одам Атога, тирик Сўз – Исога солганидек, Ўз ёзма Сўзига ҳам солди. Унинг Сўзи тирик, чунки У Худонинг Ўзининг ҳаётидан иборатдир. Буни Ҳаворий Юҳанно шундай тушунтиради:

Юҳанно 1:1 Бошида Сўз бор эди. Сўз Худода эди. Сўз Худо эди.

Исботланган

Библиянинг нафақат мавзулари балки ҳар бир сўзи, энг кичик деталларгача, ҳар бир “йота ва ном” ҳам руҳлантирилган. Бу пайғамбар Йеремиаҳ ва ҳаворийлар Матто ҳамда Юҳанно томонидан тасдиқланган.

Йеремиаҳ Худонинг насиҳатлари ҳақида ёзганида, руҳланишнинг баъзи жараёнини қисман ёритади.

> Йеремиаҳ

Йеремиаҳ 36:2 Китоб ўрамасини олгин ва унга Мен сенга Исроил, Яҳудо ва бошқа халқлар ҳақида сўзлашни бошлаган кунларимдан, Ҳосиё кунларидан бошлаб, бугунги кунларгача айтган ҳамма Сўзларимни ёзгин.

Битикларни ёзувчилар, Худо Муқаддас Рух орқали уларга айтган ҳамма сўзларни китобнинг ўрамасига ёзишлари керак эди. Шунинг учун, Ёзувнинг асл нусхасида ҳар бир сўз Худо томонидан тўғридан–тўғри руҳлантирилган эди.

> Матто

Ҳаворий Матто ёзган:

Матто 5:18 Сизга чинини айтайин: еру осмон тугамагунча ва тақдир этилган ҳамма нарса амалга ошмагунча, Тавротдан на бир ҳарф, на бир нукта ўчади.

> Юҳанно

Ҳаворий Юҳанно ёзган:

Ваҳий 1:19 Шундай қилиб, нималарни кўрдинг, нималар бўляпти, бундан сўнг нималар юз беради, ҳаммасини ёзиб бор.

Библияни ёзувчилар уларга Муқаддас Рух томонидан очилган ҳақиқатни ёзишлари керак эди. Муқаддас Рух уларни улар руҳда кўрган ҳар бир нарсанинг ҳар бир сўзини, ёзаётган вақтларида содир бўлаётган воқеаларни ва У уларга кўрсатган, келажакда амалга ошадиган нарсаларни ёзишга руҳлантирар эди.

Рухланиш жараёни – ғайритабиий манзара ва ваҳий орқали берилган аниқ сўзларда ифодаланган, фикрлардек келарди. Одам муаллифларнинг шахсиятларини ишлатган ҳолда, асл нусха – Худонинг Сўзидаги ҳар бир сўз Муқаддас Рухнинг ғайритабиий иши орқали руҳлантирилгандир.

БИБЛИЯНИНГ МУТЛОҚ БЕНУҚСОНЛИГИ

Худонинг Сўзининг бенуқсонлиги – Худонинг Сўзининг ҳақиқатлигига асосланиб, Худонинг Сўзи орқали очилади.

Ҳаворий Петъор

Худонинг Сўзи – Петъор Исо билан ўзгариш тоғида бўлганидаги улук кечинмаларидан ҳам “ўта аниқроқ” деб аталган. Петъор бу улук кечинмаларни тасвирлаганидан сўнг, ёзган:

2 Петъор 1:19 Шу билан бирга биз ғоят ишончли пайғамбарчилик сўзига ҳам эгамиз. Сизлар эса то кун ёришиб бошламагунича ва юракларингизда тонг юлдузи кўтарилмагунича, қоронғи жойда порлаётган чирокқа ўхшаган бу сўзга мурожаат қилиб, яхши қиялпсизлар.

Шифокор Луко

Ёзувнинг тўғрилиги Луко ҳам гувоҳлик беради.

У ўзининг хушхабарини унга берилган сўз ҳақида ёзиш билан бошлайди, ҳамда шу сўзи давомида *“Сенга насиҳат қилинган билимнинг пойдеворини мустаҳкамлигини билишинг учун,* – деб ёзади. (Луко 1:4)

Ҳаворий Юханно

Юханно ҳам бор Ёзувнинг мутлоқ ҳақиқат эканини ёзган:

Юханно 19:35 Бу ходисани кўрган киши, сизлар ишонинглар деб, гувоҳлик бермоқда. Унинг гувоҳлиги ҳақиқатдир, у ҳақиқатни сўзлаётганини билади, токи сизлар ишонинглар.

Ҳаворий Повул

Ёзув қабул қилишимизга сазовор эканлиги ҳақида ёзган:

1 Тимўтийга 4:9 Бу сўз тўғри ва тўлиқ қабул қилинишга муносибдир.

БИБЛИЯНИНГ МУТЛОҚ ҲОКИМИЯТИ

Тўғрини нотўғридан фарқлай билиш

Замонавий фалсафа таълимотларига қарши ўлароқ, борликда мутлоқ ҳақиқатлар, кадриятлар, этик нормалар ва ҳокимият мавжуд. Бу мутлоқ нарсалар Худонинг Сўзида ёритилган.

Мана шу мутлоқликлар орқали бизлар тўғрини нотўғридан фарқлай оламиз. Бизнинг ҳаётимизда Библия ягона мутлоқ ҳокимиятга эгадир.

Санолар 118:11 Сенинг олдинда гуноҳ қилиб қўймаслигим учун, мен ўз юрагимда Сенинг сўзларингни сақладим.

Ягона ҳақиқий Хушхабар

Худонинг Сўзида очилган ҳақиқий Хушхабардан бошқа хушхабар йўқдир.

Галатияликларга 1:8 Аммо ҳатто биз ёки осмондан фаришта келиб, бизнинг сизларга воизлик қилганимиздан бошқа хушхабарни воизлик қилса, лаънати бўлсин.

Мутлоқ ҳокимият

Худонинг Сўзи мутлоқ ҳокимиятдир, чунки У мутлоқ ҳақиқатдир.

Исо деди:

Юханно 17:17 Уларни ҳақиқатинг билан муқаддас қилгин. Сенинг Сўзинг – ҳақиқатдир.

Итоаткорликни талаб қилади

Худонинг Сўзининг мутлоқ ҳокимияти – бизларнинг итоаткорлигимизни талаб қилади.

2 Салоникаликларга 3:14 Агар ким бу мактубда ёзган сўзларимизга бўйсунмаса унга танбех беринглар ва уни уялтириш учун у билан алоқани узинглар.

Худонинг Сўзининг мутлоқ ҳокимияти туфайли, ўқиганимиз, эшитганимиз ва бу ҳақиқатларга риоя қилганимиз сари баракали бўла борамиз.

Иешуа бин Нун 1:8 Мазкур қонун китоби оғзингдан узоқлашмасин; Аксинча уни кун-у кеча ўрган, токи унда ёзилганларни аниқ бажаргин: Шунда сен йўлларингда муваффақиятли бўласан ва доно ҳаракат қиласан.

ЁЗУВ КАНЪОНИ

Ёзув Канъони – узоқ вақт ибодат ва ўрганишдан сўнг, Муқаддас Рухнинг бошқаруви остида маълумотли одамлар томонидан танлаб олинган китоблардир. Улар Худонинг Ўз халқига ёзган тўлиқ ваҳийи деб ҳисобланадиган 66 та китобдир.

Ҳар бир китобни Янги Аҳднинг бир қисми ёки унинг қисми эмаслигини аниқлаш учун улар бир қанча текширувдан ўтказганлар. Китоблар қуйидаги шартларга жавоб бериши керак бўлган:

- > Ҳаворийлар ёки ҳаворийларга яқин бўлган киши томонидан ёзилган
- > Кўпчилик томонидан ўқиладиган
- > Ҳаёт ва таълимот учун қабул қилинган
- > Умумий йиғилишларда ишлатиладиган
- > Жамоатларда кенг қабул қилинган
- > Бутун жамоат қарори билан тасдиқланган

1500 йил мобайнида Библияни 40 киши ёзган. Унда қарама– қаршилик йўқ, чунки Унинг манбаи – ягона Муқаддас Рух эди. Ҳар бир киши Ўша Муқаддас Рух томонидан руҳлантирилган ҳолда ёзган.

Баъзи одамлар сўрашлари мумкин: “Бошқа китобларни Ёзувга киритиш мумкин эмаслигини биз қаердан биламиз?”

Бу саволга жавоб қуйидаги фактда мужассам:

Бутун Ёзувда ягона, асосий мавзу – гуноҳкор инсониятнинг Нажоткори Исо Масих ҳақидаги ваҳийдир.

Эски Аҳддаги барча башоратлар, ваъдалар ва қурбонликлар ва сажда қилишлар Исо ҳақида сўзлайди. Янги Аҳдда Унинг ердаги ҳаёти тарихи, У Голгўттада Ўз ўлими билан бизларни сотиб олгани, ва келажакда нимани кутишимиз кераклиги ҳақида ёзилган.

Ўз таълимотида Исо Эски Аҳднинг 23та китобларини тасдиқлайди.

Апокрифлар

Эски Аҳд ёзилган даврда бошқа китоблар ҳам ёзилган эди. Биринчи юз йилликда Библияшунослар ушбу китобларни ўрганиб чиқиб, бу китоблардан кўпчилиги Худо томонидан руҳлантирилмаган деган хулосага келишди. Бу китоблар Библия китобининг руҳида ёзилмаган эди

ва бизлар бугунги кунда эга бўлган Библиянинг бир қисми бўлиши керак эмас эди.

Улардан баъзилари кейинчалик Рим католик жамоати томонидан қабул қилиниб, уларнинг Библияларига киритилган. Ушбу китоблар апокрифик китоблар деб аталади.

Юнон тилидан таржима қилинганда “Аросуҗра” сўзи «яширин», ёки “сир” деган маънога эга. Бу китобларнинг муаллифи, ёзилиш вақти ва келиб чиқиши шубҳали бўлгани учун шундай ном берилган. Уларнинг баъзиларида - Худо томонидан руҳлантирилган, Худонинг Сўзи деб тан олинган, ўта эътиборчанлик билан танлаб олинган китоблардаги таълимотга қарши бўлган ҳикоя ва таълимотлар берилган.

Ушбу китобларнинг кўпчилиги инкор этилди, чунки улар бошқа руҳда, бошқа мойланишда бўлиб, тан олинган Ёзувнинг китобларига таққослаганда хато деб ҳисобланган маълумотга эга эдилар.

Ушбу китобларда қизиқарли тарихий маълумот бўлсада, бизлар эҳтиёт бўлишимиз ва уларни Ёзувнинг бошқа китобларидек ҳокимиятли деб қабул қилмаслигимиз керак.

Изоҳ: Ушбу мавзуда кўпроқ маълумот олиш учун Сидней Коллетнинг: “**Ҳаммаси Библия ҳақида**” китобини ўқишни тавсия этамиз.

Қўшимча Библиявий ваҳийлар

Тарихий

1 ва 2 Эзра

1 ва 2 Маккабий

Дониэл китобига қўшимчалар

Эстерга қўшимчалар

Йеремиаҳ мактуби

Манасий ибодати

Афсоналар

Варух

Тобит

Жудит

Апокалиптик

Эзранинг 4 китоби

Дидактик

Сулаймон донолиги

Сирах (Экклесиаст)

Тушлар, ваҳийлар, башоратлар ва фаришталарнинг ташрифи бугунги кунларда ҳам бор. Лекин, буларнинг бирортасига ҳам Худонинг Сўзига бериладигандек аҳамият бериш керак эмас. Ёзув Библия ўргатадиган нарсаларга ҳеч нарса қўшмаслигимиз ва Уни ўзгартирмаслигимиз кераклигидан огоҳлантиради. Агар бирор киши Худонинг Сўзига башорат қилиб, ваҳий айтиб ёки бошқа йўллар билан “аниқликлар” киритса катта хавф вужудга келади.

Ваҳий 22:18-19 Бу китобнинг пайғамбарлик сўзларини эшитаётган ҳар бир кишига гувоҳлигим шу: Агар бирор киши буларга бирор нарса қўшса, Худо унга бу китобда ёзилган яраларни беради. Агар бирор киши бу пайғамбарлик китобида ёзилган сўзлардан бирор нарсани олиб ташласа, Худо уни ҳаёт китобига қатнашишдан, муқаддас шаҳардан ва китобда ёзилганлардан маҳрум қилади.

Кўпчилик алдовлар, ёлғон таълимотлар, култлар ва сохта динларда – ҳақиқатнинг кўп қисми бор. Бу ҳақиқатлар сўнгра шайтоний ёлғон билан қоришган. Руҳларни фарқлаш инъоми воситасида бизлар ҳақиқатни хатолардан ажрата оламиз.

Асл нусхалар ёзилган тиллар

Библия асл нусхаларда уч тилда ёзилган. Эски Аҳд асосан яҳудий тилида (иврит) ёзилган. Дониэл китобларининг бир қисми ва Йеремиаҳ китоблари арамей тилида ёзилган. Янги Аҳд юнон тилида ёзилган.

Таржималар

Йиллар мобайнида Библия кўп тилларга таржима қилинган. Инглиз тилида Библиянинг жуда кўп турли хил таржималари мавжуд. Асосий

таржималарда – таржимонлар асл нусха тилига қайтиб, ўтган даврлар матнидаги сўзларнинг ҳар бирининг маъносини сўзма-сўз таъкидлаганлар.

Эски иврит ва юнон тилида ҳар бир Сўз аниқ ва бошқа сўзлардан фарқ қиладиган маънога эга бўлганлиги учун, таржимоннинг иши – бошқа тилга таржима қилинаётган сўзнинг маъносини энг аниқ очиб берадиган сўзни танлаш эди. Бунинг натижасида, масалан, инглиз тили яҳудий ва юнон тилларидек тўлиқ, аниқ бўлмаганлиги сабабли - таржиманинг баъзи жойларида асл нусханинг баъзи тўлиқ, бой маъноси йўқотилган.

Ўзгартирилган ифода

Айрим вақтда, Библияни сўзма-сўз таржима қилмай, Уни ўзгартирилган ифодалар билан берганлар. Бу – улар сўзларни эмас, балки фикрларни таржима қилганлар демакдир. Бундай таржималарни тушуниш осон, чунки улар бизнинг тилимизда силлиқроқ жаранглайди ва ҳикоя тарзида берилган.

Библияни ўрганиш учун – асл нусхадан аниқ таржима қилинган асосий таржималарни ўқиш маъқулроқдир.

АХДЛАР КИТОБИ

Эски Ахднинг айрим асосий мавзуларини ўрганишдан аввал, умумий Библия ҳақида баъзи асосий ҳақиқатларни тушуниш муҳимдир. “Библия” сўзи – китоблар деган маънони билдиради.

Библия иккита асосий бўлимларга бўлинган. Булар Эски Ахд ва Янги Ахд деб аталади.

Таъриф

Ахд бу икки ёки уч томонни бирлаштирувчи келишув. Библия Худонинг Ўз халқи билан қилган ахдларини ўз ичига олади.

Эски Ахд Худо инсоният билан Масих келишидан олдин тузган эски келишувни ўз ичига олади. Унда Исо қиладиган ишнинг амалга ошиши кутилади. Янги Ахдда эса янги келишув берилган. Бу китоб Масихнинг ер юзидаги ишининг амалга ошганига асосланган.

Эски Ахд

> Пайғамбарлар

Эски Ахднинг ўн олти китоби пайғамбарлар томонидан ёзилган. Шунинг учун пайғамбарлар ишини тушунишимиз катта аҳамиятга эга.

- > Улар Худонинг Сўзини одамларга айтганлар;
- > Улар Худо номидан Исроил ва Яҳудий халқига ва подшоҳларга мурожаат этганлар;
- > Улар гуноҳдан огоҳлантирганлар ва олий ҳукми башорат қилганлар;
- > Уларни Омўс китобида айтилган, бино қурилаётганида унинг бурчагини тўғри сақлаш учун ишлатиладиган тўғри чизик билан таққослаш мумкин.

Пайғамбарларнинг рухонийлардан фарқи шунда эдики, пайғамбарлар Худо номидан халққа мурожаат қилардилар. Рухонийлар эса халқ номидан Худога мурожаат қилардилар.

> Эски Аҳднинг таркиби

Эски Аҳд ўттиз тўққизта китобдан иборат.

Эски Аҳд китоблари тарихий тартибда жойлаштирилмаган. Аксинча, улар турларига кўра жойлаштирилган. Масалан: кўплаб олимлар Аюб китобини Библиянинг энг қадимий китоби деб ҳисобласалар ҳам, у шеърий бўлганлиги учун барча шеърий китоблар билан ёнма-ён жойлаштирилган.

> Аҳамияти

Ҳозирги кунда Эски Аҳдни ўрганиш муҳим эмас дейдиган одамлар бор. Аммо, агар бизлар Эски Аҳдни инкор қилсак, демак Худо бизларга айтган Сўзининг учдан икки қисмини инкор қиламиз! Эски Аҳд фақатгина “Яҳудий халқининг тарихи» эмас, балки бу бизнинг ҳаётимиз ва хизматимиз учун намунадир.

Эски Аҳд бизларни ҳаётимизда Худонинг бизни яратиш мақсадини тушунишимиз учун пойдевор билан таъминлайди. У Худонинг қайта сотиб олиш – улкан севги режасини тушунишимиз учун пойдевор билан таъминлайди. Худо бизларни Ўз суратида яратганида – Унинг юрагида нималар бўлган бўлса, шундай бўлишимиз, шуларнинг ҳаммасига эга бўлишимиз ва шуларни қилиш учун бизларни қайта тиклаш режасини ва мақсадини очади.

Бу таълимотда, Эски Аҳдда очилган баъзи улкан ҳақиқатларга эътиборимизни қаратамиз. Лекин бир китоб сатрларида, Худо Ўз халқи учун қилган барча мўъжизавий ишларнинг бойлигини, У ўргатган ҳамда Ўз Сўзи орқали ваъда қилган барча мўъжизавий нарсаларни ўрганишнинг имкони йўқ.

Бу таълимот бошланиши бўлади. Бу Эски Аҳдга кириш, бутун китобга қисқача назар ташлашдир. Кейин сиз қолган бутун ҳаётингиз давомида унга шахсан олган ваҳийларингизни кўшиб борасиз!

Худонинг Одам Ато ва Момо Ҳавога айтгани ҳануз кучга эга. Худонинг Иброҳимга берган ваъдаси ҳануз кучга эга.

Эски Аҳд давридаги одамларнинг эҳтиёжлари - Масих улар учун қилиши лозим бўлган ишни имон билан кутишлари воситасида қондирилган. Бугунги кунларнинг имонлилари сифатида, бизлар имон билан ортга, Масих бизлар учун қилган ишга қараймиз.

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. 2 Тимўтийга 3:16 даги: “Бор Ёзув Худонинг руҳлантириши воситасида берилган”, – деган жумла нимани билдиради? Библиявий руҳланишнинг жараёнини тасвирлаб беринг.
2. “Бор Ёзувнинг бенуқсонлиги” ҳамда “Ёзувнинг мутлоқ ҳокимияти” гаплари нимани билдиради? Бу ҳақиқатлар учун пойдевор бўлиб хизмат қиладиган оятларни айтинг.
3. “Ёзув канъони” деган гап нимани билдиради? Нима учун Ёзув китоблари олтмиш олти китоб билан чекланганини айтиб беринг.

Иккинчи дарс

Эски Аҳд давридаги асосий воқеалар

Янги Аҳдни тушуниш учун Эски Аҳд ҳақида қандайдир тушунчага эга бўлиш керак. Бу дарсда бизлар бутун Эски Аҳд даврини қисқача кўриб чиқамиз. Бу бизларга умумий тушунча беради, кейинги дарслар буларни тўлдиради.

Бу дарсда тарихнинг 3600 йилини кўриб чиқамиз. Баъзи асосий воқеалар ўта муҳимлиги туфайли бир ёки икки параграфни қамраб олиши мумкин. Бу умумий мавзунини қуриш учун кўздан кечириш ёки умумий назар ташлаш бўлиб, қолган барча дарслар шуларнинг устиларига қурилади.

Катта муддат ва маълумотлар ҳақида сўз кетганида, тушунишга осон бўлиши учун уларни “қисқартирилган» бобларга бўлдик. Эски Аҳд ўртача 3600 йилни ўз ичига олади ва уни тўққизта даврларга бўлиш мумкин.

- > Яратилишдан сув тошқинигача – 4000–2350 м.о.
- > Ота-боболар даври – 2350–1840 м.о.
- > Исроил халқи Мисрда – 1840–1440 м.о.
- > Мисрдан Канъонга – 1440–1400 м.о.
- > Ҳакамлар даври – 1400–1051 м.о.
- > Исроил шоҳлигининг ўрнатилиши – 1051–931 м.о.
- > Шоҳликнинг бўлиниши – асирлик – 931–535 м.о.
- > Тикланиш – 535–400 м.о.

ЯРАТИЛИШДАН СУВ ТОШҚИНИГАЧА

4000–2350 м.о.

Яратилиш

Ибтидо бошланишлар китоби. Бизларга қуйидагиларнинг бошланиши берилган:

- > дунёнинг
- > инсон зотининг
- > Худонинг инсон билан муносабатларининг
- > гуноҳнинг
- > келадиган Нажоткор ҳақидаги ваъдаларнинг
- > ўлимнинг
- > турли тилларнинг
- > исроил халқининг
- > Худонинг Ўзини очишининг

Гуноҳ инсон зотига кирмоқда

Худо ерни ва ердаги ҳамма нарсани яратиб, сўнгра Одам Ато ва Ҳаввани яратди. Одам Ато ва Ҳавва Худонинг ижодининг энг нодири эдилар. Улар:

- > Унга ўхшаш қилиб;
- > Барча мавжудот устидан ҳукмрон бўлиш учун;

- > Улуғвор улуш учун;
- > Худо билан муносабатда бўлиш учун;
- > Худо билан мулоқотда бўлиш учун яратилдилар;

Худо уларни Адан боғида жойлаштириб, бир дарахтнинг мевасидан ташқари барча меваларни истеъмол қилишлари мумкинлигини айтди. Худо инсониятнинг У билан муносабати итоаткорликка асосланишини ўрнатди.

Бизлар нима содир бўлганини биламиз. Ҳавва, сўнгра Одам Ато Худонинг Сўзига қарши чиқдилар.

Улар ман этилган дарахтнинг мевасини едилар ва уларнинг бу исёни қуйидагиларни келтириб чиқарди:

- > Худодан узоқлашиш;
- > Унинг ҳузуридан кўркиш;
- > Бошқаларни айблаш;
- > Барча мавжудот устидан ҳукмронликни йўқотиш;
- > Худонинг суратини ва шон-шуҳратини йўқотиш;
- > Оғир меҳнат;
- > Ўлим;

Биринчи қурбонлик

Худо Одам Ато ва Ҳаввани ўраш учун теридан кийим қилди ва бу хайвоннинг илк ўлими – одамзод учун қилинган биринчи қурбонлик эди.

Нажоткор тўғрисидаги биринчи ваъда

Худо одамларнинг гуноҳи натижасида келган лаънатларни эълон қилар экан, уларни умидсиз қолдирмади. У уларга аёлнинг Уруғи ҳақида ажойиб ваъдани берди.

Ибтидо 3:15 “Сен билан хотин орасига, сенинг зотинг билан унинг зоти орасига адоват соламан. Ўша зот сенинг бошингни эзиб ташлайди, сен эса унинг товонини чақасан”.

Биринчи қотиллик

Ибтидо китобининг тўртинчи бобида, бизлар Ҳобил ва Каъннинг туғилишини, улар қилган қурбонликларни, Каъннинг рашкини ва илк қотилликни ўқиймиз. Каън Ҳобилни ўлдирди.

Одам Ато ва Ҳавванинг гуноҳ қилган вақтларидан бошлаб, одамзоднинг фикри давомий равишда бузуқ бўлгани учун, ахвол ёмонлашиб борди.

Ибтидо 6:5 Ерда одамзод бузукчилигининг кўпайиб бораётганини, юрагидаги бутун фикр-хаёли ҳамиша ёмонлик эканлигини Худованд кўрди.

Тошқин

Худо ҳар замонда ҳам имонлилар қолдиғига, яъни бутун дунё бузукликка берилса ҳам Худога эътиқод қилувчиларга эга бўлган. Ҳатто тошқин олдидаги даҳшатли, зулмкор вақтларда ҳам, Ҳанух Худо билан яшаган, сўнгра йўқолиб қолган, чунки Худо уни олган.

Нух ҳам ҳақ инсон эди. Худо унга инсон зотини, ҳайвонлар ва қушларни асраб қолиш учун кема қуришини буюрди. Ҳатто Худонинг ҳукми ва ердаги ҳамма нарсанинг вайрон қилишидан кейин ҳам одамлар Худога бўйсунмадилар.

Бобил минораси

Худо одамларга униб – ўсишларини, кўпайишларини ва ер юзини тўлдиришларини буюрди. Аммо, бунинг ўрнига улар Синар ерида тўпландилар. Улар шу ерда яшаб ер юзи бўйлаб тарқалмасликка, ер юзини тўлдирмасликка қарор қилдилар.

Ибтидо 11:4 Улар: “Келинг, ўзимизга шаҳар ва боши осмонга минора бино қилайлик, бутун ер юзига тарқалиб кетмаслик учун ўзимиз учун ном чиқарайлик”, – дейишди.

Улар Худонинг Сўзига қарши исёнда эдилар.

Ибтидо 11:6-8 Худованд: “Мана, ҳаммасининг миллати бир, тили ҳам бир. Улар бу ишни бошлабди-ю, энди ҳаёлидаги аллақандай ишларни ҳам қилишдан воз кечмайдилар. Қани энди пастга тушиб, ўша ердаёқ уларнинг тилини аралаштириб юборайлик, токи бири бошқасининг сўзини тушунмайдиган бўлиб қолсин”, – деди. Шундай қилиб, Худованд одамларни у жойдан бутун ер юзига тарқатиб юборди. Шундан сўнг шаҳарни қуришни ҳам бас қилишди.

Одамзод ягона мақсад ва умумий тил билан бирор иш қилмоқчи бўлганида, Худонинг айтганларига эътибор бериши ўта муҳим.

Агар бизнинг замонамизда ер юзидаси барча одамлар, бир-бирлари билан ва Худо билан Худонинг ягона тили “Агапе” да яъни севгида гаплашсалар нақадар ажойиб ишлар содир бўлар эди!

ОТА–БОБОЛАР АСРИ

2350–1840 м.о.

Янги Аҳдда - Мусо давридан олдин Исроил миллатини ва халқини шакллантирган шахслар ота-боболар деб аталган.

Ота-боболар асрида энг ёши улуг қария – қабиланинг бошқарувчиси эди. Шу бобонинг ўзи ўз уйининг руҳонийси ҳам эди.

Аюб

Аюб китоби Библиядаги энг қадимги китоб бўлиб, боболарнинг илк намунаси ҳамдир. Бизлар Аюб китобини ўқиганимизда унинг оталик севгиси ва оила боши сифатида руҳонийлиги аниқлашади.

Аюб 1:5 Базм кунлари доираси амалга ошганида, Аюб уларнинг ортларидан юбориб, уларни муқаддаслар эди; ва, эрта тонгда туриб, фарзандларининг сони бўйича тамомила ёндирилиш қурбонлиги келтирар эди. Зеро Аюб шундай дер эди: Балки, ўғилларим гуноҳ қилиб, юракларида Худони лаънатлаган бўлишлари мумкин. Аюб доим шундай қилар эди.

Аюб китоби бизларга Аюбнинг оиласини ва соғлиғини йўқотишини ҳикоя қилади. Аммо шу барча офатлар ичра у эълон қилди.

Аюб 19:23-26 Ох, қани эди, менинг сўзларим ёзилса эди! Қани эди улар китобда муҳрланса, қалайли темир ўйгич билан мангу даврга тошга ўйилса! Мен биламан, менинг Нажоткорим тирик, ва У менинг мана шу тўкилаётган эту -теримни охириги кунда тупроқдан тиклайди, ва мен танадалигимда Худони кўраман.

Иброҳим ва Исҳоқ

Иброҳим – ота-боболарнинг кейинги намунаси. Худо уни – одамзод билан мангу аҳдини қайта тиклаш учун ва Исроил халқини яратиш учун Ур еридан даъват қилди.

Иброҳимнинг ваъда қилинган ўғли Исҳоқ эди. Исҳоқ исми “қулаётган” деган маънони билдиради. Унинг туғилиши Иброҳимга ҳам, Сорога ҳам кулгу келтирди.

Исҳоқнинг икки ўғли бор эди: Эсав ва Ёқуб. Эсав катта ўғил бўлиб, тўнғичлигини Ёқубга сотди. Библия: “Эсав ўзининг тўнғичлигини менсимади”, – дейди. Аслида, Эсав оиланинг боши ҳамда руҳонийси бўлишдан кўра, бу дунёдаги нарсалар ҳақида кўпроқ қайғуради эди.

Ёқуб (Исроил)

Ёқуб Исҳоқнинг кичик ўғли эди. У алдов воситасида тўнғичликни кўлга киритиб, ваъда этилган авлоднинг бир қисмига айланди. Унинг ҳаёти ёлғон билан бошланди, лекин у Худо билан учрашди ва унинг ҳаёти ўзгарди. Худо унинг исмини Исроил деб ўзгартирди. Исроил сўзининг маъноси – Худо каби бошқарувчидир. Исроилнинг ўн иккита ўғли бор эди ва шу ўғилларнинг авлодлари Исроилнинг ўн иккита қабиласи бўлдилар.

Юсуф

Юсуф Ёқубнинг сеvimли ўғли эди. Ҳасадгўй акалари Юсуфни кулликка сотдилар. Куллик жойида Юсуфга тухмат қилишди ва қамоққа ташланди. Аммо Худо уни у жойдан қутқариб фиръавндан кейин, давлатда биринчи одам қилиб қўйди. Юсуф қаерда бўлишидан қатъи-назар ҳаёти гуллаб-яшнади эди.

Юсуф ўз акалари ва отаси Ёқуб билан қўшилиб, уларнинг бор оила аъзолари (етмиш киши) Мисрга кўчиб келишди. Улар ҳурмат эҳтиромли мавқеъда эдилар, аммо вақтлар ўтиши билан уларнинг аҳволлари ўзгарди.

Чиқиш 1:6-9 Юсуф, ҳам унинг барча акалари ва бутун авлодлари вафот этишди; Исроилнинг фарзандлари эса серпушт бўлиб, кўпайиб, ўсиб, ўта кучайиб ўша ерлар улар билан тўлди. Бу пайтда эса Мисрда Юсуфни билмаган янги подшоҳ тахтга ўтирди. У ўз халқига деди: “Мана, Исроил фарзандларининг халқи биздан кўра кўпроқ ва кучлироқ”.

ИСРОИЛ ЎҒИЛЛАРИ МИСРДА

1840–1440 м.о.

Худонинг дуои-баракаси Исроил фарзандларининг устида эди. Уларга нақадар кўп зулм ўтказишса улар шу қадар кўпроқ кўпаяр эдилар.

Чиқиш 1:12-14 Лекин Мисрликлар Исроил ўғилларини

қанча кўп эсалалар, улар шунча тез кўпайиб, шунчалик тез ўсиб борар эдилар. Шунинг учун Мисрликлар хавотирландилар ва Исроилнинг ўғилларини шафқатсизларча ишлашга зўрладилар. Уларни лой ва ғишт, даладаги барча ишлар, қай соҳада ишласалар, ўша ерда оғир меҳнатда бешафқат эзиб ҳаётларини аччиқ қилишди.

Мусо

Исроил фарзандларининг сонини камайтириш учун Фиръавн янги туғилган ўғил болаларни дарёга ташлашни буюрди. Мусо туғилганида, уни онаси уч ой яширди. Сўнгра, бошқа яшира олмагач, сават олиб, уни имкони борича сув ўтказмайдиган қилиб, Мусони ётқизди ва дарёга кўйиб юборди.

Худонинг қўли Мусонинг устида эди. Фиръавннинг қизи болани топиб, унинг ўз онасини болани парваришлаш ва боқиш учун энагаликка ёллади.

Мусо фиръавн қизининг ўғли сифатида улғайди. Шу ҳолатда ҳам қирқ ёшида бир Мисрликнинг яҳудий қулни савалаётганини кўриб, Мисрликни ўлдирди. Мусо ўз халқига қўшилди, ва ўз ҳаётини сақлаб қолиш учун қочишга мажбур бўлди. Мусонинг озод қилиш усули инқирозга учради.

Мусо кейинги қирқ йил давомида Мидиан ерида чўпонлик қилиб яшади. Бир куни, алангаланиб турган бутани кўриб, унинг нима учун ёниб кетмаётганини аниқлаш мақсадида тўхтади. Худо уни чақирди ва халқини Мисрдан қутқаришга буюрди.

Ўн жазо

Мусонинг болалигидаги фиръавн ўлиб, унинг ўрнини бошқаси олди. Худо Мусони фиръавннинг олдига Исроил фарзандларини кўйиб юборишини сўраш учун юборганида фиръавн рад жавобини берди. Фиръавн Исроил халқини кетишига рухсат бергунича Мисрликларга ўнта жазо юборди.

- > Улар худо деб сиғинган Нил дарёси суви қонга айланди;
- > Дарёдан минглаб бақалар чиқиб, бутун ерни қоплашди;
- > Ер тупроғи ҳашаротларга айланди;
- > Ҳайвон пашшалари ҳамма жойни қоплади;
- > Уларнинг барча молларига, отларига, эшакларига, туяларига, хачирлари ва кўйларига ўлим келтирувчи аёвсиз яралар келди;
- > Тирик қолган ҳайвонлар ва одамлар йирингли яралар билан яраландилар;
- > Дахшатли қаттиқ дўл ёғиб далада бўлган барча одам ва ҳайвонларни ўлдирди;
- > Чигирткалар шу қадар босиб кетдики, ернинг юзи кўринмай қолди. Улар ҳамма нарсани, ҳатто дарахтларни еб битиришди;
- > Уч кун давомида ерни қора зулмат қоплади. Қоронғулик шу қадар қалин эдики, уни ҳис қилиш мумкин эди;

Ҳар бир жазодан сўнг, фиръавнга Худога бўйсунуш имкони берилар эди, лекин у бош тортар эди.

- > Охирги жазо барчанинг: ҳам одамлар, ҳам ҳайвонларнинг тўнғичларининг ўлими эди.

Ушбу тун учун Худо Исроил халқига махсус йўлланма берди. Улар қурбонлик келтириб, унинг қонини эшик тўсинларига суртишлари керак эди. Улар қурбонликни йўлга чиқиш учун кийинган ҳолда ейишлари керак эди. Худо Сўзига бўйсунмасдан эшиклари тўсинига қон суртмаган Исроил халқининг тўнғичлари ҳам Миср халқининг тўнғичлари билан бирга ҳалок бўлдилар. Бу биринчи песах эди ва у Исо бизларнинг нажот топишимиз учун хочда қонини тўкиб қурбон бўлганида тўлик амалга ошди.

Чиқиш 12:13 Қон сизлар жойлашган уйларда белги бўлади. Миср ерини шикастлаш учун ўтганимда, қонни кўриб сизларни четлаб ўтаман ва офат сизларга зиён етказмайди.

МИСРДАН КАНЪОНГА

1440–1400 м.о.

Қизил денгизнинг иккига бўлиниши

Мисрга кўчиб келган етмиш киши кўп сонли халққа айланди. Тўнғичларнинг ўлимидан сўнг фиръавн, уларни ўз еридан қувиб чиқарди. У кейин афсусланиб Исроил халқини қайтариб келиш учун ортидан қўшинини юборди.

Исроил халқи деярли уларнинг қўлларига тушган эди. Икки ёнларида баланд тоғлар, олдларида Қизил денгиз, ортларида эса фиръавннинг қўшини эди. Лекин Худо уларни ҳимоя қилиш учун, улар ва Миср қўшини орасида булут ва олов устунини қўйди. Исроил халқи томонида ёруғлик, Миср қўшини томонида эса қоронғулик эди. Кейин Худо Қизил Денгизни иккига бўлди ва Унинг халқи қуруқликдан ўтди.

Миср қўшини уларнинг ортидан боришга ҳаракат қилганида, денгиз сувлари уларнинг устига ёпирилди ва улар ғарқ бўлишди.

Одамлар жазолаш мўъжизаларини, олов устунини, Қизил денгиз сувларининг иккига бўлинганини кўрганларидан сўнг халқнинг Худонинг буюк қудрати учун қувончи узоқ чўзилмади. Улар тезда шикоят қилишни, нолишни ва йиғлашни бошладилар. Худо ва Мусонинг сабр- тоқатини синай бошладилар.

Қонун берилиши

Худо ўз халқини Синай тоғига етаклади ва у ерда улар ўзларини уч кун давомида муқаддасладилар. Улар Мисрдан чиққанларидан сўнг, биринчи Песахдан сўнг роппа-роса эллигинчи кунда уларга қонун берилди. Исо Масих бу ерни тарк этганининг эллигинчи кунда Муқаддас Рух юракларимизга қонунни муҳрлаш учун келди.

Чиқиш 19:16-20 Учтинчи куни эрталаб момақалди роқлар ва чакмоқлар ва тоғ устида қалин булут ҳамда ўта кучли карнай овози бўлди. Шунда қароргоҳда бўлган бутун халқ титради. Ва Мусо халқни Худо билан учрашиш учун қароргоҳдан олиб чиқди ҳамда улар тоғнинг этагида турдилар. Синай тоғи тутун қуршовида эди, чунки Худованд унга олов ичида тушди; у ердан тутун эса гўё ўчоқдан тутун чиққандек кўтарилди ва бутун тоғ қаттиқ силкинди. Карнай овози узун ва баландроқ ва тобора баландроқ янграганида Мусо сўзлади ва Худо унга овоз билан жавоб берди. Сўнг Худованд Синай тоғига,

тоғнинг тепасига тушди ва Худованд Мусони тоғнинг тепасига чақирди, Мусо эса чиқиб борди.

Олтин Буқа

Мусо Раббий билан гаплашаётганида, Худонинг халқи У қилган мўъжизаларни кўрган бўлса ҳам, чакмоқ ичра Унинг овозини эшитган бўлса ҳам, Худо Мусога қонун ва маъбаднинг режасини бераётганида – халқ Ҳоруннинг ёрдамида олтин буқа ясади ва унга сажда қилди.

Буни кўрган Худо Мусога: “Бу халқни мен ҳалок қиламан ва сендан буюк халқ яратаман”, – деди. Лекин Мусо улар учун шафоат қилди ва Худо уларни кечирди.

Исроил халқи Канъон чегарасига етиб келди, лекин у Худо бу ерда ғалаба беришига ишонишдан бош тортди, ҳамда қирқ йил чўлда сарсон кезди.

ҲАКАМЛАР ДАВРИ – ЕРНИ ЭҒАЛЛАШ

Қирқ йилдан сўнг Мусо ўлди ва Худо томонидан Синай тоғида дафн этилди. Исроил халқи қирқ йилдан сўнг яна Канъон чегарасига келганида, Иешуа бин Нун унинг бошқарувчиси бўлишни қўлга олди.

Худо дарё сувини яна курутди. Бу гал бу Иордан дарёси эди ва одамлар қуруқликдан босиб ўтишди.

Иерихон деворлари ғайритабиий қулаб тушди, ва улар Канъон ерлари учун жангга киришишди. Канъон ерини Исроилнинг барча қабилалари бўлиб олдилар, фақат Леви қабиласи, руҳонийлар қабиласи бундан мустасно эди. Чунки Худо уларга: “Сизларга ердан улуш бўлмайди, Мен сизларнинг улушларингман”, – деган эди. Исроил халқининг атрофдаги бошқа халқлардан фарқи, уларнинг тепаларида одам зотидан подшоҳ йўқлиги эди. Уларнинг подшоҳи Худо эди. Иешуа бин Нуннинг бошқарувига эргашиб, уларни бошқариш учун ҳакамларга эга эдилар. Асосий ҳакамлар қуйидагилар эдилар:

- > Гофниил – биринчи ҳакам
- > Девора – аёл киши
- > Гидеон – барваста, кучли одам
- > Иеффай
- > Самсон – кучли одам
- > Эли
- > Шомуил – охирги ҳакам.

ИСРОИЛДА ПОДШОҲЛИКНИНГ ЎРНАТИЛИШИ

1051 – 931 М.м.

Одамлар Подшоҳни талаб қиладилар

Охирги ҳакам Шомуил қариганида, одамлар ўзларига подшоҳ тайинланишини талаб қилишди. Улар ҳакамлар орқали Худонинг Ўзи бошқаришига қарши исён қилдилар ва Худо уларнинг ўз йўлларида боришларига рухсат берди. Худо уларга айтган огоҳлантирув сўзларига кулоқ солинг.

1 Шомуил 8:7 Эгамиз Шомуилга шундай жавоб берди: “Халқ сенга нима деса, ҳамма гапига қулоқ сол. Улар сени рад этишмади, ўзларининг шоҳи сифатида Мени рад этишди”.

Худо халққа подшоҳлари улардан нималарни олишини айтди:

- > ўзи учун қизларини;
- > ўзи учун ўғилларини;
- > дала, узумзор, боғларини олиб, бошқаларга беришини;
- > ҳамма нарсаларининг ўндан бир улушини;

Худо огоҳлантиришни давом эттирди:

1 Шомуил 8:18, 19 Вақти келиб, ўзларингиз истаган шоҳ дастидан фарёд қиласизлар. Лекин ўша пайтда Эгамиз сизларга жавоб бермайди. Барибир халқ Шомуилнинг гапини эшитишни истамади: “Йўқ, устимиздан бир шоҳ бўлсин”...

Худо улар учун яхшилик бўлмаса—да, улар талаб қилганларини берди. Бошқа халқларда бўлганидек уларга ҳам одамзоддан подшоҳ берди. Шомуил Шоулни подшоҳликка мойлади. Улар Худо бошқарадиган теократик халқдан, одам бошқарадиган монархик халққа айландилар.

Шоул

Шоул подшоҳлигини Худо томонидан мойланган киши сифатида бошлади. У мўмин—қобил ва ўзини назорат қила оладиган эди, аммо маълум вақтдан сўнг мағрур ва итоатсиз бўла бошлади. Ахийри, Худо Шомуилга деди:

1 Шомуил 15:10, 11 Эгамиз Шомуилга шу сўзларни аён қилди: “Шоулни шоҳ қилиб тайинлаганимга пушаймонман. У Мендан юз ўгирди, амрларимни бажо қилмади”. Шомуил хафа бўлиб, тун бўйи Эгамизга ёлвориб чиқди.

Шомуил Шоулни огоҳлантирмоқчи бўлди, лекин Шоул қулоқ солмади. Сўнгра Худо Шомуилни бошқа одамни подшоҳликка мойлаш учун юборди. Шоул эса ўз жонига қасд қилди.

Довуд

Довуд Исроилнинг иккинчи подшоҳи эди. Унинг подшоҳлиги даврида Исроилнинг майдони улкан ва халқи кудратли бўлди. Довуд хақида Худо: — Менинг юрагимдагидек инсон,— деди.

1 Шомуил 13:14 Энди сенинг шоҳлигинг узоққа бормайди. Эгам Ўз кўнглига мос биттасини топди, Менинг халқимни сен бошқарасан, деб ўшани тайинлади. Чунки сен Эгамнинг амрига итоат қилмадинг.

Довуд жангчи, подшоҳ, пайғамбар ва саночи эди. Худо унга маъбад режасини берди.

Довуд сано китобининг катта қисмини ёзди ва ўз халқига Худони улуғлаш ва сажда қилишни ўргатди.

Довуднинг ҳукмронлигининг кўп қисми Худога итоаткорликда кечди, аммо унинг иккита заиф томони бор эди: аёллар ва яқин одамларини тартибга ола олмаслик. Унинг охириги йилларида ўғли исёнкор бўлди,

кўплаб урушлар чиқарди, хаттоки унинг подшоҳлигини ҳам тортиб олмоқчи бўлди.

Сулаймон

Сулаймон давлат бошқарувини буюк шон– шуҳратда бошлади. У подшоҳликка Довуднинг дуоси билан мойланган эди. Унда отаси томонидан йиғилган бойликнинг улкан хазиналари бор эди. Халқ уни севар ва унга улкан умид боғлаган эди.

Подшоҳлигини бошлаганида унинг буюк орзуси донолик эди. Худо унга илохий ақлий қобилиятлар берди. Ҳикматлар китобини, Қўшиқлар Қўшиғини ва умрининг охириги йилларида Воиз китобини Сулаймон подшоҳ ёзган деб ҳисобланади.

У Худонинг улкан маъбадини қурди. Шунга қарамасдан, Сулаймон подшоҳ зинокорлик ва бутпарастликка берилди. Унинг етти юзта хотини ва уч юзта чўриси бор эди. Балки Воиз китоби унинг ҳаётининг охириги йилларининг тасвиридир.

ПОДШОҲЛИКНИНГ БЎЛИНИШИ — ҚУЛЛИККА ТУШИШ

931–586 м.о.

Сулаймоннинг ўлиmidан сўнг, унинг ўғли Иероваам Исроилнинг подшоҳи қилиб тайинланди. Халқ ундан Сулаймон подшоҳ юклаган юкни енгиллаштиришини сўради. Иероваам отасинининг кекса маслаҳатчиларига борди, улар унга: –Агар, сен қўл остингдаги одамларга яхши муомала қилсанг, уларга ёкишга ҳаракат қилсанг – улар сенга абадий хизмат қиладилар,– деб маслаҳат бердилар.

Иероваам оксоқолларнинг сўзини инкор қилиб, бирга ўсган ёш дўстларининг олдида борди. Улар эса халққа қуйидагиларни айтишни маслаҳат бердилар:

1Шоҳлик 12:11 Шундай қилиб, агар, менинг отам сизларни оғир жабр билан юклаган бўлса, мен сизларнинг жабрларингни кўпайтираман; Отам сизларни хивич билан жазолар эди, мен эса сизларни чаёнлар билан жазолайман.

Шимолий қабилалар одамлари ғалаён кўтаришди ва Исроил халқи иккига бўлинди.

Исроил – Шимолий Подшоҳлик

Шимолий Подшоҳлик ўнта қабиладан ташкил топди. Бу исёнда туғилган халқ эди. У ерда ўн тўққизта подшоҳ ҳукм сурди, аммо бирортаси ҳам яхши подшоҳ эмас эди.

Ахав Илёс давридаги ёвуз подшоҳ эди, Иезавел унинг хотини эди. Иорам, Иеху, Иоахаз ва Иоаш Элишай давридаги ёвуз подшоҳлар эдилар.

Пайғамбарлар Ҳосея, Омўс, Илёс ва Элишай бу подшоҳларни ва подшоҳликдаги одамларни огоҳлантирар эдилар. Юнус ҳам шу подшоҳликдан эди.

Иккинчи Шоҳликлар китобининг ўн еттинчи бобида Шимолий подшоҳликнинг даҳшатли гуноҳлари кўрсатилган. Ахийри, уларнинг

гуноҳлари шу қадар улканлашдики, Худо уларни куллика олинишларига йўл қўйди.

2 Шоҳлар 17:22-23 Исроил халқи Ерибом қилган ҳамма гуноҳларга эргашди, бу гуноҳлардан қайтмади. Натижада Эгамиз пайғамбар куллари орқали айтганидай, Исроил халқини Ўз ҳузуридан қувди ва Исроил халқи ўз юртларидан Оссурияга сургун қилинди. Улар ҳозиргача ўша ерда яшайдилар.

Яҳудия – Жанубий Подшоҳлик

Жанубий подшоҳлик иккита қабиладан ташкил топди. Йигирмата подшоҳдан саккизтаси яхши эди, шу подшоҳлар учун Худо Яҳудия шоҳлигини аяди.

Яхши подшоҳлардан айримлари: Худога хизматнинг тартибини тиклаган Иосафат; Жоаш, Уззия, Жотам ва Ҳизқиё эди. Яҳудия пайғамбарлари: Микай, Ҳабақуқ, Йўэл, Йеремиах, Ободиё, Ишаъё, Наҳум ва Зефания эди. Йеремиах йиғиси китоби – Яҳудия подшоҳлигининг қулагани учун Йеремиах чеккан қайғусининг изҳоридир. Бу китоб қуйидаги сўзлар билан тугалланади.

Йеремиах йиғиси 5:21 Эй Раббий бизни Ўзингга йўналтир, шунда бизлар қайта тикланамиз.

БОБИЛ ҚУЛЛИГИ

605–535 М.т.

Биз Эски Ахддан билиб оладиган, ва бизни тинчлантирадиган нарсалардан энг асосийси – Худо барча халқларни назорат қилишидир. Подшоҳликларнинг қад кўтариши ёки қулаши Унинг режалари асосида содир бўлади. Исроил фарзандлари итоатсизлик қилиб бошқа худоларга сиғинишди, шу сабабли Худо уларни тартибга солиш ва кул қилиш учун Бобил халқини кўтарди. Бобил қўшинининг лашкарбошиларида бири Яҳудия халқи нима учун қулаганининг сабабини билар эди.

Йеремиах 40:2,3 Қўриқчиларнинг бошлиғи Йеремиахни олиб унга деди: “Раббий Худонинг бу жойга қулфатни сўзлади, Раббий буни олиб келди, ва айтганини амалга оширди; чунки сизлар Раббий қаршисида гуноҳ қилдинглар ва Унинг овозига қулоқ солмадинглар, шунинг учун бошларингга бу иш тушди”.

Набукаднезар

Ҳамма яҳудийлар асирликка бир вақтда олиб кетилмадилар. Дониэл, Седрах, Мишах ва Авденаго биринчи асир олинганларнинг сафида эдилар ва улар бошқарувчилик мансабларига кўтарилдилар. Набукаднезар Бобил подшоҳи эди. Унинг даврида Седрах, Мишах ва Авденаго оловга ташланган ва у ердан омон чиққан эдилар. Набукаднезар мағрурланиб, Худо унга берган нарсалар учун мактана бошлади.

Дониэл 4:30 Менга айтилган бу кароматли сўзлар ўша захотиёк амалга ошди. Мен инсонлар жамиятидан ҳайдалдим. Ҳўкиз каби ўт еб, осмондан тушган шудрингга чўмилдим. Сочларим бургут қанотларидай узун, тирноқларим қушнинг чангалларидай бўлгунига қадар, ҳаётим шу зайлда давом этди.

Шу вақтда у ақлдан озди ва далада хайвон каби яшади. Дониэл уни бу ходиса содир бўлишидан ва қуйидагиларни тушунмагунича - ўн йил давомида шу ҳолда бўлишидан огоҳлантирди.

Дониэл 4:32 Ердаги инсонлар Унинг наздида ҳеч нарсадайдир. У осмондаги қўшинлар билан ҳам, ерда яшовчилар билан ҳам Ўз иродаси бўйича иш тутади. Унга қаршилик қилиб: “Сен нима қиляпсан?”-деб айтадиган йўқдир.

Еттинчи йилнинг охирида, Набукаднезарнинг онги ўз соғломлик ҳолатига қайтди ва у деди:

Дониэл 4:34 “Энди мен, Набукаднезар, Самовий Шохга ҳамду санолар айтаман, Уни олқишлаб, улуғлайман. Унинг ҳамма ишлари тўғри, чиқарган ҳукмлари адолатлидир, У мағрур юрганларни бўйсундиришга қодирдир”.

Валтасар

Валтасар – Набукаднезарнинг набираси бўлиб, Бобилнинг охирги подшоҳи эди. Биз у ҳақида деярли ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз. Фақат унинг охирги базмидан хабаримиз бор. Бу базмда минглаб одамлар иштирок этган ва улар Иерусалим маъбадидан келтирилган олтин ва кумуш идишларда шароб ичган эдилар.

Кутилмаганда қўл пайдо бўлиб деворда ёзди ва унинг маъносини Дониэл талқин қилиб берди:

Дониэл 5:26–28, 30–31 Бунинг маъноси қуйидагича: **МЕНЕ**, яъни “ҳисоб”, – Худо ҳукмронлик вақтингизни ҳисоблаб чиқиб, шоҳлигингизга яқун ясади. **ТЕКЕЛ**, яъни “тортилган”, – сиз тарозида тортилиб, жуда ҳукмронлик қилишга номуносиб бўлиб чиқдингиз. **ПЕРЕС** яъни “бўлинган”, – шоҳлигингиз бўлиниб, Мидияликлар ва Форсларга берилди.

Худди ўша куни кечаси Бобил шоҳи Белтазар ўлдирилди. Тахтга эса олтмиш икки ёшли Мидиялик Доро ўтирди.

Исроил халқи ёвузлашди ва Бобил халқига енгилди. Бобилликлар ёвузлашди ва Персликларга енгилди.

Кир

Кир Перс империясининг асосчиси эди. У Бобилни енгди ва Худо томонидан Исроил халқини қулликдан озод қилиш учун мойланган эди. Пайғамбар Ишаъё Кирнинг келишини, унинг туғилишидан юз йил аввал башорат қилган.

Ишаъё 44:24а, 28 Сени қайта сотиб олган ва онангнинг қорнидаёқ яратган Раббий шундай дейди: Мен ҳамма нарсани яратган Раббийман. Ўзим осмонларни ёйдим ва Ўз кучим билан ерни тўшадим. **28.** У Кир ҳақида дейди: Менинг чўпоним, у Менинг ҳамма иродамни бажаради ва Иерусалимга дейди: “сен қуриласан!” ва маъбадга: “сен барпо қилинасан!”

ТИКЛАНИШ

535–400 м.о.

Исроил халқи уч турли вақтларда Исроилга қайтди. Биринчи қайтганлар Зоровавел, Иешуа, Ҳаггай ва Закариё эди. Уларнинг мақсади – маъбадни тиклаш эди. Эзра иккинчи гуруҳда эди ва унинг мақсади қонунни ўргатиш ва Худога тўғри хизмат қилишни қайта тиклаш эди. Нехемиах ва бошқалар эса Иерусалим деворларини тиклаш учун қайтиб келишди. Малъахи китобининг ёзилган санаси аниқ эмас. Бу Эски Аҳднинг охириги китоби бўлиши мумкин.

Малъахи ёзган:

Малъахи 4:2-4. Сизлар учун эса Менинг номим олдида эҳтиром билан юрадиганлар учун ҳақлик Қуёши кўтарилади. Унинг қанотларида шифо келади. Сизлар чиқиб, семиз бузоқчалар каби ўйноқлайсизлар. Шунда “Сизлар бетавфиқларни оёқ ости қиласизлар, чунки Мен яратадиган ўша кунда улар оёгингиз тагидаги тупроқ каби бўладилар”, – дейди Кўшинлар Худованди. Мен Ўз қулим Мусога Хорив тоғида бутун Исроил халқи учун амр қилиб берган Қонунни ҳамда низомлару қоидаларни ёдингизда тутинглар.

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Бу дарсда ёритилган Эски Аҳд тарихининг қандай тўққизта давлари келтирилган?
2. Исроил халқи Худодан ўзига бошқа халқларда бўлганидек, подшоҳ сўраганида Худо уларни нималар тўғрисида огоҳлантирди?
3. Ушбу дарсга асосланиб, бизлар Эски Аҳддан ўрганишимиз мумкин бўлган, бизларни тинчлантирадиган энг муҳим нарса нимадан иборат? Бу ҳақиқатни тасдиқловчи Библиявий мисолларни айтинг.

Учинчи дарс

Худонинг Аҳдли болалари

Кириш

Худо ерни яратишидан аввал, инсониятни яратишни режалаштирди. У ўзининг аввалдан билиш қобилияти билан Одам Ато ва Ҳавванинг гуноҳ қилишларини билар эди ва Нажоткор келишини режалаштирди.

Бизнинг Худоимиз:

- > Аҳд тузувчи
- > Аҳдни бажарувчи
- > Аҳдни очувчидир.

Бу ҳақида Мусо ёзган:

Қонуннинг такрорланиши 7:9 Шундай қилиб, билгин, сенинг Раббий Худоинг Уни севувчилар ва Унинг амрларига риоя қилувчилар билан аҳдида турувчи ва уларнинг мингинчи авлодигача шафқат қилувчи содик Худодир.

Дунё яратилишидан аввал, Худо инсоният билан абадий Аҳд тузди. Бу Аҳд бугунги кунда ҳам кучга эга. Бу аҳд бизларга тегишли! Худонинг Эски Аҳдда тузган аҳди – ҳозирги кунларда ҳам ҳаётимизнинг бир қисмидир, шунинг учун уларни ўрганиш жуда муҳим.

Таъриф

Аҳд – жиддий, боғловчи келишув, Худо билан Унинг халқи орасидаги контрактдир. Қон аҳди – Унинг Ўзининг қони билан муҳрланган ва ҳеч қачон бузилмайдиган аҳддир.

Худо бу аҳдларнинг тузилишининг ташкилотчиси эди ва У бу аҳдларни одамзодга Унинг Ўзини, Унинг режаларини, ва Унинг мақсадларини очувчи ривожланувчи ваҳий сифатида берди.

Икки тур аҳд

> Шартсиз

Аҳднинг икки тури бор: шартсиз ва шартли. Шартсиз Аҳд одамзод учун Худонинг Ўзига олган мажбуриятидир. Бу аҳднинг ваъдалари одамларнинг итоат қилишлари ёки итоат қилмасликларидан қатъи назар амалга ошади.

> Шартли

Бошқа тур аҳдлар – шартли аҳдлар бўлиб, улар одамзод томонидан қабул қилиниши ёки қабул қилинмаслиги мумкин. Бу аҳдларнинг шартлари ўзгармас Худо томонидан қўйилгандир. Шу сабабли шартлар ҳам ҳеч қачон ўзгармайди. Шартли аҳддан фойдани фақатгина имон ва итоаткорлик билан олишимиз мумкин.

Пойдевор Ахд

Абадий Ахд – Ота Худо, Ўғил ва Мукаддас Рух томонидан, улар ўтмишда абадийликда келишганларидан бошланган. Худо абадий оилага эга бўлиш истагини амалга ошириш учун одамзодни яратишни режалаштирди. У Ўғли учун келинни ва абадий яшайдиган оилани истаган эди. Бу оила орқали У Ўзини кўпайтира олар эди.

Одам Ато ва Ҳавванинг гуноҳ қилишини олдиндан билиб, Худо уларни Ўғлининг ўлими билан қайта сотиб олишни режалаштирди. Қайта сотиб олиниш орқали, одамзод нима учун яратилган бўлса, ўша ҳолатига тўлиқ тикланиши керак эди. Эракак ва аёллар Унинг Ўғлининг баркамол, ҳақ, мукамал, безанган келини бўлишлари керак эди.

Мана шу пойдеворли абадий ахд бўлиб, барча даврлардаги қолган барча ахдлар шунга асослангандир.

Бу ахдга кўра бизлар:

> Даъват этилганмиз

Абадий Ахд Худонинг инсониятга бўлган мақсадини ва иноятини очиб беради.

2 Тимўтийга 1:9, 10 Худо бизни савоб ишларимиз бўйича эмас, балки Ўзининг мақсади ва инояти бўйича қутқарди ва мукаддас даъват билан чақирди. Унинг шу инояти асрлар бошланмасдан олдин бизга Исо Масихда берилган, лекин энди Қутқарувчимиз Исо Масихнинг зоҳир бўлиши билан ошқора бўлди. У эса Хушхабар орқали ўлимни яксон қилиб, ҳаёт ва ўлмасликни нурга олиб чиқди.

> Қайта сотиб олинганмиз

Бу Худонинг инсониятни Ўз Ўғлининг қони тўкилиши воситасида қайта сотиб олиши режасини очиб беради.

Ибронийларга 13:20 Тинчлик Худоси эса абадий Ахд қонидаги кўйларнинг улуғ Чўпони бўлган Раббимиз Исо Масихни ўликлардан тирилтирди.

> Масихда олдиндан белгиланганмиз

Бу Худонинг инсоният аввал яратилиб, кейинчалик Унинг Ўғлининг суратига қараб ўзгариши ҳақидаги режасини очиб беради.

Римликларга 8:29, 30 Зеро Худо кимларни азалдан билган бўлса, ўшаларни Ўз Ўғлининг тасвирига ўхшаш бўлишларини олдиндан тайинлади, токи, У кўп биродарларининг орасида тўнғичи бўлсин. Шунингдек, Худо кимларни олдиндан тайинлаган бўлса, ўшаларни даъват қилди; кимларни даъват қилган бўлса, ўшаларни оқлади; кимларни оқлаган бўлса, ўшаларга шухрат берди.

> Келажагимиз бор

Худонинг инсоният билан ўтмишда, абадийликда тузган абадий Ахди, бизнинг келажагимизни қуради.

Эфесликларга 1:4 Ўзининг ҳузурида муқаддас ва бенуқсон бўлишимиз учун Худо дунё яратилишидан аввал бизни севги билан Масихда танлади.

1 Коринфликларга 2:7 балки Худонинг сирли ва яширин бўлган донолигини воизлик қилмоқдамиз. Худо бу донолигини асрлар бошланишидан аввал бизнинг шухратимиз учун тайин қилган.

Бизнинг дуоларимиз

Ҳар бир аҳд икки томон бажариши керак бўлган мажбуриятларга эга: Худонинг ва бизларнинг мажбуриятларимиз. Худо томонидан Абадий Аҳднинг дуолари берилди. Бизларга эса уларни ишонч ва итоаткорлик билан қабул қилиш қолади.

Имон онгий тушунча эмас, бу – ҳаракатдир.

> Мангу ҳаёт

Абадий Аҳднинг иштирокчилари сифатида, бизлар мангу ҳаётга эгамиз. Бу бизларнинг ичимиздаги Худонинг ҳаётидир.

Титусга 1:2 Имон ва ҳақиқат эса ёлгон гапирмайдиган Худо асрлар бошланишидан аввал ваъда берган абадий ҳаёт умидига йўналтиряпти.

> Унинг севгиси

Биз Унинг севгисини қабул қилишимиз мумкин.

Йеремиаҳ 31:3 Раббий менга узокдан намоён бўлиб деди: Мен сени мангу севги билан севдим, шунинг учун сенга марҳаматимни узатдим.

> Ҳақлик

Дониэл китобига биноан:

Дониэл 9:24 Сенинг халқинг ва муқаддас шахринг учун етмиш ҳафта белгиланди, токи жинояти қоплансин, гуноҳлари тугатилсин ва қонунбузарликлари поклансин; ҳамда абадий ҳақлик келтирилсин, ваҳий ва пайғамбар муҳрлансин, Муқаддаслар Муқаддаси мойлансин.

Масихнинг бизлар учун қилган қайта сотиб олиш иши – гуноҳларнинг жазосини олиб ярашиш келтириш ва абадий ҳақликни келтириш эди.

2 Коринфликларга 5:21 Зеро биз Масихда Худонинг ҳақлиги бўлишимиз учун, Худо гуноҳни билмаган Масихни биз учун гуноҳга айлантирди.

> Ном

Бизга абадий ном берилган.

Ишаё 56:5 Мен уларга Ўз уйимда ва Ўз деворларимда жойнинг ва номнинг ўғилларга ва қизларга бериладигандан кўра яхшироғини бераман; уларга абадий, ўчмас ном бераман.

> Подшоҳлик

Биз абадий подшоҳликнинг бир қисмига айландик.

Дониэл 7:27 Осмон остидаги бутун подшоҳлик, ҳукмронлик ва шоҳона улуғворлик Худойи Таолонинг муқаддас халқига берилади;

Унинг подшоҳлиги – абадий подшоҳликдир. Ҳамма ҳукмдорлар Унга хизмат қилиб итоат қиладилар.

> Мангу қувонч

Бизда абадий қувонч бор.

Ишаъё 51:11 Раббий томонидан қутқарилганлар қайтиб келишади ва Сионга ашулалар айтиб келишади, уларнинг бошларида мангу қувонч бўлади; улар хурсандчилик ва қувонч топишади; қайғу ва хўрсинишлар йўқолади.

Шартлар

Худо бажариши лозим бўлган томони – ахдда ваъда қилинган ҳамма дуои-баракатларни бериш эди.

Бизлардан нима талаб қилинади? Абадий ахдни қабул қилиб, уни ҳозирги кунларда ҳам, ва абадийликда ҳам ўзимизники қилишнинг шартлари нима?

> Мустаҳкам ишонч

Бу ахдни ўз ҳаётимизга қабул қилишимизнинг ягона йўли – мустаҳкам имондир.

Юханно 3:16 Зеро Худо оламни шунчалик севдики, Ўзининг ягона Ўғлини берди, токи Унга ишонган ҳар бир киши ҳалок бўлмасин, балки абадий ҳаётга эга бўлсин.

> Итоаткорлик

Ўз ҳаётимизда абадий ахдни маҳсулдор тутишнинг йўли – итоаткорликда яшашимиздир.

Юханно 14:15 “Агар Мени севсангизлар, амрларимга амал қилинглар”.

Ибронийларга 5:9 ...ва мукаммаллашиб, У Ўзига итоат қилганларнинг ҳаммаси учун абадий нажот манбаи бўлди.

> Муҳрланган

Абадий Ахд Ота томонидан режалаштирилган, Ўғил томонидан амалга оширилган бўлса–да, Муқаддас Рух томонидан муҳрланган.

Эфесликларга 1:13 Сизлар ҳам ҳақиқат сўзини, нажотингизнинг хушxabарини эшитиб, Масихга имон келтириб, ваъда қилинган Муқаддас Рух билан Масихда муҳрландингизлар.

АДАН БОҒИДАГИ АХД

Шартли

Адандаги ахд – Худо Одам Ато ва Ҳаввани яратиб, уларни Адан боғида жойлаштирганидан сўнг тузган биринчи ахдидир. Бу ахдда Худо одамзодни яратишдан мақсадини ва режасини очди.

Бу ахд бошқа ахдлар каби, итоаткорлик учун дуони ва итоатсизлик учун лаънатни ваъда беради.

Дуо–баракалар

Ибтидо 1:28-30 Худо одамларни дуо қилиб уларга: “Баракали бўлинглар, кўпайинглар. Ер юзини тўлғазиб тобе қилинглар. Денгиздаги балиқлар, кўк юзидаги паррандалар ҳамда ер юзида ҳаракатланувчи барча ҳайвонлар устидан ҳоким бўлинглар”, – деди. Худо давом этиб: “Мана, Мен сизларга бутун ер юзидаги уруғ берадиган ўт-ўланнинг ва уруғли мева берадиган дарахтнинг ҳаммасини бердим; сизларга овқат учун ярайди. Шунингдек, тирик жони бўлган бутун ёввойи ҳайвонларга: кўк юзида учиб юривчи барча паррандаларга ва ер юзида ҳаракат қилувчи барча махлуқларга ҳам емиш учун кўк ўтнинг ҳар турли навини бердим”, – деди ва шундай бўлди ҳам.

Шартлари

Итоаткорлик учун дуо–баракат ваъда этилган экан, бу итоаткорликнинг синови ҳам Худо томонидан таъминланди. Агар Одам Ато билан Ҳавва итоатсизлик қилсалар, улар аҳднинг лаънатига қолишлари керак эди.

Ибтидо 2:16,17 Худованди Карим одамга буюриб деди: “Сен бу боғнинг ҳар бир дарахтидан еявергин. Фақат яхши ва ёмонни билиш дарахтидан ема. Чунки ундан еган куниёқ ўласан”.

Адан Аҳди Одам Ато ва Ҳавва аҳднинг шартларига итоат қилиш, қилмасликларини синовдан ўтказди.

Аҳд бузилди

Одам Ато ва Ҳавва мевани еганларидан кейин, уларнинг Худо билан мулоқотлари узилди. Улар энди Худонинг олдида дадиллик билан кела олмас эдилар.

Ибтидо 3:8 Куннинг салқин шабадаси эсган вақтда Одам ва унинг хотини боғда юрган Худованди Каримнинг овозини эшитиб қолишди. Улар Унинг назаридан қочиб, боғдаги дарахтлар орасида яширинишди.

> Шайтон устига лаънат

Одамзодни шайтон васвасага солиб, гуноҳ қилдиргани учун у лаънатланди.

Ибтидо 3:14,15 Шунда Худованди Карим илонга айтди: “Бу қилган ишинг учун сен ҳамма чорва туёқлари ва ҳамма дашт ҳайвонларидан кўра лаънатисан. Умринг бўйи қорнинг билан юриб, тупроқ ейсан. Сен билан хотин орасига, сенинг зотинг билан унинг зоти орасига адоват соламан. Ўша Зот сенинг бошингни эзиб ташлайди, сен эса унинг товонини чақасан”.

> Ҳавва устига лаънат

Аёл зоти лаънатланди.

Ибтидо 3:16 Кейин хотинга деди: “Сенинг ҳомиладорлик пайтидаги машаққатингни бағоят орттираман. Сен дард билан фарзандлар туғасан. Иштиёқинг эринга бўлади, у эса сенга ҳоким бўлади”.

> Одам Ато ва ернинг устига лаънат

Лаънат Одам Ато устига, ва бутун эркак зоти ҳамда ер устига келди. Шу кундан эътиборан, эркак зоти ҳаётининг ҳамма кунларида пешана тери тўкиб ишлашга мажбур бўлди. Бу қийин ва ёқимсиз бўлиши керак эди.

Ибтидо 3:17 Кейин Одамга деди: “Сен хотинингнинг гапига қулоқ солдинг, Мен ема деб буюрган дарахт мевасидан единг. Энди сен сабабли ер лаънатидир. Умринг бўйи машаққат чекиб, ер ундирган ҳосилдан ейсан.

> Ернинг устига лаънат

Ер эса яхши ҳосиллар беришнинг ўрнига, тикан ва бегона ўтлар ўстириши керак эди.

Ибтидо 3:17в, 18 ...ер ундирган ҳосилдан ейсан. Ер сенга тикану янтоқ ўстиради, сен эса дашт ўтини еб юрасан.

> Ўлим

Яратилган барча мавжудот ва одамзодга ўлим келди.

Ибтидо 3:19 Сен ердан олингансан ва ерга қайтгунига қадар пешана тери билан нон еб юрасан. Зеро тупроқдирсан ва тупроққа қайтарсан.

> Исо бизнинг лаънатимиз бўлди

Агар хочдаги азоблари ва ўлими орқали бизнинг лаънатимиз бўлган Исони эсламаганимизда, гуноҳнинг натижасида келган лаънатларнинг рўйхатини узок давом эттиришимиз мумкин эди.

Галатияликларга 3:13 Масих биз учун лаънат бўлиб, бизни Қонун лаънатида сотиб олди, (зеро ёзилган: ”Ёғочга осилган ҳар бир киши лаънатидир”).

ОДАМ АТО АҲДИ

Шартсиз

Одам Ато ва Ҳаввага гуноҳлари учун келган барча лаънатлар орасида, Худо уларга қайта сотиб олиш ваъдасини берди. Худо одамзод билан янги аҳд тузди.

Бу сотиб Олувчи келишининг илк бора тилга олинishi эди.

Ваъда

Ибтидо 3:15 Сен билан хотин орасига, сенинг зотинг билан унинг зоти орасига адоват соламан. Ўша Зот сенинг бошингни эзиб ташлайди, сен эса унинг товонини чақасан.

Худо шайтонга сўзлаб, аёлнинг Уруғи унинг бошини шикастлашини, шайтон эса Унинг товонини чақишини айтди.

Шайтон Худонинг инсониятга аёл Уруғи орқали қайта сотиб Олувчини юбориш режасини эшитган лаҳзасидан, унинг мақсади – барча аёл уруғини йўқотиш бўлди.

Авлоддан авлодга эркаклар ва аёллар Худони инкор қилдилар ва кўпроқ зулмкор бўла бордилар. Ҳаттоки, одам авлодини бузиш мақсадида–

шайтоннинг жинлари ярим одам, ярим жин бўлган мавжудотларни яратиш учун аёллар билан бирлашдилар.

Ибтидо 6:4 Худо ўғиллари одамзод қизларига кира бошлаганларидан сўнг, ва улар уларга фарзандлар туға бошлаганларидан сўнг ерда бахайбат одамлар бор эдилар. Булар кучли, қадимдан шуҳратли одамлардир.

Бу шайтоннинг бошини янчадиган “аёл Уруғи”– Масихнинг келишини тўхтатиш ҳаракати эди.

Мусо туғилган вақтда фиръавннинг ичига кирган, Исо туғилган вақтда подшоҳ Ҳироднинг ичига кирган шу руҳ эди. Бу шайтоний руҳ Худонинг одамзодга нисбатан режасини тўхтатиш учун, хануз гўдакларни ўлдиришга ҳаракат қилади. Бу ҳомилаларни аборт қилиш шаклида давом этмоқда.

Ахд болалари сифатида, биз ҳам “аёл Уруғи” бўлмиш Исо Масих орқали тўлиқ қайта сотиб олинганлигимизнинг тўлиқ баракасида юришимиз мумкин. Голгўттада илоннинг боши шикастлангани шарофати билан, биз ҳам ўз имонимиз ва итоаткорлигимизда ғалаба сари юришимиз мумкин.

НУҲ АҲДИ

Шартли

Дуолар ва баракатлар

Тошқиндан кейин Худо Нуҳ билан аҳд тузди. Бу аҳдда Ўзининг илк аҳдларини тасдиқлади ва одамзод учун Ўзининг қайта сотиб олиш буюк севги режасини очди. Худо Одам Ато ва Ҳаввага ер юзидаги ҳамма нарса устидан ҳокимият бергани каби, шу ҳокимиятни Нуҳга ҳам берди.

Ибтидо 9:1, 2 Худо Нуҳ билан ўғилларини дуо қилиб, деди: “Баракали бўлиб кўпайинглар, ер юзини тўлғазинглар. Ердаги ҳамма хайвонлар, осмондаги барча паррандалар, бутун ер юзида ҳаракат қилувчи махлуқлар ва бутун денгиздаги балиқлар сизлардан қўрқиб, даҳшатга тушадилар. Ана, улар қўлингизга топширилган.

Ибтидо 9:9, 10а “Мен сизлар билан ва сизлардан кейинги насллар билан аҳд-паймон қиламан. Шунингдек, сизлар билан бўлган парранда, чорва, ҳар бир тирик жон билан, яъни кемадан чиқиб, орангизда яшаётган ернинг ҳамма хайвонлари билан аҳд-паймон қиламан”.

Иккита шарт

> Қон ичмаслик (емаслик)

Худо Нуҳ ва унинг оиласига қон ичмасликларини буюрди.

Ибтидо 9:4 Фақат этни ўз жони, яъни қони билан еманглар.

> Одамларни ўлдирмаслик

Улар одамларни ўлдирмасликлари керак эди.

Ибтидо 9:6 Ким одам қонини тўкса, унинг қони одам кўли билан тўкилув. Зеро одам Худо суратида яратилгандир.

Шайтоннинг одамзодга қарши кейинги ҳужуми шу икки соҳада бўлди.

Исо инсоният учун тирик қурбон сифатида келиши керак эди. Унинг қони бутун инсоният учун шафқат қурбонлиги бўлиши керак эди. Шайтон бунга қарши қандай курашди?

У инсон қурбонлигини оддий нарсага айлантирди.

Ҳозирги кунларда шайтоннинг хизматкорлари одамларни қурбон қилмоқдалар.

Кўринарли аломатлар

Бу аҳд кўринарли аломатга эга эди. Худо бутун ерни сув билан бошқа ҳеч қачон вайрон қилмаслигини ваъда берди ва камалак бу аҳднинг аломати эди.

Ибтидо 9:12-15 Худо тағин деди: “Менинг сизлар билан ҳамда сизлардаги ҳар бир тирик жон билан қилаётган, наслдан-наслга абадий ўтадиган аҳдимнинг аломати шу: Ўзим билан ер орасидаги аҳдимнинг аломати сифатида Мен булутларда камалак пайдо қиламан. Бундан буён ер юзига булут тортишимда, булутларда Менинг камалагим намоён бўлади. Сизлар билан ва барча махлуқлар билан, ҳар бир тирик жон билан қилган аҳдими Мен эслаб туриб, бутун махлуқотни йўқ қиладиган сув тошқинига ортиқ йўл бермайман.

Аҳд болалари сифатида, бизлар ҳам Худонинг серҳосиллиги, дуо–баракати ва ҳокимиятида юришимиз мумкин. Шунингдек, барча тирик жонзотларни ҳалок қилиш учун сув тошқини бўлмаслигига қатъий ишониб юришимиз мумкин. Ҳар гал, камалакни кўрганимизда Худонинг аҳди болалари эканлигимизни биламиз.

ИБРОҲИМ АҲДИ

Шартли

Тошқиндан аввал инсоният тобора гуноҳкор бўлиб боргани каби, тошқиндан кейин ҳам гуноҳкорликларини давом эттирди. Нухнинг фарзандлари Худонинг олдида ҳақликда юрмас эдилар, уларнинг авлодлари ҳам худди шунингдек эдилар.

Сўнгра Худо Иброҳимга сўзлади, уни чақириб инсоният билан аҳдини янгилади. Энди Худо бутун инсоният билан, Нухнинг бор авлодлари билан мулоқотдан – алоҳида оилани чақириб мулоқот қилишга бурилди. Уларга Ўзини очмоқчи эди.

Изоҳ: Қуйидаги бир неча оятларда шартларнинг тагига чизилган. Дуолар қавс ичида.

Ибтидо 12:1-3 Худованд Иброҳимга хитоб қилиб деди: “Ўз ерингдан, она юртингдан, отанг уйдан чиқиб, Мен сенга кўрсатадиган ерга кет. /Сендан буюк халқ вужудга келтираман. Сени табаррук қилиб, номингни улуғлайман. Сен баракали бўлгайсан. Сени дуо қилганларни Мен дуо қиламан, сени лаънатлаганларни Мен лаънатлайман. Ер юзидаги барча қабилалар сендан барака топадилар”/.

Исҳоқ билан

Худо аҳдни Исҳоқ билан янгилади.

Ибтидо 26:3, 4 “Шу ерда мусофир бўлиб тургин, /Мен сен билан бўлиб, сени баракали қиламан. Мана шу ерларнинг ҳаммасини сенга ва сенинг зурриётингга бераман, отанг Иброҳимга ичган қасамимни бажо келтираман. Сенинг зурриётингни фалакдаги юлдузлардай кўпайтириб, шу ерларнинг ҳаммасини уларга бераман. Ер юзининг ҳамма халқлари сенинг зурриётингдан барака топадилар”/.

Ёқуб билан

Худо аҳдни Ёқуб билан янгилади.

Ибтидо 28:13,14 Худованднинг Ўзи ҳам нарвоннинг устида турганича, шундай гапирди: “Мен – Худованд, отанг Иброҳимнинг ва Исҳоқнинг Худосиман. /Сен ётган ерни Мен сенга ва зурриётингга бераман. Сенинг зурриётинг ернинг қумидек кўп бўлади. Фарбу шарққа, шимолу жанубга ёйилиб борасан. Сендан ва зурриётингдан ер юзидаги ҳамма қабилалар барака топадилар”/.

Бизлар билан

Худо Ўз аҳдини бизлар билан янгилади!

Галатияликларга 3:14 /токи Иброҳимнинг баракаси Исо Масиҳ орқали мажусийларга ҳам келсин; шундай қилиб, биз ваъда қилинган Рухни/имон орқали қабул қилайлик.

Галатияликларга 3:28, 29 Энди на яҳудий бор, на юнон, на қул бор, на озод, на эркак бор, на аёл; чунки сизларнинг ҳаммаларингиз Исо Масиҳда бирсизлар. Агар сизлар Масиҳники бўлсангизлар, /унда сизлар Иброҳимнинг уруғисизлар ва ваъда бўйича меросхўрсизлар/.

Худонинг Аҳд болалари сифатида бизлар, имонимиз ва итоаткорлигимиз билан – Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубларнинг аҳдлари дуои– баракаларида юришимиз мумкин.

МУСОНИНГ АҲДИ

Иброҳимнинг уруғи кўпайди, ва сўнгра курғоқчилик пайтида Худо уларни Мисрга кўчирди. Аввалига улар меҳмон бўлдилар, кейинчалик эса қул бўлдилар. Ахийри, тўрт юз йилдан сўнг, Худо Мусони ўз халқини қулликдан – мўл-кўлчиликка олиб чиқишга даъват қилди.

Чиқиш 3:7-8 Шунда Худованд деди: Мен Мисрдаги Ўз халқимнинг азобларни кўрдим ва назоратчилар устидан чеккан фарёдларини эшитдим; Мен унинг қайғусини биламан, ва Мен уларни Мисрликларнинг қўлларидан қутқариш учун келдим. Уни бу ердан олиб яхши ва кенг бўлган, сут ва асал оқаётган ерга: Канъонлар, Хеттийлар, Аморийлар, Перизийлар, Хивийлар ва Ёбуссийлар ерларига олиб бораман.

Бу давр ичида нималар содир бўлганига тўхталиб ўтирмасдан, Исроил фарзандлари Миср еридан эркинликка чиққанларидан кейинги уч ойга эътибор берамиз.

Ахд берилди

Чиқиш 19:3-6 Сўнг Мусо Худонинг олдига чиқди, ҳамда Худованд уни тоғдан чақириб, деди: Ёқуб уйига шундай дегин ва Исроил фарзандларига айтгин: “Мен Мисрликларнинг нима қилганимни ва сизларни гўё бургут қанотларида кўтариб, Ўзимга олиб келганимни кўрдингизлар. Шундай қилиб, менинг овозимга хақиқатан бўйсунсанглар ва менинг аҳдимга амал қилсанглар, /шунда бошқа барча халқлар ичра Менинг шахсий мулким бўласизлар; Зеро бор замин меникидир. Сизлар Менга шоҳона руҳонийлар ва муқаддас халқ бўласизлар”/.

Худонинг аҳди болалари сифатида, бизлар ҳам қулликларимиздан “бургут қанотларида” олиб чиқиламиз. Агар биз Унинг сўзига итоат қилсак ва Унинг Аҳдига риоя қилсак, бизлар ҳам Худонинг хусусий мулки бўламиз.

Аҳд болалари сифатида, бизлар ҳам шоҳона руҳонийлар ҳамда муқаддас халқмиз.

ФАЛАСТИН АҲДИ

Шартли

Исроил фарзандлари чўлда юрганларида, Худо уларга Мусо орқали Ўз қонунини барча қисмларигача таърифлаб берди. Агар улар Қонунга риоя қилсалар Худо уларни дуо қилар, риоя қилмасалар лаънатлар эди. Ушбу аҳднинг дуолари ва лаънатлари Қонуннинг такрорланиши китобининг 28:1–68 оятларида берилган.

Бу дуолар ва лаънатлар Иброҳим ва унинг бор авлодлари учун эди. Улар Исроил халқига айландилар, сўнгра Янги Аҳдда бизларнинг Иброҳимнинг фарзандлари эканимиз ва бу дуои – баракатлар бизларга тегишли экани ёзилган.

Дуои баракатлар

Исроилнинг фарзандлари сифатида қандай қилиб бу дуои баракатларга эришишиз мумкин? Раббийнинг овозига итоат қилиш билан.

Қонуннинг такрорланиши 28:1-2 “Агар Раббий Худоингнинг овозига кулоқ солсанг, ва мен сизларга бугун амр қилаётган амрларни бажарсанг, Раббий Худоинг сени ернинг барча халқларидан юқори кўяди; Мана шу дуои–баракатларнинг барчаси сенга келади ва сенда амалга ошади, агар Раббий Худоингнинг овозига кулоқ солсанг”.

Агар биз Раббийнинг овозига итоат қилсак, агар Унинг амрларини диққат билан ўргансак – дуои баракатлар табиий равишда оқиб келади. Улар бизларнинг устимизга қуйилади ва бизларни бутунлай қамраб олади!

Қонуннинг такрорланиши китобининг 28:3–14 оятларини шахсий олмошларини ўзгартириб ўқинг. Масалан: ”Мен шаҳарда дуои баракатли бўламан, қишлоқда ҳам дуои баракатли бўламан. Менинг танамнинг хосили, еримнинг маҳсулоти ва йилкиларимнинг кўпайиши дуои баракалидир...”

Шартлар

Нима учун Исроил халқи лаънатга қолди?

Чунки улар Худонинг овозига итоат қилмадилар. Улар Худонинг амрларини ва насиҳатларини ўрганмадилар.

Қонуннинг такрорланиши 28:15 Агар сизлар мен бугун амр қилаётган Унинг амр ва қарорларини ижро этишга интилмай, ўз Раббий Худоларингизнинг сўзига қулоқ солмасанглар: унда мана бу қуйидаги лаънатлар бошингизга ёғилади.

Агар бизлар Унинг аҳддаги фарзандлари сифатида Раббийнинг овозига “ғайрат билан итоат қилсак” ва Унинг барча амрларини диққат билан ўргансак – бизлар ҳам дуои баракали бўламиз. Худо бизлар учун Ўзининг хазиналарини очади ва бизларнинг қўлларимизнинг ишларини дуо қилади.

ДОВУДНИНГ АҲДИ

Шартли

Худо Одам Ато, Ҳавва ва Иброҳим билан тузган, келаётган Уруғ ҳақидаги аҳдини янгилади.

2Шомуил 7:12,13 Сенинг кунларинг битиб, оталарингга кўшилганигда, сендан сўнг Мен сенинг Уруғингни тиклайман. У сенинг пушти камарингдан келиб чиқади, унинг шоҳлигини мустаҳкамлайман. У Менинг номимга уй қуради, ва Мен унинг шоҳлиги тахтини мангу мустаҳкамлайман.

Ваъда

Уруғ (Масих) Довуддан келиб чиқиши ва Ўзининг шоҳлигини мангу ўрнатиши керак эди.

Абадий Аҳднинг бир қисми сифатида, бизлар ваъда қилинган Уруғнинг туғилишини кутмаймиз. Бизлар Исо ваъда қилинган Уруғ эканини имон билан қабул қиламиз.

Аҳд болалари сифатида Худонинг подшоҳлигини бу ерда ўрнатилишини кўришимиз мумкин. Ер устидан ҳокимиятни қўлга киритар эканмиз, бизлар ер ва ундаги ҳамма нарса устидан подшоҳлардек ҳукмронлик қилишимиз мумкин. Бизлар ҳаётимиздаги Яратувчининг мақсадларини амалга оширишимиз мумкин. Худо билан тузилган абадий аҳднинг дуои баракатларида юришимиз мумкин. Бунинг шартлари ҳануз аввалгидек: имон ҳамда итоаткорлик.

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Шартли ва шартсиз аҳд орасидаги фарқни таърифлаб беринг.
2. Бу дарсда муҳокама қилинган аҳдларни санаб беринг.
3. Бугунги кунда бу аҳдларни тушунишимиз нима учун муҳим?

НАЖОТКОР ҲАҚИДАГИ АСОСИЙ БАШОРАТЛАР

Берилган	Жисм	Амалга ошган
Ибтидо 3:15	Аёл уруғи	Галатияликларга 4:4
Ибтидо 12:3	Иброҳимнинг насли	Матто 1:1
Ибтидо 17:19	Исҳоқнинг насли	Луқо 3:34
Сонлар 24:17	Ёқубнинг шоҳона насли	Матто 1:2
Ибтидо 49:10	Яҳудо кабиласидан бўлган подшоҳ	Луқо 3:33
1 Шомуил 2:10	Подшоҳ бўлади	Луқо 19:38
Ишаъё 9:7	Довуд тахтининг вориси	Луқо 1:32, 33
Санолар 44:6, 7	Мойланган ва абадий	Ибронийларга 1:8–12
Микай 5:2	Байтлахмда туғилади	Луқо 2:4–7
Ишаъё 7:14	Бокира қиздан туғилади	Луқо 1:26–31
Йеремиаҳ 31:15	Чакалоқлар ўлдирилиши	Матто 2:16
Осиё 11:1	Мисрга қочади	Матто 2:14, 15
Малъахи 3:1	Йўл тайёрланади	Луқо 7:24, 27
Санолар 2:7	Худонинг ўғли ҳақида эълон қилинади	Матто 3:17
Ишаъё 9:1, 2	Жалиладаги хизмати	Матто 4:13–16
Ишаъё 11:2	Унинг айрим фазилатлари	Луқо 2:52
Санолар 77:2–4	Масаллар билан сўзлаши	Матто 13:34, 35
Қонун такрорлаш 18:15	Мусо каби пайғамбар бўлади	Хаворийлар 3:20, 22
Ишаъё 61:1, 2	Эзилган юракларни даволайди	Луқо 4:18, 19
Ишаъё 53:3	Ўз халқи томонидан рад этилади	Юҳанно 1:11
Санолар 109:4	Малхисидик унвони бўйича руҳоний	Ибронийларга 5:5, 6
Закариё 9:9	Тантанавор кириш	Марк 11:7, 9
Дониэл 9:25	Тантанавор кириш вақти	Луқо 2:1, 2; 3:23; 19:42
Санолар 8:3	Гўдаклар улуғлаши	Матто 21:15, 16
Ишаъё 53:1	Ишонмайдилар	Юҳанно 12:37, 38
Санолар 40:10	Яқин дўстлари сотади	Луқо 22:47, 48
Закариё 11:12	30 кумуш тангага сотилади	Матто 26:14, 15
Закариё 11:13	Пуллар қайтарилади. Кулол тупроғи	Матто 27:6, 7
Санолар 108:7, 8	Яҳудонинг ўрнини бошқа эгаллайди	Хаворийлар 1:18–20
Санолар 21:7, 8	Ёлғон гувоҳлар Уни айблайдилар	Матто 26:60, 61
Санолар 34:11	Ёлғон гувоҳлар томонидан айбланади	Марк 14:57, 58
Ишаъё 53:7	Айблаганда жим туради	Марк 15:4, 5
Ишаъё 50:6	Уни уриб, юзига тупуришади	Матто 26:67
Санолар 34:19	Сабабсиз ёмон кўришади	Матто 26:67
Санолар 68:5	Асоссиз ёмон кўришади	Юҳанно 15:23–25
Ишаъё 53:5	Гуноҳ учун қурбонлик	Римликларга 5:6, 8
Ишаъё 53:12	Жиноятчилар билан бирга хочга михланади	Марк 15:27, 28
Закариё 12:10	Қўл – оёғини тешадилар	Юҳанно 20:27
Санолар 21:7–8	Унинг устидан кулишади	Луқо 23:25
Санолар 68:8	Ҳақоратга бардош беради	Римликларга 15:3
Санолар 108:4	Душманлари учун ибодат қилади	Луқо 23:34
Санолар 21:17, 19	Кийимларини бўлишадилар	Матто 27:35, 36
Санолар 21:2	Худо Уни ташлаб кетади	Матто 27:46
Санолар 33:21	Унинг суяклари шикастланмайди	Юҳанно 19:32–36
Санолар 68:22	Унга ўт қўшилган сирка ичиришади	Матто 27:34
Закариё 12:10	Унинг биқини тешилади	Юҳанно 19:34
Ишаъё 53:9	Бадавлат одамникида дафн этилади	Матто 27:57–60
Санолар 15:10	Қайта тирилади	Марк 16:6, 7
Санолар 67:19	Худонинг ўнг томонида ўтиради	Марк 16:19

Тўртинчи дарс

Масихнинг Эски Аҳдада намоён бўлиши

Баъзилар Эски Аҳдни тарих китоби деб аташади. Бу тарих, бу тарихдан ҳам муҳимроқ, чунки бу “Унинг тарихи.” Дунё ва инсониятнинг яратилишидан, ибтидо китобидаги Худонинг: “Ўзимизнинг суратимизда одамни яратамиз,” – деган вақтларидан, то Исроил халқининг гуноҳга ботишига қадар, Исо ҳар бир китобда намоён бўлган.

Эски Аҳдада Масих келиши ҳақида 330та башорат бор.

Аввалига улар умумийлик табиатига эга бўлиб, кейинчалик махсулашиб борган. Бу ажойиб башоратларнинг Исо Масихда амалга ошиши, Исонинг барча инсониятни гуноҳ жазосидан қайта сотиб олиш учун юборилган Худонинг Ўғли эканлигининг инкор этиб бўлмайдиган исботидир.

Эътибор беринг: Бу дарсда жойни аяш учун Янги Аҳдадаги амалга ошган башоратларнинг барчасини ҳам кўрсатмаймиз. Улар олдинги варақда келтирилган.

КЕЛАЁТГАН МАСИХ

Аёл уруғи

Олдин эслатиб ўтилганидек, Исо ҳақидаги биринчи башорат – Унинг аёл уруғидан бўлиши эди.

Бу башорат Одам Ато ва Ҳавванинг гуноҳларидан сўнг берилди.

Ибтидо 3:15 “Сен билан хотин орасига, сенинг зотинг билан унинг зоти орасига адоват соламан. Ўша зот сенинг бошингни эзиб ташлайди, сен эса унинг товонини чақасан”.

Повул бунинг амалга ошганини сўзлаган.

Галатияликларга 4:4 Аммо вақтнинг тўлиқлиги келганида, Худо Ўзининг Ўғлини юборди. У аёлдан туғилди ва Қонун остига қўйилди.

Келадиган Масих – Одам Атога, Ҳаввага, Иброҳимга, Исҳоқ, Ёқуб ва Довудга ваъда берилган эди.

Бир қарашда, ваъда қилинган Уруғ учраган аёлнинг уруғи бўлиши мумкиндек туюлади. Аммо кейинчалик, башоратлар махсулашиб боради. Ваъда қилинган Уруғ – Иброҳимнинг наслидан, Исҳоқдан – Ёқубдан – Довуддан туғилиши керак. Унинг авлодий шажараси кейинчалик махсулашиб борди.

Байтлаҳмда туғилган

Нажоткор Байтлаҳм шаҳрида туғилиши башорат қилинган эди. Исо шу ерда туғилди.

Микай 5:2 Ва сен, Бейтлаҳам – Эфрафа, сен минглаб Яҳудиялардан каммисан? Исроилда Доҳий бўлиши керак бўлган ва келиб чиқиши азалдан, мангу кунлардан Бўлган - Менга сендан келиб чиқади.

Луқо 2:4-7 Шунингдек, Юсуф ҳам Довуднинг авлодидан ва хонадонидан бўлгани учун Жалиланинг Носира шаҳридан Яҳудияга,

Довуднинг шаҳри Бейтлаҳамга бориб, у ерда руйхатдан ўтиш учун ўзига унаштирилган хотини, хомиладор бўлган Марямни ҳам олиб борди. Улар ўша ерда бўлганларида, Марямнинг ой–куни тўлди. Марям ўзининг тўнғич ўғлини туғиб, Уни йўргакка ўраб, охурга ётқизиб қўйди, чунки мусофирхонада уларга жой йўқ эди.

Мусо каби пайғамбар

Нажоткор Мусо каби пайғамбар бўлиши керак эди.

Қонуннинг такрорланиши 18:15 Сенинг ва биродарларнинг орасидан Раббий Худойинг сенга худди менга ўхшаган пайғамбарни тиклайди, сизлар Унга қулоқ солинглар.

Малхисидиқ каби Рухоний

Нажоткор Малхисидиқ каби Рухоний бўлиши керак эди.

Санолар 109:4 Худованд онг ичган ва сўздан қайтмас: “Малхисидиқ мартабаси бўйича Сен абадий рухонийсан”.

Довуд каби подшоҳ

Довуднинг тахтининг вориси бўлади.

Ишаё 9:7 Довуднинг тахтида ва унинг шоҳлигида Унинг ҳукмронлигининг ва тинчлигининг кўпайишининг чеки бўлмайди, токи У уни ҳозирдан то абад суд ва ҳақиқат билан тасдиқласин ҳамда мустаҳкамласин. Буни кўшинлар Худовандининг рашки қилади.

Луқо 1:32, 33 У улуг бўлади ва Тангри Таолонинг Ўғли деб аталади. Худоё Худованд Унга отаси Довуднинг тахтини беради. Унинг Ёқуб хонадони устидан то абад подшоҳлигининг ниҳояси бўлмайди.

Келиш вақти

Нажоткор тарихнинг маълум вақтида келиши керак эди. У Ўзини Исроил Подшоҳи сифатида очиши ва инкор қилиниши керак эди.

Дониэл 9:25, 26 Шундай қилиб, билгин ва фахмлаб олгинки, Иерусалимнинг тикланиши ҳақидаги чиққан фармондан, то Ҳукмрон Масихгача етти ҳафта ва олтмиш икки ҳафта белгиланган. Кўчаларни ҳам, деворларни ҳам қийнчилик вақтларида тиклайдилар. Олтмиш икки ҳафта ўтгандан сўнг Масих кесиб ташланади ва нобуд бўлади. Шаҳар ва муқаддас макон эса келадиган дохийнинг халқи томонидан яксон қилинади; Унинг натижаси - сув тошқинидагидек бўлади ва жангнинг охиригача вайронагарчиликлар бўлади.

ДОВУДНИНГ БАШОРАТЛАРИ

Саноларни ўқишимизга кўра, Довуд бошқа пайғамбарларга нисбатан Исонинг азоб–укубатларини кўпроқ тушунган, бу азобларга кўпроқ кириб борган. Саноларда Довуд - ўз азоб укубатлари орқали, Исо хочда осилганида, ер қаърида бўлганида нималарни ҳис қилганини бизларга ички томонини кўрсатади. У Исонинг самонинг тахтли хонасига юксалиб қайтганини тасвирлайди.

Хиёнатнинг башорати

> Дўсти томонидан хиёнат

Довуд Исонинг дўсти томонидан сотилишини, бу дўстини умри қисқа бўлишини ва унинг ўрнини бошқаси эгаллашини башорат қилган.

Санолар 40:9 Бало – қазо ёпишибди унга, – дейдилар, – Бир ётгандан кейин жойидан турмас!

Санолар 108:8 Умри қисқа бўлиб, ўрнини бошқаси эгалласин.

> Сохта гувоҳлар Уни айблашади

Довуд Исога қарши сохта гувоҳликлар беришларини башорат қилган.

Санолар 26:12 Ағёрим ихтиёрига топширмагин мени! Мана, ёлғончи шохидлар, қахр-зуғум сочиб турган зўравонлар менга қарши хужум бошлади!

Матто бу башоратни тасдиқлайди.

Матто 26:60-61 Анчагина гувоҳлар олға чиққан бўлса-да, етарлича айбловчи далиллар топилмади. Ниҳоят, икки сохта гувоҳ сўзга чиқиб: “Бу Одам: “Мен Худонинг маъбадини бузиб, уч кунда қайта тиклай оламан”,- деган, – деб айтишди.

> Сабабсиз ёмон кўрадилар

Уни сабабсиз ёмон кўрадилар.

Санолар 68:5 Мендан сабабсиз нафратланувчилар – бошимдаги сочимдан ҳам кўпдир; Мени ноҳақ таъқиб қилаётган душманларим, кучайдилар;

Юҳанно шу башоратни тасдиқлади, ҳаттоки унга урғу берди.

Юҳанно 15:23-25 Мендан нафратланган Отамдан ҳам нафратланган бўлади. Агар Мен улар орасида бошқалар сира қилмаган ишларни намён қилмаганимда эди, уларда гуноҳ бўлмас эди. Энди бўлса ишларимни кўрдилар-у, Мендан ҳам, Отамдан ҳам нафратландилар. Бу эса уларнинг Тавротдаги: “Мендан ноҳақ нафратландилар”, – деган оят бажо бўлиши учун содир бўлди.

Михланишнинг башорати

Михланиш ҳақида бир қанча башоратлар бор. Уларнинг амалга ошганини Матто 27, Марк 15, Луқо 23, Юҳанно 19- бобларда ўқишимиз мумкин.

> Қўл ва оёғлари тешилди

> Аскарлар Унинг кийимларига қуръа ташлашди

Санолар 21:16-19 Менинг дармоним сопол парчасидек қуриди, тилим танглайимга ёпишиб қолди. Сен мени ўлим хокига топширдинг-ку! Мана, итлар мени қуршаб олди, Ёвузлар тўдаси мени ўраб олди, Улар қўлларим ва оёқларимни тешдилар. Суякларимни бирма-бир санай оламан, Улар менга тикилиб бақраймоқдалар. Кийимларимни ўзаро бўлишиб, либосим учун қуръа ташладилар.

- > Таъналар, мазах қилишлар, ҳақоротлар
- > Мазах қилишларда башоратдаги сўзлар қайтарилди

Санолар 21:8 9 Мени кўрган барча мазах қилади, бурнини жийириб, бош иргитиб дейдилар: “Худовандга эътиқод қилди. У халос этсин! Худованд ундан рози экан, Ўзи қутқарсин!”

- > Ўт қўшилган сирка беришди

Санолар 68:22 Емагим учун менга захар бердилар, ташналигимда менга сирка ичирдилар.

- > Душманлари учун ибодат қилди

Санолар 108:4 Муҳаббатим учун менга адоват қиладилар, мен бўлсам – тоат-ибодатдаман.

- > Унинг суяклари синмади

Санолар 33:21 Улар тинчликни оғзига ҳам олмайдилар, мамлакатда тинч яшаётганларда қарши фитна уюштирадилар.

Унинг қайта тирилиши / самога кўтарилиши

Бу башоратларнинг амалга ошишини – Матто 28, Марк 16, Луқо 24 ва Юҳанно 20да ўқишимиз мумкин.

- > Ўлаётганида ҳам

Исо ўлаётганида ҳам Худо Унинг жонини ер қаърида қолдирмаслигини билар эди. Довуд Исонинг шу вақтдаги фикрларини башорат қилган:

Санолар 15:10 Зеро Сен менинг жонимни дўзахда қолдирмайсан, ва Ўз муқаддасингга чиришни кўришни бермайсан.

- > Тантана

Довуд бизга ҳатто Исонинг самовий тахт хонасига қайтиб киришини ҳам ажойиб тасвирини беради.

Санолар 23:7-10 Эй дарвозалар, кенгрок очилинг, Баландрок кўтарилинг, мангу қопқалар; Токи улуғвор Подшоҳ кириб келсин. Кимдир бу улуғвор Подшоҳ? Қудратли ва музаффар Худованддир, Жангда зафар қучғуси Худованддир У. Эй дарвозалар, кенгрок очилинг, Баландрок кўтарилинг, мангу қопқалар; Токи улуғвор Подшоҳ кириб келсин. Кимдир бу улуғвор Подшоҳ? Мана, Худованд, Сарвари коинот, Удир улуғвор Подшоҳ!

ИШАЪЁНИНГ БАШОРАТЛАРИ

Ишаъёнинг башоратларининг деталлари ҳайратга соларли. Ишаъё китобининг 53 боби – Исонинг ўлимини аниқроқ тасвирлайди. Бу шу қадар деталларда аниқ тасвирланганки, илк Яхудий дини бошлиқлари: бу Муқаддас Ёзувнинг бир қисми бўлиши мумкин эмас, балки Яхудий Масихийларнинг ўзлари буни қўшганлар”, – деб даъво қилдилар.

1947 йилда Ўлик денгизда Ўралма Ёзувлар топилди. Булар барча топилган Библия нусхаларининг энг қадимгиси эди. Фақат биргина ўралма ёзув бошидан охиригача бешикаст сақланган эди. Бу Ишаъёнинг қўл ёзмалари бўлиб, у эллик уч қисмдан иборат эди. Ишаъёнинг башоратларининг хусусиятларини тушуниш учун Ишаъё эллик учинчи бобни ўқинг.

Исо Ишаъё 61:1, 2 ни эслатиб ўтганида, Ишаъёнинг башоратлари орқали Ўзи ҳақида сўзлайди.

Луқо 4:18, 19 Худованднинг Руҳи Менинг устимда, чунки қашшоқларга хушxabарни эълон қилиш учун, дили эзилганларга шифо бериш учун, асирларга халос бўлишларни, кўрларга кўзлари очилишини воизлик қилиш учун, азоб чекканларни озодликка чиқариш учун, Худованднинг илтифот йилини воизлик қилиш учун У Мени мойлаб юборди.

Исонинг тарихи

Эски Ахдадаги баъзи Исо ҳақидаги башоратлар Унинг Ўзига хос туғилиши, оила шажараси ва мойланиши ҳақида сўзлайди.

> Бокира киздан туғилади

Ишаъё 7:14 Шунинг учун Раббийнинг Ўзи сизларга аломат беради: Мана, бокира қиз ҳомиладор бўлиб Ўғил туғади, Унга: Эммануил деб ном қўядилар.

> Оиласи

Ишаъё 11:1 Иессейнинг томиридан ниҳол ўсиб чиқади, унинг томиридан шох ўсиб чиқади.

> Мойланиши

Ишаъё 11:2 Унинг устига Раббийнинг Руҳи тушади...

Исонинг фазилатлари

> Доно

Ишаъё 11:2 Унда Худованднинг Руҳи, донолик ва ақл руҳи, маслаҳат ва мустаҳкамлик руҳи, Билим ва диёнат руҳи жой олади.

> Руҳларни фарқлаш

Ишаъё 11:3 У Раббийнинг қўрқувига тўлади, ва кўзларининг кўраётгани бўйича ҳукм қилмайди ҳамда қулоқлари эшитаетганларига биноан ишни ҳал қилмайди.

> Одил

Ишаъё 11:4 У камбағалларни ҳақлик билан ҳукм қилади, ва ер юзидаги эзилганларнинг ишларини ҳақиқатга биноан муҳокама қилади. Оғзининг таёғи билан ерни шикастлайди ва оғзининг руҳи билан бетавфиқни ўлдиради.

> Ҳақ

Ишаъё 11:5 Унинг белининг белбоғи ҳақлик ва сонларининг боғичи содиқликдир.

> Тинч

Ишаъё 42:2 Нолимайди ва Ўз овозини кўтармайди. Уни кўчаларда эшитишларига руҳсат бермайди

> Юмшоқ

Ишаъё 42:3 Қадди букилган қамишларни синдирмайди. Тутаётган зиғирни-ки ўчирмайди; ҳақиқат бўйича ҳукм қилади.

> Қатъиятли

Ишаъё 42:4 Токи ерда хукмни ўрнатмагунича заифлашмайди ва холсизланмайди, ва оролар Унинг қонунига умид боғлайдилар.

> Нурли

Ишаъё 42:6 Мен, Раббий Сени ҳақиқатда чақирдим. Сени қўлингдан ушлайман ва Сени қўриқлайман. Сени халқ учун аҳд қилиб, мажусийлар учун нур қилиб қўяман.

> Раҳм–шафқатли

Ишаъё 53:4 Аммо у бизларнинг заифликларимизни Ўзига олди, бизларнинг касалликларимизни кўтариб кетди; бизлар эса Уни Худо томонидан енгилган, жазоланган ва оёқ-ости қилинган деб ўйладик.

> Мўмин–қобил

Ишаъё 53:7 У тилинди, лекин Ўз ихтиёри билан азоб тортди ва оғизларини очмади; У қўй каби сўйилишга олиб борилди, жун кирқувчининг қаршисида турган қўзичокдек овозсиз эди, У шундай қилиб Ўз оғзини очмади.

> Ўринбосар қурбон

Ишаъё 53:10 Аммо уни шикастлаш Раббийга маъқул бўлди, ва Уни азобларга топширди; Унинг жони раҳм-шафқат қурбонлигини келтирганида эса, У узоқ умрли авлодга қарайди ва Раббийнинг иродаси Унинг қўли орқали омадли ижро этилади.

> Бегуноҳ

Ишаъё 53:9 Унга ёвузлар билан тобут белгиладилар, аммо У бойнинг жойига кўмилди, чунки гуноҳ қилмади ва Унинг оғзида ёлғон йўқ эди.

> Буюк

Ишаъё 53:12 Кўпларнинг гуноҳларини олиб кетган ва жиноятчилар учун шафоатчи бўлган бир вақтда - Ўз жонини ўлимга топширгани учун, ва ёвузлар қаторида ҳисоблангани учун Мен Унга улуғлар орасида улуш бераман ва кучлилар билан ўлжани бўлишади.

> Нажоткор қудрат Эгаси

Ишаъё 53:11 У Ўз жонининг жасоратига мамнуният билан қарайди; Уни таниб билиш орқали - У, Ҳақ, Менинг Қулим кўпларни оқлайди, уларнинг гуноҳларини Ўзи билан олиб кетади.

Исонинг вазифалари

> Ёритувчи

Ишаъё 9:2 Зулматда юрган халқ буюк нурни кўради; ўлим соясидаги мамлакатда яшовчиларга нур порлайди.

> Ҳакам

Ишаъё 11:3 Раббийнинг қўрқуви билан тўлади, ва кўзларининг кўриши билан ҳукм қилмайди, ва қулоқлари эшитиши билан Ўзининг ишларини амалга оширмайди.

> Фош қилувчи

Ишаъё 11:4 У камабағалларни ҳаққоният билан ва ердаги азоб чекканларнинг ишини ҳақиқат билан ҳукм қилади; ва оғзининг таёғи билан ерни қиради, ва Ўз оғзининг руҳи билан нопокни ўлдиради.

> Қонун ўрнатувчи

Ишаъё 42:4 Ерда ҳукми мустаҳкам ўрнатмагунча, заифлашмайди ва беҳол бўлмайди, ва Унинг қонунига ороллар таянишади.

> Озод килувчи

Ишаъё 42:7 Кўрларнинг кўзларини очиш учун, тутқунларни тутқунликдан олиб чиқиш учун ва зулматда ўтирганларни – зиндондан олиб чиқиш учун...

> Юкни Ўзига олувчи

Ишаъё 53:4 У бизнинг заифликларимизни Ўзига олди ва бизнинг касалликларимизни олиб кетди; бизлар эса, У Худо томонидан шикастланмоқда, жазоланмоқда ва камситилмоқда деб ўйладик.

> Гуноҳни қўтарувчи

Ишаъё 53:6 Биз ҳаммамиз қўйларга ўхшаб адашиб юрардик, ҳамма ўз йўлига бурилиб кетди; ва Худо Унга бизнинг ҳаммамизнинг гуноҳимизни қўйди.

> Шафоатчи

Ишаъё 53:12 Кўпларнинг гуноҳларини олиб кетган ва жиноятчилар учун шафоатчи бўлган бир вақтда - Ўз жонини ўлимга топширгани учун, ва ёвузлар қаторида ҳисоблангани учун Мен Унга улуғлар орасида улуш бераман ва кучлилар билан ўлжани бўлишади.

> Ягона Нажоткор

Ишаъё 53:5 Лекин У бизнинг гуноҳимиз учун яраланган эди, ва бизнинг қонунсизлигимиз учун азобланган эди; дунёимизнинг жазоси Унда эди ва Унинг яралари билан бизлар шифоландик.

> Шифоловчи

Ишаъё 53:5 Лекин У бизнинг гуноҳимиз учун яраланган эди, ва бизнинг қонунсизлигимиз учун қийналган эди; дунёимизнинг жазоси Унда эди ва Унинг яралари билан бизлар шифоландик.

Исонинг унвонлари

> Эммануил

Ишаъё 7:14 Шундай қилиб, Раббийнинг Ўзи сизга аломат беради, мана бокира қиз ҳомиладор бўлади, ва Ўғил туғади, ва Унга: Эммануил деб ном қўйишади.

> Ажойиб, Яраштирувчи, Қудратли Худо,
Абадиёт Отаси, Тинчлик Подшоҳи

Ишаъё 9:6 “Зеро бизга чақалоқ туғилди; бизга Ўғил берилди; ҳукмронлик Унинг елкасида ва Унга: ажойиб, Маслаҳатчи, Қувватли Худо, мангулик Отаси, дунёнинг Беги” деб ном қўйишади.

> Ҳақ Подшоҳ

Ишаъё 32:1 Мана, Шоҳ ҳақиқат билан ҳукмронлик қилади, ва беклар қонун бўйича бошқаришади.

> Танланган хизматкор

Ишаъё 42:1 Мана, Мен қўлидан ушлаб турган Ўғлим, жоним илтифот қиладиган Танланганим. Рухимни Унга қуяман, ва халқларга судимни етказди.

> Раббийнинг Қўли

Ишаъё 53:1 Ким биз эшитган нарсага ишонди, ва кимга Раббийнинг мушаги очилди?

> Мойланган Воиз

Ишаъё 61:1 Раббий Худованднинг Рухи устимда, зеро Раббий Мени кашшоқларга хушxabар айтиш учун мойлади, юраги яксонларни шифолаш учун, тутқунларга озодликни воизлик қилиш ва махбусларга зиндон очилганини айтиш учун юборди.


Хулоса

Эски Аҳддаги Масихнинг келиши ҳақидаги 330та башоратнинг ҳаммаси Исо Масихда амалга ошди. Буларнинг ҳаммаси “тасодифан бир одамда содир бўлиши” мумкин эмас. Бу ўз-ўзидан бўлиб қолишининг иложи йўқ. Исо Худонинг Ўғли. У бутун Эски Аҳд бўйлаб тасвирланган Шахсдир. У одамзоднинг Нажоткори.

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Нажоткор келишига тааллуқли бўлган Библиядаги энг биринчи ваҳий нима эди? У қандай қилиб махсуслашди?
2. Ёзувдан келадиган Масих – Пайғамбар, Рухоний ва Подшоҳ сифатида фаолият юритишини очадиган учта башоратни топиб ёзинг.
3. Санолар ва Ишаъё китобидан Исо Масихнинг келишидаги ўринбосар қурбонлик ишини муҳим томонини ёритиб берган иккита асосий башоратларни ёзинг.

Мусонинг чодир



1. Муқаддаслар муқаддаси – Худо Ота

Олий Рухонийга бир йилда бир марта очиқ эди.

Жихозлари:

Аҳд киботи – Худонинг хузури

Шафқат курсиси – Худонинг тахти

2. Муқаддасгоҳ – Ўғил Худо

Фақатгина рухонийлар учун очиқ.

Жихозлари:

Бағишлов нонлари столи – Исо, ҳаёт нони

Олтин шамдон – Исо, дунёнинг нури

Хушбўй тутатқилар қурбонгоҳи – Исо, шафоатчи

3. Ҳовли – Худо Муқаддас Рухнинг хузури

Барча имонлилар учун очиқ

Жихозлари:

Қурбонлик қурбонгоҳи – Исо, олий қурбонлик

Ювингич – Исо, Худонинг покловчи Сўзи

Жамоатнинг тимсоли – Рух воситасида Худонинг яшаш жойи

Эфесликларга 2:19–22 *Демак, сизлар энди бегона ва хорижий эмассизлар, балки муқаддасларнинг ҳамфуқароси ва Худонинг хонадонидагисизлар. Сизлар ҳаворийлар ва пайгамбарларнинг пойдевори асосида қурилгансизлар. Асосий бурчак тоши эса – Исо Масиҳнинг Ўзидир. Ўша тошда бутун бино таркиб топиб, Раббийдаги муқаддас маъбадга ўсиб бормоқда. Мана бунда сизлар ҳам Худонинг маконига Рух орқали бирга барпо этилмоқдасизлар.*

Имонлининг тимсоли – Худонинг маъбади

2 Коринфликларга 6:16 б *Зеро сизлар тирик Худонинг маъбадсизлар, Худо айтганидек: «Уларда жойлашаман ва уларда юраман; Уларнинг Худоси бўламан ва улар Менинг халқим бўладилар.»*

Осмондаги нарсаларнинг тури

Ибронийларга 8:5 *...Мусо скинияни ясашни бошлаганида унга айтилганидек, улар самовийнинг тимсоли ва соясига хизмат қиладилар. «Қара,»-дейилган, - «ҳаммасини сенга тоғда кўрсатилган намунага биноан қил.»*

Ибронийларга 9:23 *Шундай қилиб, самовий тимсоллар шулар билан, самовийнинг ўзи эса аълороқ қурбонликлар билан покланиши лозим эди.*

Бешинчи дарс

Хизмат ва Ҳамду–санолар учун намуналар

Рамзлар, тимсоллар ва соялар

Тимсол:

*Келажақда бўлиши керак
бўлган нарсани
тасвирлаш
(прототип)*

Рамз:

*Вақтга боғлиқ бўлмаган
маълум нарсани намоён
қилади*

Мисол:

*Песах байрами –
Гуноҳкор–
ларни Масиҳнинг
қурбон–
лиги орқали
қутқарилиши
тури.*

*Песах қўзиси – Масиҳнинг
тимсоли*

Бутун Эски Аҳд бўйлаб, Худо бизларга келаётган Сотиб Олувчининг рамзларини, намуналарини ва сояларини берган.

Исроил фарзандлари Мисрни тарк этганларидан сўнг Худо Мусога тезда қонун берди. Улар шунга асосланиб ҳаракат қилишлари учун – умумлаштирилган Қонунга эга бўлмаганларича миллат бўла олмас эдилар. Қонун икки қисмдан иборат эди. Биринчи қисм одамларни ҳимоялаш учун мўлжалланган эди. Бу қисмда фуқаролик қонунлари ва овқатларни истеъмол қилиш қонунлари ёритилган эди. Иккинчи қисм эса Исо Масиҳ орқали қайта сотиб олинишни ёритарди. Қонун тўғридан-тўғри Исони кўрсатарди.

Худо шунингдек, Мусога чодир қуриш учун аниқ кўрсатмалар берди. Чодирнинг ҳар бир қисми тимсоллар эди. Ҳар бир қисм келадиган Масиҳнинг ҳаёти ва ўлими ҳақида сўзлар эди. Бу дарсда, бизлар чодир ва қурбонликларни ўрганамиз.

Исо: Мен Қонунни бузгани эмас, аксинча уни бажаргани келдим, – деди.

Матто 5:17 “Мени Таврот ёки пайғамбар оятларини бекор қилгани келди, - деб ўйламанглар, Мен бекор қилгани эмас, балки бажо келтиргани келдим”.

Қуйидагидек оятларни тушунишимиз учун - бизлар чодир, қурбонликлар, рўзалар, Руҳонийлар ҳақида билишимиз жуда муҳим.

Ибронийларга 8:1-3, 5 Айтганларимизнинг асосий нуқтаси шуки, бизнинг осмонда, Арши Аълонинг ўнг томонида ўтирган Олий руҳонийимиз Исо бор. Ҳар бир олий руҳоний ҳадялар ва қурбонлар келтириш учун тайин этилади. Шундай экан, Исонинг ҳам келтирадиган бир нарсаси бўлиши лозим эди. Агар У ер юзида бўлганида эди, умуман руҳоний бўлолмас эди. Чунки Тавротда буюрилган ҳадяларни тақдим қилувчи руҳонийлар бор. Улар Мусо пайғамбар Худодан олган кўрсатмага мувофиқ қурилган чодирда диний хизмат кўрсатадилар. Худо Мусога: “Эҳтиёт бўл, ҳар бир нарсани тоғда сенга кўрсатилган намунага мувофиқ қилгин”, - деб буюрган эди. Демак, руҳонийлар хизмат қиладиган макон фақат осмонда мавжудининг намунаси ва соясигинадир.

ЧОДИР

Чодир намунаси Мусога берилган эди: ўлчамлари, дарахт тури, хомашё, олтин ва қумуш, қимматбаҳо тошлар, мато ва жун. Уларнинг ҳар бирининг ўзининг маълум маъноси бор эди – уларнинг ҳаммаси – тўғридан тўғри Исони кўрсатар эди.

Уч қисм

Чодирнинг уч қисми бўлиб, Худонинг Уч шахсиятининг – Ота, Ўғил ва Муқаддас Рухнинг тимсоли эди. Шу билан биргаликда улар инсониятнинг тана, жон ва руҳининг тимсоли эди.

> Ҳовли

Биринчи майдон бу ҳовли эди. Ҳовлига барча одамлар: Яҳудийлар ҳам, Яҳудийлик динини қабул қилган маъжусийлар ҳам киришлари мумкин эди. Ҳовли – одамларни Масихга олиб келиш учун бутун одамзод билан ишлаётган Муқаддас Рухнинг намунаси.

> Муқаддасгоҳ

Муқаддасгоҳга фақат руҳонийларнинг киришлари мумкин эди. Улар ҳовлида ва шунингдек, Муқаддасгоҳда қурбонликлар келтиришар эди. Муқаддасгоҳ – бизнинг Қурбонлигимиз бўлган Исони намойиш қилади.

> Муқаддаслар Муқаддаси

Муқаддаслар Муқаддасига Сотиб Олиниш кунда фақат олий Руҳонийнинг кириши мумкин эди. У ҳар дафъа одамлар учун қурбонлик келтириш учун Муқаддаслар Муқаддасига киришдан олдин ўзини поклаш учун вақт сарфлар эди. Агар унинг ҳаётида гуноҳ бўлса у ўлар эди. Муқаддаслар Муқаддаси – Худонинг ҳузурини намойиш қилади(билдиради).

Муқаддаслар Муқаддаси Муқаддасгоҳдан қалин жун матодан қилинган парда билан ажратилган эди. Исо хочда ўлганида – бу парда ғайритабиий равишда тепасидан пастигача йиртилиб кетди. Бу – энди Муқаддаслар Муқаддасини ажратишнинг ҳожати йўқлигининг тимсоли эди. Энди бизлар учун руҳонийнинг Худонинг ҳузурига киришининг ҳожати йўқ! Исо бизнинг олий Руҳонийимиз бўлди, ва бизлар тўғридан –тўғри Унинг ҳузурига кела оламиз. Бизлар дадиллик билан Худонинг ҳузурига кира оламиз.

Матто 27:50, 51 Исо эса яна бир бор қаттиқ оҳ уриб, жон берди. Шу ондаёқ маъбаддаги парда юқоридан пастгача иккига бўлиниб, йиртилиб кетди. Ер ларзага келди, тошлар ёрилди.

Исо бутун дунё учун қурбон бўлганидан сўнг, маъбад ёки чодирга эҳтиёж қолмади. Чодирдан мақсад Исода амалга ошди. Жихозлар, байрамлар, қурбонликлар ва руҳонийлар, буларнинг барчаси - Исонинг ва Унинг инсоният учун қиладиган ишининг тасвири эди.

Бугунги кунда бизлар ҳамду–сано куйлаб, саждага кирганимизда, чодирнинг уч қисмини эсда тутиш маъқул. Улар бизнинг Худонинг ҳузурига қандай киришимизни намойиш этади. Аввал, бизлар ташаккур ва шукроналар билан эшигига кирамиз, кейин У бизлар учун қилган ҳамма нарсаси учун ҳамду сано ва мақтовлар билан Унинг ҳовлисига кирамиз. Ниҳоят, биз Муқаддаслар Муқаддасига кириб, вақтни Раббимизга сажда қилиш билан ўтказамиз. Унинг айнан шундай Худо эканлиги, бизлар учун Кимлигини айтиб сиғинамиз.

ЖИҲОЗЛАР

Чодирнинг ичидаги жиҳознинг ҳар бир қисми Исони намоиш қилади. У барча одамзоднинг Сотиб Олувчисининг жисмоний сиймоси сифатида жиҳозланган эди. Ясалаётган ҳар бир жиҳознинг хомашёси махсус аҳамиятга эга эди.

- > Олтин – илоҳийликнинг намоиши
- > Кумуш – қайта сотиб олиниш
- > Бронза – жазо

Қопламларнинг рангининг ҳам ўзига хос аҳамияти бор эди.

- > Ҳаво ранг – келиб чиқиши ва табиатига кўра самовий
- > Бинафша ранг – шоҳоналик
- > Қизил – қурбонлик

Акация дарахти деярли чиримас тахта эди, у Масиҳнинг “бузилмаслиги”нинг намунаси эди.

Ҳовлида

- > Бронза қурбонгоҳ

Ҳамма одамлар ховлига киришлари мумкин эди. Дарвозадан киришлариданок, уларнинг кўзларига ташланадиган биринчи нарса - бу бронза қурбонгоҳ эди. У шунингдек, ёндирилиш қурбонликлари қурбонгоҳи ҳам деб аталар эди. Улар илк бора Худонинг хузурига келишганда, уларнинг гуноҳлари учун қурбонлик шу ерда қилинар эди. Қурбонгоҳ акация дарахти ва бронзадан ясалган эди. Акация дарахти Масиҳнинг “бузилмаслиги”нинг, бронза эса – гуноҳлар учун жазонинг намунаси эди.

Ушбу қурбонгоҳда келтирилган қурбонликлар, келажакда Худонинг Ўғли томонидан амалга ошириладиган асосий қурбонликнинг намунаси эди;

Ибронийларга 9:26(б) Акс ҳолда У дунё яратилгандан бери бир неча марта азоб чекиши керак эди. Энди эса, замоннинг охирида, У одамларнинг гуноҳларини аритиш учун бир марта оламга келиб, Ўзини қурбон қилди.

Исо гуноҳларимиз кечирилиши учун бизнинг қурбонлигимиз бўлди. Ҳозир бизлар ўз танамизни Унга тирик қурбонлик сифатида топширишимиз керак.

Римликларга 12:1 Шундай қилиб, биродарларим, Худонинг шафқати билан сизлардан ўтинаманки: Худога тушунган ҳолда хизмат қилишингиз учун аъзойи баданларингизни тирик, муқаддас ва Худога маъқул бўладиган қурбонлик қилиб бағишланглар.

- > Ювингич

Бронзадан ясалган ювингич жиҳозларнинг бошқа қисми эди. У сув билан тўлдирилган эди, руҳонийлар хизматга киришишдан аввал қўл – оёқларини ювишлари керак эди. Қанча кўп талаб қилинса, шунча кўп ювиниш керак эди ва бу Масиҳнинг бизларни барча гуноҳларимиз, шармандалигимиз, ва доғларимиздан тозалашининг тимсолидир.

Эфесликларга 5:25в-27 Эрлар, худди Масих Жамоатни севиб у учун Ўзини фидо қилганидек, ўз хотинларингизни севинглар. Масих Жамоатни муқаддаслаш учун ҳаммом суви билан ювиб, Сўз орқали тозалади, токи уни муқаддас ва бенуксон ҳолатда Ўзига доғсиз, нуқсонсиз ёки шунга ўхшаш бирор нарчасиз, шон-шуҳратли Жамоат қилиб тақдим этсин.

Биз нажотни қабул қилганимиздан сўнг, доимий покланишга муҳтожмиз. Агар биз гуноҳ қилсак, биз ўз гуноҳимизни эътироф этишимиз ва кечиримни қабул қилишимиз керак.

1 Юханно 1:9 Агар гуноҳларимизни эътироф этсак, Усодиқ ва Ҳақ бўлгани учун бизнинг гуноҳларимизни кечириб, бизни ҳар қандай ноҳақликдан поклайди.

Доимий равишда Худонинг Сўзини қабул қилишга ҳам муҳтожмиз.

Юханно 15:3 Менинг сизга айтган сўзим орқали сизлар ҳозирдан тозасизлар.

> Муқаддас жойда

Муқаддас жой уч хил жиҳозлардан ташкил топган эди: Ўнг томонда бағишлов нонлари столи, чап томонда олтин шамдон ва тўғрида хушбўй тутаткилар қурбонгоҳи.

> Бағишлов нон столи

Бағишлов нони столи акация дарахтидан ясалган бўлиб, олтин билан қопланган эди. У Масихнинг инсонлиги ва илоҳийлигининг тимсоли эди. Бағишлов столида доим нонлар турар эди ва бу ҳаётнинг нони бўлмиш Исони билдирар эди.

1 Коринфликларга 10:16, 17 Биз дуо қилаётган “дуои баракат қосаси” Масихнинг қонига дахлдор бўлиш эмасми? Биз синдираётган нон Масихнинг танасига дахлдор бўлиш эмасми? Шундай қилиб, битта нон бутун бўлганидек, биз ҳам кўпчилик бўлиб, битта танамиз, чунки ҳаммамиз битта нонда иштирок этамиз.

Повул бизларнинг битта тана – нон эканимизни ёзган. Исо – нондир, ва Унда биз ҳам – нонмиз.

> Олтин шамдон

Шамдон соф олтиндан ясалган эди: ва бу Исонинг ҳақиқий нур эканлигининг тимсоли эди.

Ҳаворий Юханно ёзган:

Юханно 8:12 Исо яна халққа хитоб қилди: "Мен оламнинг нуриман. Кимки Менга эргашса, зулматда юрмайди, балки ҳаёт нурига эга бўлади.

Исонинг ортидан борар эканмиз, биз ҳам Унинг нурида юрамиз ва бошқа одамлар учун нур бўламиз.

Матто 5:16 “Айни равишда сизнинг нурунгиз ҳам инсонлар олдида шундай порласинки, улар яхши ишларингизни кўриб, осмондаги Отангизни улуғласинлар”.

> Хушбўй тутатқилар қурбонгоҳи

Хушбўй тутатқилар қурбонгоҳи ҳам акация дарахтидан ясалган бўлиб, олтин билан қопланган эди. Доимий хушбўй тутатқилар ёндирилиши – Масих бизларнинг шафоатчимиз эканлигининг тимсолидир.

Римликларга 8:34 Ким маҳкум қилар экан? Масих ўлган эди. Аммо тирилди: У Худонинг ўнг томонида ўтирибди, У бизлар учун шафоат қиляпти.

Бизлар ҳар куни ибодатларимиз орқали хушбўй тутатқилар қурбонлигини келтиришимиз керак.

Ваҳий 8:3,4 Бошқа бир фаришта келиб, қурбонгоҳнинг олдида турди. Унинг қўлида хушбўй тутатқилар тутатишга мосланган олтин идиш бор эди. Арши аъло олдидаги олтин қурбонгоҳ устида бағишласин деб, барча азизларнинг ибодатлари билан қориштириш учун унга кўп хушбўй тутатқилар берилди. Азизларнинг ибодатлари билан тутатқиларнинг тутуни фариштанинг қўлидан Худонинг олдида кўтарилди.

Муқаддаслар Муқаддасида

> Аҳд киботи

Муқаддаслар Муқаддаси икки хил жиҳоздан ташкил топган эди: Аҳд киботи ҳамда шафқат курсиси. Аҳд киботида – Ҳоруннинг чопони, тош лавҳалари ва манна бор эди.

Кибот акация дарахтидан ва олтиндан ясалган эди, бу хомашёлар яна бир бора – Масихнинг ҳам инсонийлиги ҳам илоҳийлигининг тимсолидир.

Кибот ёнида Мусо Худонинг ҳузурини топар эди. Бугунги кунларда Исо бизнинг Худо билан учрашадиган жойимиздир.

Чикиш 25:22 Ўша ерда Мен Сенга очиламан ва Сен билан қопқоқ устидан, ваҳий сандиғи устидаги икки малаклар орасидан Исроил ўғилларига нима амр этсам, Сен орқали гапираман.

> Раҳм–шафқат курсиси

Раҳм-шафқат курсиси – тўлиқ илоҳийликнинг рамзи бўлиб, соф олтиндан ясалган эди. Киботнинг юқори қисмида, раҳм-шафқат курсисининг поёнида – соф олтиндан ясалган карублар бор эди. Раҳм-шафқат курсиси – бу фаришта мавжудотлар томонидан ҳимоя қилинадиган Худо тахтининг рамзидир.

Ибронийларга 4:16 Шундай экан, илоҳий марҳаматга ноил бўлиш ва зарурат вақтида иноят ва ёрдам олиш учун, Худонинг иноят тахтига жасорат билан яқинлашайлик.

Жиҳознинг барча қисмлари маълум тартибда ўрнатилган бўлиб, улар биргаликда хоч † шаклини ҳосил қилишади.

ҚУРБОНЛИКЛАР

Қурбонликлар ҳам жиҳозлар ва нонлар каби ўз маъносига эга. Ҳар бир қурбонлик ва бағишловлар маҳсулдор бўлиши учун имон билан келтирилиши керак. Беш хил асосий қурбонлик бўлиб, уларни Левит китобининг биринчи беш бобларидан деталаригача ўрганиш мумкин. Уларнинг барчаси Масиҳнинг ягона, бутун қурбонлигининг турли томонларини намойиш қилади. Улар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

> Ширин таъм – Худонинг иродасини бажаришни ёқтирган баркамол Масиҳнинг рамзи.

> Ширин бўлмаган таъм – гуноҳкорларнинг гуноҳларини Ўзига оладиган Масиҳнинг рамзи.

Ширин таъмли қурбонликлар

> Ёндириладиган қурбонликлар

Ёндириладиган қурбонликларнинг мақсади – Худонинг хузурига кириш имкониятига етишиш эди. Қурбонлик сифатида: буқа, қўй, эчки, каптар сўйилар эди. Одам нимага эга бўлса шуни қурбон қилар эди. Бу қурбонликларга одамлар қурбилари етган ҳайвонни келтирар, фақат қурбонлик умуман доғсиз ҳамда нуқсонсиз бўлиши шарт эди. Қурбонликлар ихтиёрий равишда келтирилар эди ва бу Исо Масиҳнинг ихтиёрий равишда, Ўзини Худога доғсиз қурбон қилганининг рамзидир.

Қурбонлик келтирган одам ҳайвоннинг бошига қўлини қўйиб ўз гуноҳларини унга ўтказиши, шундан сўнг уни сўйиши керак эди. Келтирилган ҳайвонни эгаси яхши билганида, ўзи парваришлагани туфайли сеvimли ҳайвонига айланган бўлса, уни қурбон қилиш жуда қийин эди.

Худога ҳам бизнинг гуноҳларимиз учун Ўз Ўғлини ўлимга бериш осон бўлган эмас.

> Егулик қурбонликлари

Егулик қурбонликларининг маъноси – Худога миннатдорчилик билдириш эди. У яхши таом, ёғ, туз ва зираворлардан иборат бўлиб, бу ҳам ихтиёрий қурбонлик эди.

Яхши таом – дурдалардан, қаттиқ бўлақлардан ва бегона жисмлардан холи мукаммал овқат бўлиши лозим эди. Бу Масиҳнинг мукаммаллигининг рамзи эди.

Ёғ – Масиҳнинг ҳаётида Мукаддас Рухнинг хузурини кўрсатар эди.

Зираворлар ёндирилганида, улар хушбўй ҳид тарқатарди. Бу Исонинг биз учун азоб чекишининг ва У келадиган мукаммалликнинг рамзи эди.

Туз – қурбонликнинг бузилмасдан сақланишининг рамзи эди.

Бу қурбонликларда гуноҳ, нопоклик ва ёлғон таълимотларнинг рамзи бўлмиш – ачитки бўлмаслиги керак эди. Таомда одам ўзининг эҳтиёжларини қондиришининг рамзи бўлмиш асал ҳам бўлмаслиги керак эди. Бу таомларнинг бироз қисми Худога қурбонлик сифатида ёндирилар эди, қолгани эса руҳонийларга мўлжалланган эди.

> Тинчлик қурбонлиги

Тинчлик қурбонликларидан мақсад – Худо билан яқин муносабат куриш, Худони мулоқотга чақириш ҳамда буни байрам қилиш эди.

Бу қурбонлик бошқа қурбонликлардан фарқ қилар эди: Унинг бир қисми Раббийга, бир қисми руҳонийларга, яна бир қисми қурбонлик келтирган одам оиласига тегишли эди. Бу қурбонлик бизни Худо билан яраштирган Масихнинг тимсолидир.

Агар одамнинг ҳаётида тўғриланмаган гуноҳи бўлса, бу қурбонликни келтиришнинг ҳожати йўқ. Худо гуноҳ билан дўстлашмайди.

Ширин бўлмаган қурбонликлар

> Гуноҳ қурбонлиги

Гуноҳ қурбонлигидан мақсад – гуноҳ айбини қоплаш эди. Бунда агар қурбонлик: руҳоний ёки умумий жамоа учун келтирилмоқчи бўлса – ҳўкиз; ҳукмдор учун бўлса – ёш эчки; агар руҳоний ёки ҳукмдор бўлмаган оддий одам учун бўлса – эчкининг урғочиси келтирилган. Барча шароитда ҳайвон доғсиз ва бенуқсон бўлиши керак эди. Шуниси диққатга сазоворки, куйдирилиш қурбонлигига одам келтира оладиган ҳайвонини олиб келар эди. Ҳар ҳолда, қурбонликка нимани олиб келиш одамнинг мансабига ҳам боғлиқ эди. Руҳонийнинг гуноҳи учун келтириладиган қурбонлик катта бўлиши керак бўлиб, у ҳатто ҳукмдорнинг гуноҳи учун қурбонликдан ҳам катта эди.

Қурбонлик келтирадиган одам, ўз гуноҳларига кечирим излаётган одам – қурбонликни ҳамманинг кўз олдида маъбадга олиб келиши керак эди. У ўз гуноҳларини эътироф этиши керак эди. Кейин гуноҳларини ўзига оладиган беғуноҳ ҳайвонни сўйиши керак эди. Бу бизнинг гуноҳларимизга тавба қилишга муҳтожлигимизнинг ва Масихнинг бизнинг гуноҳларимиз учун ўлгани жавобгарлигини қабул қилишимизнинг тимсолидир.

Беғуноҳ Исо бизлар учун гуноҳ бўлди.

2 Коринфликларга 5:21 Худо бизни ўзига маъқул, ҳақ деб билиш учун, гуноҳни ҳеч билмаган Масихни биз учун гуноҳга айлантирди.

Руҳоний қурбонликнинг қонини олиб, хушбўй тутатқилар қурбонгоҳига пуркаганидан сўнг, у қурбонликнинг бир қисмини бронза қурбонгоҳда ёқиши, ва қурбонликнинг қолган қисмини эса аҳоли жамоа чодирдан ташқарига чиқариб, ёқиб юбориши керак эди.

Ибронийларга китобида Исонинг дарвоза ортида азоб чекканини ўқиймиз.

Ибронийларга 13:12 Шунга ўхшаб, Исо ҳам Ўз қони билан халқни муқаддас қилай деб, шаҳар дарвозасидан ташқарида азоб чекиб ўлди.

Бизларда ҳам Унинг таъналарини эшитиш, фақат Уни излаш ва тинмай Уни улуғлаш истаги бўлиши керак.

Ибронийларга 13:13-15 Энди бизлар ҳам Унинг хўрлигини ўзимизга олиб, манзилдан ташқарига – Унинг олдида чиқайлик. Чунки бу ерда бизнинг доимий шаҳримиз йўқ, биз бўлғуси шаҳарга кўз тикиб юрибмиз. Шундай қилиб, Исо орқали Худога узлуксиз ҳамду сано

қурбонларини бағишлайлик, яъни Унинг номи тилимиздан тушмасин.

> Айб қурбонлиги

Айб қурбонлигида – бизнинг гуноҳларимиз учун Исонинг ўлишининг башорати тасвирланади.

Бир маротаба Исони қабул қилиб, бошқа гуноҳлардан покланишимизга хожат бўлмаса ажойиб эмасми?

1 Юҳанно 1:8-10 Агар гуноҳимиз йўқ десак, ўз-ўзимизни алдаган бўламиз ва бизда ҳақиқат йўқдир. Агар гуноҳларимизни эътироф этсак, У содиқ ва Ҳақ бўлгани учун бизнинг гуноҳларимизни кечириб, бизни ҳар қандай ноҳақликдан поклайди. Агар гуноҳ қилганимиз йўқ десак, Худони ёлғончи қилиб кўрсатган бўламиз ва бизда Унинг Сўзи йўқдир.

Айб қурбонлиги одамнинг ҳар кунги ҳаёт фаолиятида дуч келадиган турли соҳаларга боғлиқ эди. Бу айбларнинг олтита соҳасини ўрганиш жуда муҳим, чунки ҳозирги кунларда кўплаб Масихийлар буларга аралшиб, буларнинг гуноҳ эканлигини ҳатто билишмайди ҳам. Бизлар бу тур гуноҳларга аралшиб юрганимизни билганимиздан, шу лаҳзада кечирилишимиз нақадар ажойиб.

Кечирилишнинг биринчи қадами – гуноҳга иқроп бўлиш эди.

Левит 5:5 Агар у шулардан бирортасига айбдор бўлса, ва гуноҳига иқроп бўлса...

Ҳозир ҳам кечирилишнинг биринчи қадами – гуноҳга иқроп бўлишдир.

1 Юҳанно 1:9 Агар гуноҳларимизни эътироф этсак, У содиқ ва Ҳақ бўлгани учун бизнинг гуноҳларимизни кечириб, бизни ҳар қандай ноҳақликдан поклайди.

> Олти тур айблар

→ *Қасам гуноҳи*

Ҳозирги кунларда қонун залида ҳақиқатни сўзлаш шарт. Агар одам ҳақиқатни била туриб, уни айтмаса гуноҳ ҳисобланар эди.

Левит 5:1 Агар бирор киши лаънат овозини эшитиб ва гувоҳ бўлиб, ёки кўриб ёки билиб эълон қилмаслик билан гуноҳ қилса, у ўзига гуноҳни олади.

→ *Нопоклик гуноҳи*

Агар одам мурдага ёки нопок нарсага тегиб кетса, ҳаттоки бу ундан яширилган бўлса ҳам гуноҳ ҳисобланар эди.

Левит 5:2 Ёки, агар нимадир нопок нарсага ёки нопок ҳайвоннинг ўлигига, ёки нопок молнинг ўлигига, ёки нопок махлуққа текса, лекин буни билмаган бўлса – у нопок ва айбдордир.

Буни билганларида гуноҳ саналар эди. Бизнинг атрофимизда ҳозирги дунёда дунёдан келаётган нопокликлар жуда кўп. Бизлар кўришни истамай кўрадиган, ҳатто бу иш гуноҳ эканини билмай қиладиган ишларимиз бор.

→ *Ваъдани бажармаслик гуноҳи*

Худо бажарилмаган ваъдаларга ўта жиддий қарайди. Агар биз ўз сўзимизда турмасак, Худонинг Ўз Сўзида туришига ишона олмаймиз.

Биз Унинг Сўзларига – одамлар бизнинг сўзимизга ишонар даражада ишона оламиз. Биз ўз сўзида тура оладиган одамлар бўлишни ўрганишимиз керак. Бизлар қиламан деган ишимизни қилишимиз керак.

Левит 5:4 Ёки, ким ўйламасдан ўзининг оғзи билан қандайдир ёмонлик ёки яхшилик қилишига қасан ичса, инсонлар ўйламасдан қасам ичадиган қанақа иш бўлмасин, ва у шуни билмаган бўлса, лекин кейин билса, - шу нарсада айбдордир.

Сонлар 30:3 Агар бирор киши Раббийга ваъда берса ёки қасам ичса, жоини гаровга қўйса – у сўзини бузиши керак эмас, аксинча оғзидан чиққанларнинг ҳаммасини бажариши керак.

→ *Муқаддас нарсаларга оид гуноҳ*

Левит 5:15 Агар бирор киши жиноят қилса, ва хато билан Раббийга бағишланган нарсага қарши гуноҳ қилса, ўзининг айби учун, Раббийга қўйлар подасидан нуқсонсиз қўй келтирсин. Буни сенинг баҳолашинг бўйича, муқаддас сикл бўйича кумуш сикллар билан айбдорлик қурбонлигига олиб келсин.

Чодир, байрамлар ва қурбонликка оид бўлган ҳамма нарса – Раббийнинг муқаддас буюмлари ҳисобланар эди. Бу нарсаларни ҳеч қачон енгилтаклик билан ишлатиш ёки сўзлаш мумкин эмас эди. Бугунги кунда буни куйидагилар ҳақида айтиш мумкин:

- > айрим нарсалардаги нопокликлар:
- > Раббийга тегишли нарсаларда ҳалол бўлмаслик: “Раббий Сенга айтишимни буюрди...”, ёки “Сен ибодат қилмай яшаётганингда, мен ҳар куни ўттиз дақиқа ибодат қиламан.”
- > Худо берган қобилиятларни йўқ қилиш.
- > Ушрни ва қурбонликларни ушлаб қолиш.

→ *Жаҳолат гуноҳи*

Левит 5:17 Агар бирор киши гуноҳ қилса ва Худонинг амрларига қарши қилиши мумкин бўлмаган бирор – иш қилса, ва билмаслиги туфайли гуноҳкор бўлса ўзида гуноҳини олади.

→ *Худога қарши гуноҳ*

Қизикарлиси шундаки, куйидаги Худога қарши гуноҳлар деб ҳисобланадиган гуноҳларнинг барчаси – бошқа одамларга қарши қилинган гуноҳлар рўйхатидир. Гуноҳ кечирилиши учун одам кимга қарши гуноҳ иш қилган бўлса, ўша кишига ҳамма нарсани қайта тўлаши керак эди. Ҳозир ҳам шундай.

Левит 6:2-4 Агарда бирор киши гуноҳ қилса ва Раббийнинг қаршисида жиноят қилса; ва яқинидан унга топширилган ёки берилган нарсада бўйин товласа, ёки бирор нарсани ўғирлаган бўлса, ёки ўз яқинини алдаса; Ёки йўқотилган нарсани топса, ва буни инкор этса, ва одамлар қилаётган бирор ишда ёлғон қасам ичса ва шу билан гуноҳ қилса; Гуноҳ қилиб ва айбдор бўлиб, у ўғирланган нарсани ёки

тортиб олган нарсасини, ёки унга топширилган нарсани, ёки йўқотилган-у, шу одам топган нарсани қайтариши лозим.

ХУЛОСА

Биз чодирнинг умумий тузилиши, унинг жиҳозлари, ва у ерда қилинган қурбонликлар билан танишиб чиқиш жараёнида уларнинг барчаси нигоҳимизни келадиган Нажоткорга қаратишини ўргандик. Исо ҳар бир намунани, рамзни ва сояни амалга оширди. У ҳар бир қурбонликни амалга оширди.

Биз Исо Масихга ишонганимизда, Унинг бизлар учун қилган қурбонлигини қабул қиламиз. Унга имон орқали гуноҳларимиздан озод бўламиз.

Шунинг учун бизлар ҳам Йеремиаҳ – Йеремиаҳ йиғиси китобида қувонганидек қувона оламиз.

Йеремиаҳ йиғиси 3:22,23 Худонинг шафқати билан биз йўқ бўлиб кетмадик, зеро Унинг меҳрибонлиги камайган эмас; У ҳар тонг янгиланади; Сенинг содиқлигинг буюқдир!

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Чодирнинг уч қисми ниманинг рамзи эди?
2. Муқаддасгоҳдаги жиҳозларнинг 3–та таркибий қисми ниманинг рамзи эди?
3. Учта ширин таъмли ва иккита ширин бўлмаган таъмли қурбонликларнинг рўйхатини келтиринг.

Исонинг қурбонлиги ва Песахнинг ўхшаш томонлари

Эски Аҳддаги қайдлар

Янги Аҳддаги қайдлар

- Нуксонларга синаш даври –3 1/2кун**
Чиқиши 12:3, 5-6
- Танланган қўй сўйилиши керак**
Чиқиши 12:6
- Тўкилган қон Худонинг жазосини қайтаради**
Чиқиши 12:7, 12-13
- Одам нажот топиши учун ҳаракат қилиши керак**
Чиқиши 12:22
- Худонинг халқи қурбонликнинг гўштидан хотира учун ейишлари керак**
Чиқиши 12:8–10
- Исо қурбонлик кўзиси сифатида Ўз ҳаёти учун ўтинмади**
Ишаъё 53:7
- Исо песах байрами жараёнида ўлди**
- Кўзининг бирор суяги шикастланмади**
Чиқиши 12:46; Сонлар 9:12
- Имонсизлар қурбонликнинг танасидан ейишлари мумкин эмас**
Чиқиши 12:43, 45, 48
- Масих бизнинг Песахимиз аталган**
1 Коринфликларга 5:7
- Исо одамлар Песах байрамини нишонламоқчи бўлган шаҳарда жон берди**
Қонун такрорлаш 16:2; 2 Шоҳлар 23:27

Юҳанно 18:38 (3 ½ йил)

Юҳанно 12:24; Матто 16:21

Ибронийларга 9:22; 1 Юҳанно 1:2

Юҳанно 3:16

Марк 14:22

Матто 27:13, 14

Марк 14:12; Марк 15:6

Юҳанно 19:33, 36

1 Коринфликларга 10:21

Марк 10:33

Др. Жэк Тулс томонидан тузилган

Олтинчи дарс

Байрамлар. Подшоҳлар ва руҳонийлар

БАЙРАМЛАР

Исроилда байрамлар – хурсандчилик, байрам қилиш ва миннатдорчилик билдириш вақти эди. Бу Исроил халқининг тарихидаги улкан воқеалар хотираси учун бўлиб, улар шунингдек келажакда бўладиган воқеаларнинг башоратли тасвири эди. Еттига байрам бор эди:

- > Песах байрами;
- > Ачитқисиз нон байрами;
- > Ҳосил байрами;
- > Элликлик байрами;
- > Карнайлар байрами;
- > Қайта сотиб олиш байрами;
- > Чодирлар байрами.

Песах байрами

Шу ҳақдаги оятлар: Чикиш 12:1–14, 21–29;

Левит 23:4, 5; Сонлар 33:3; Қонуннинг такрорланиши 16:1–8

Песах байрами – Мисрда Исроил фарзандларига кўзини қурбонликка келтириб, унинг қонини ҳиссоп билан эшик тўсинларига суртиш буюрилган тундан бошланди. Бу – Худонинг Кўзиси Исо инсоният гуноҳлари учун қурбонликка келтирилган куни амалга ошди. Исо дунё яратилишидан аввал сўйилган Песах Кўзиси эди.

Мусо фиръавндан Худонинг халқини кўйиб юборишини талаб қилди. Фиръавн қаршилик кўрсатди ва Миср тупроғига жазо устига жазо ёғдирилди. Тўнғичларнинг ўлими охириги жазо эди.

Худо Мусога, Мусо одамларга Песах кўзисини тайёрлашни буюрди. Бу кўзининг қони ҳиссоп билан эшикларнинг иккала томонига ва тепасига суртилиши керак эди. Қоннинг ўрни хоч шаклида эди. Қонни ҳиссоп билан суртиш эмас, балки уриб чаплаш керак эди. Бу Исонинг танасига уришлардан олган зарбаларидан тўккан қонини намоён қилади.

Кўзи аччиқ кўкатлар билан тайёрланиши ва ачитқисиз нон билан истеъмол қилиниши керак эди. Аччиқ кўкатлар Исонинг аччиқ азобларини ва ўлимнинг тимсоли эди, ҳамда ачитқисиз нон эса – Исонинг бегуноҳлигини сўзлайди. Қурбонликни оила аъзолари қочиш учун тайёр турган ҳолатларида истеъмол қилишлари лозим эди.

Исроил фарзандларининг ушбу қурбонликни келтириш ёки келтирмасликлари ихтиёрий эди. Кимки ишониб эшик ромларига қон сепган бўлса, тўнғичларини ўлимдан сақлаб қолдилар.

Раббийнинг кечлиги Песах байрамнинг ўрнини олган.

Танани ейиш – Масихнинг танасини ейишни билдиради. Исо Сўз, бизлар Худонинг Сўзини қабул қилиб, бугунги кунларда Унинг танасини еймиз.

Юҳанно ёзган:

Юҳанно 1:1 Азалда Сўз бор эди. Сўз Худо ҳузурида эди, Сўз Худо эди.

Бизга ҳам танлов берилган. Биз ҳам Худонинг Сўзига ишониб, бизлар учун Масихнинг қурбонлигини қабул қилишимиз ёки қабул қилмаслигимиз мумкин.

Юҳанно 3:16-18 Зеро Худо оламни шунчалик севдики, Ўзининг ягона Ўғлини берди, токи Унга ишонган ҳар бир киши ҳалок бўлмасин, балки абадий ҳаётга эга бўлсин. Худо оламни ҳукм қилиш учун эмас, балки Ўғли орқали қутқариш учун Ўғлини дунёга юборди. Унга ишонган одам ҳукм қилинмайди. Унга ишонмаган одам эса аллақочон маҳкум бўлган, чунки у Худонинг ягона Ўғли исмига ишонмаган.

Песах байрами – Худо Исроил халқини Мисрдан олиб чиққанини эслатувчи байрам эди. Бу Миср қулчилигидан озод бўлишни намоён қиларди. Бу – бизлар учун гуноҳ учун келадиган жазодан қутулишдир. Бу биргина байрамда Масих шу қадар кўп намоён қилинганки, бизлар бу дарснинг бошида Унинг тимсолларини кўрсатишни лозим топдик.

Ачитқисиз нон

*Оятлар: Чик.12:8,15–20,31–39; 13:3–10;
Лев.23:6–8; Сон.28:17–25; Қон.так.16:1–8*

Песах, ачитқисиз нон ва ҳосил байрамлари олдидан, уйдаги ҳар бир идиш, олдинги овқатлардан ачитқи қолмаслиги учун ўта синчиклаб тозаланар эди. Фақатгина шу тўлиқ тозалаш ишларидан кейингина аёл байрамга тайёрланишни бошлар эди.

Ачитқисиз нон байрами етти кун давом этарди. Бу гуноҳлардан ажралиш, гуноҳларни олиб ташлаб Худога бағишланишнинг тимсоли эди.

Ачитқи ҳар доим гуноҳнинг, сохта таълимот ёки ёлғоннинг туридир. Байрамга тайёрланув покланиши – озгина ачитқининг бутун хамирни ачитишини билдиради.

Бу байрам Исонинг қурбонлигининг мукамал гуноҳсизлигини кўрсатади. Ҳаворий Повул ушбу қурбонликнинг бизлар учун муҳимлигини тушунтирган.

1 Коринфликларга 5:7, 8 Шундай қилиб, сизлар янги хамир бўлишингиз учун ўзингизни эски ачитқилардан покланглар, чунки сизлар аслида ачитқисизсизлар. Зеро биз учун қурбон бўлган Масих – бизнинг Песахимиздир.

Шунинг учун эски ачитқи, яъни ёвузлик ва бузуқлик ачитқиси билан эмас, балки самимийлик ва ҳақиқат бўлган ачитқисиз нон билан байрам қилайлик.

Ҳосил байрами

Оятлар: Лев.23:9–14

Ҳосил байрами – Исроил фарзандлари ваъда қилинган ерга кирганларида бошланди. Улар чўлда юрганларида экиш ҳам, ўриш ҳам йўқ эди.

Баҳорда нишонланадиган бу байрамда – хирмоннинг илк ҳосиллари Яхова Худо олдига олиб келинар эди. Илк ҳосил доимо энг яхшисини олиб келишни билдирар эди. Бу бир қисм илк ҳосил – йиғиб олинган умумий

ҳосилнинг кўрсаткичи бўлиб, шунингдек, Худога келгуси йилнинг ҳосили учун миннатдорчилик билдириш эди.

Ҳаворий Повул Исони қайта тирилишнинг илк Ҳосили деб атаган:

1 Коринфликларга 15:20-21 Лекин Масих ўликлардан тирилди ва ўлганлардан бошланғич бўлди. Зеро ўлим бир одам орқали келганидек, ўликларнинг тирилиши ҳам бир одам орқалидир.

Исо осмонга кирганида, Унинг ортидан тириладиган барча одамларни намоён қилди. Исо – илк ҳосил, бизлар эса хирмонмиз.

Элликлик байрами

Чиқиши 19,20,24; 23:16,17;

Лев.23:15–21; Сонлар 28:26–31; Қонун такрорлаш 16:9–12

Мусо фиръавннинг олдида илк бора борганида –халқни саҳрода байрамни нишонлаш учун кўйиб юборишини сўради. Улар озод бўлганларидан ва Синай тоғига кенганларидан сўнг чодирлар қурдилар. Улар ўша ерда бўлганларида Раббий уларга қонун ва элликлик байрамини берди. Бу уларнинг Мисрдан чиққанларидан кейинги илк байрам қилинган эллик кун эди.

Элликлик байрами учун қурбонлик – иккита нон эди. Эзилган ва янчилган буғдой – Исонинг азоблари ва ўлиминини намоёиш этади. Иккита нон – Эски Аҳдга ва Янги Аҳдга эътиқод қилувчилардир.

Эски Аҳд имонлилари – уларнинг қайта сотиб олинишлари учун Масихнинг келажакдаги ўлимига тобеъ эдилар. Улар жаннатдан осмонга ўтишлари учун Унинг тирилишига тобеъ эдилар. Уларнинг ишончлари доимо Масихнинг келишида эди. Бизнинг ишончимиз эса ортга йўналган.

Элликлик куни байрами – Муқаддас Рухга тўлишни намоёиш этади. Инсониятга Муқаддас Рухнинг қуйилиши – элликлик кунда содир бўлди.

Ҳаворийлар 2:1-4 Ҳосил байрами бўлганда, шогирдларнинг ҳаммаси якдиллик билан бир жойда йиғилиб турган эдилар. Тўсатдан осмондан кучли шамол эсаётгандек бир шовқин келди-ю, улар турган уйни тамоман тўлдирди. Оловга ўхшаш алангаланиб турган тиллар уларга кўринди. Булар бўлиниб, уларнинг ҳар бири устига биттадан кўнди. Ҳаммалари муқаддас Рухга тўлиб, Унинг бераётган башорати билан янги тилларда гапира бошлашди.

Муқаддас Рух келиши билан қонун тошда эмас, балки бизнинг юракларимизга ёзила бошлади. Ҳаворий Повул ва Ибронийларга мактубининг муаллифи буни шундай тушунтирадилар:

2 Коринфликларга 3:2, 3 Бутун инсонлар томонидан тан олинган ва ўқиладиган, бизнинг қалбимизга ёзилган тавсияномамиз – мана сизларсиз. Очик кўриниб турибдику, бизнинг хизматимиз орқали ёзилган Масихнинг мактуби сизларсиз. Бу сиёҳ билан эмас, балки барҳаёт Худонинг Рухи билан ёзилган ҳамда тош лавҳаларга эмас, балки инсон қалблари бўлган эт лавҳаларга ёзилган мактубдир.

Ибронийларга 10:15, 16 Муқаддас Рух ҳам бу ҳақда бизларга шаҳодат беради. Биринчидан У шундай деган:

“Худованд сўзи: Ўша кунлардан сўнг Мен халқим ила қиладиган ахдим бу бўлажак: Қонунларимни уларнинг дилига жо қилурман, Ўй-фикрларига ёзиб қўюрман фармонларимни”.

Карнайлар байрами (Рош Ҳашана)

Лев.23:23–25

Карнайлар байрамини тушунишимиз учун, бизлар Эски ва Янги Аҳдларда карнайларнинг қандай ишлатилганлигини тушунишимиз керак. Мусо Синай тоғидан тушиб келганида халқ ўзини муқаддаслади, сўнгра эса ўқиймиз:

Чиқиш 19:16 Учинчи кунни тонг отганда, чакмоқлар бўлди ва тоғ устида қуюқ булут ва жуда кучли сурнайли овоз бўлди; ва тоғдаги бутун халқ титради.

Одамлар чакмоқ чақишидан, ёки момоқалдирик гумбурлашидан, ҳатто тоғда турган қалин булутдан титрамадилар, Улар момоқалдирик гумбурлашидан баландроқ янграган баланд карнай товушидан титрадилар.

Карнайлар – жанг шовқинидан баландроқ, бутун ер юзида эшитиладиган баланд даъват этувчи товушга эга.

Карнайлар одамларни Худога сиғинишга чақиришда ишлатилар эди. Исроил ери бўйлаб карнай садолари кетма-кет эшитилиб турар эди. Улар: “Келинлар, Раббийга сажда қилинлар”, - деб даъват этар эди.

Карнайлар жангга чорлаш вақтида, ҳамда ғалабани нишонлаш вақтида эшитилар эди.

Йеремиаҳ ёзган:

Йеремиаҳ 51:27 Ерда байроқни кўтаринг, халқлар орасида карнай чалинлар, унга қарши халқларни қуроллантиринг, Арарат, Миний ва Аскеназ шоҳларини унга қарши чорланлар, унга қарши бошлик кўйинг, отларни дахшатли чигиркалардек юборинг.

Карнай товуши эълон қилиш эди.

Ишаъё ёзган:

Ишаъё 58:1 Қаттиқ хитоб қил, ушланмагин; Овозинни - карнай каби кўтар, ва Менинг халқимга унинг қонунсизлигини ва Ёқуб уйига – унинг гуноҳини кўрсатгин.

Карнай садоларининг ўз маъноси бор эди.Вахий китобида – карнайлар ва овозлар бир хил маънода ишлатилган.

Карнайлар башоратни - Худонинг Сўзини сўзлашни билдиради.

Бугунги кунларда, карнайлар байрами - хирмонга чорловдир. Бу байрамни биз Худонинг Сўзини атрофимиздаги одамларга, ўз халқимизга ва ер юзидаги халқларга етказиб нишонлаймиз. Карнайнинг овози - Исо Худонинг Ўғли эканини, У бизларни кутқариш учун одам танасида келганини, Уни қабул қилган ҳар бир одам Худонинг фарзанди бўлишини эълон қилаётган имонлиларнинг овозидир.

Имонлилар бу байрамни ҳар куни нишонлашлари керак, лекин сўнгги нишонлаш куни ҳам келади.

Охирги карнай даъвати бўлади. Ҳаворий шу ҳақида ёзган:

1 Коринфликларга 15:51-54 Мана, мен сизларга бир сирни айтаман: ҳаммамиз ҳам ўлмаймиз, бироқ ҳаммамиз ўзгарамиз. Тўсатдан, охирги карнай чалинганда, биз кўз очиб юмгунча ўзгарамиз. Зеро карнай чалинади ва ўликлар чиримайдиган бўлиб тириладилар, биз эса ўзгарамиз. Чунки бу чирийдиган нарса чиримайдиганга, бу ўладиган нарса ўлмайдиганга бурканиши керак. Шундай қилиб, бу чирийдиган нарса чиримайдиганга, бу ўладиган нарса ўлмайдиганга бурканганида, ўшанда шу ёзилган сўз бажо бўлади: Ўлим ғалаба томонидан ютиб юборилди.

Исо Песахнинг тўлиқ амалга ошиши бўлиб, Элликлик кунида қурбон бўлди. Кўплар - карнайлар байрами ҳали тўлиқ амалга ошмаганлиги учун, Исо айнан шу байрам кунида қайтишига ишонадилар.

Покланиш куни

(Ём Кунтур) Левит23:26–32

Покланиш куни– йилнинг энг мўъжизавий ва муқаддас байрами эди. Бу – олий руҳоний халқ учун бир йилда бир марта Муқаддаслар Муқаддасига кириб қурбонлик келтирадиган кун эди.

> Тўкилган қон

Покланиш – гуноҳларни қўзининг қони билан қоплашни билдиради. Бу бизнинг нигоҳимизни Худонинг Баркамол Кўзиси Исонинг қони билан гуноҳларимизнинг ювилишига қаратади.

Ҳар йили покланиш кунида олий руҳоний – бенуксон, доғсиз, бегуноҳ қўзининг қонини тўқар эди. Бу қон муқаддаслар муқаддасига–парда ичига киритилиб, бутун халқнинг гуноҳларини қоплаш учун иноят курсисига сепилар эди.

Бегуноҳ қўзининг қонининг тўкилиши – Исонинг хочдаги ўринбосар қурбонлигини намоёиш қилар эди. Худонинг Кўзиси Исо – Ўз қонини тўкиб бизни қулликдан ва гуноҳнинг жазосидан қутқарди.

Эски Аҳд даврида – бу қурбонлик ва қон сепишлар – имон билан келажакдаги хочга қараган одамларнинг гуноҳларини қоплаш ва покланишларини таъминлар эди. Иброҳимдек Эски Аҳд имонлилари Худога ишонар эдилар ва бу уларнинг ҳақлиги сифатида қабул қилинган эди.

Янги Аҳд даврида – покланиш ва қоплаш сўзлари бошқа ишлатилмайди. Масиҳнинг мангу, буюк қурбонлиги шарофати билан, бизларнинг гуноҳларимиз бошқа қопланмайди, улар ювиб юборилади, қўйиб юборилади, ўчирилади, йўқ қилинади. Улар ўз кучини йўқотади.

Санолар 102:12 Шарқ ғарбдан нақадар йироқ бўлса, У бизлардан гуноҳларимизни шу қадар узоқлаштирди.

Бу гуноҳларимизнинг олиб ташланиши – Покланиш кунда иккинчи бегуноҳ кўзида кўрсатилган. Бу гуноҳлар ўтказилиши эчкиси бўлиб, олий рухоний қўл кўйиш йўли билан унга халқнинг барча қонунбузарликларини ўтказар эди. Кейин бу эчкини саҳрога чиқариб кўйиб юборар эдилар. Бу келажакда келадиган Худонинг Кўзисининг одамларнинг гуноҳларини олиб кетишининг манзараси эди.

Левит 16:10, 21-22 Кўйиб юбориш учун қуръа тушган эчкини эса, унинг устидан тозаланишни амалга ошириш учун ва уни кўйиб юбориш учун чўлга ҳайдашга Раббийнинг олдида тирик ҳолда қўяди. Ҳорўн иккала қўлини тирик эчкининг бошига қўяди ва унинг устидан Исроил ўғилларининг барча қонунсизликларини ва уларнинг барча жиноятларини ва барча гуноҳларини эътироф этади ва уларни эчкининг бошига қўяди, ва чопқир одам билан чўлга юборади. Шунда эчки уларнинг барча қонунсизликларини ўтиб бўлмас ерга олиб кетади, ва у эчкини чўлга кўйиб юборади.

Покланиш кундаги қурбонлик кўзиси Исонинг ўринбосар қурбонлик ишининг тимсоли бўлсада, бу шунингдек, гуноҳларни олиб кетувчи – гуноҳлар ўтказилиши эчкисининг ҳам тимсоли ҳисобланар эди.

Юҳанно 1:29 Эртасига Яхё Исонинг ўзига яқинлашаётганини кўриб, шундай деди: “Мана, дунёнинг гуноҳини Ўзига олувчи Худонинг қурбонлик Кўзиси!”

Исо хочдаги ўлими билан бизнинг қурбонлигимиз бўлди. Исо шунингдек, бизнинг гуноҳларимизни олиб кетди. Бу гуноҳларимизнинг олиб кетилиши – покланишнинг бир қисми эди.

Бизнинг Ўринбосаримиз

Исонинг ўринбосарлик иши Ишаъё томонидан башорат қилинган эди:

Ишаъё 53:8-12 У қамоқдан ва ҳукмдан олинган эди; лекин Унинг авлодини ким изоҳлайди? Зеро У тириклар еридан узиб олинган; Менинг халқимнинг жинояти учун жазоланди. Унга ёвузлар билан кўмилиш тайинланди. Лекин У бойникида кўмилган, чунки гуноҳ қилмади ва Унинг оғзида ёлғон йўқ эди. Лекин Раббийга Уни шикастлаш маъқул эди, ва Уни қийноққа солди; Унинг жони шафқат қурбонлигини келтирганда, У узоқ муддатли авлодни кўради, ва Раббийнинг иродаси Унинг қўли билан омадли амалга ошади. У Ўз жонининг жасоратига мамнуният билан қарайди, Уни билиш орқали, У - ҳақгўй, Менинг қулим, кўпларни оқлайди ва кўпларнинг гуноҳини Ўзига олиб ўтади. Шунинг учун Мен Унга улуғлар орасида улуш бераман ва кучлилар билан улушни бўлишади, Ўзининг жонини ўлимга бергани ва ёвузларга қўшиб саналгани учун, У Ўзига кўпларнинг гуноҳини олди ва жиноятчилар учун шафоатчига айланди.

Довуд ҳам Исонинг бизнинг гуноҳларимизни дўзахнинг қаъригача олиб боришини башорат қилган:

Санолар 87:4-8 Зеро менинг жоним кулфатлардан тўйди, ҳамда ҳаётим дўзахга яқинлашди. Мен қабрга тушаётганлар Билан тенглашдим;

Мен кучсиз одамдек бўлдим. Ўликлар орасига ташланганман. Улар қабрда ётган, Сен энди эсламайдиган, ва Сенинг қўлингдан ташланган ўлдирилганлардек. Сен мени дўзах ғорига ётқиздинг, зулматга, тубсизликка. Сенинг ғазабинг менинг устимда, ва мени Сен барча тўлқинларинг билан шикастладинг.

Бизнинг конунбузорликларимиз тўғриланди.

Микай 7:19 У бизларнинг устимиздан яна раҳм-шафқат қилади, бизнинг қонунсизликларимизни тўғирлайди. Сен бизларнинг барча гуноҳларимизни денгиз қаърига улоқтирасан.

Исо бизнинг гуноҳларимизни дўзах қаърига улоқтириб, у ерда уларни тўлиқ парчалади, кучсизлантирди ва йўқ қилди. Сўнгра ўликлардан тирилиб, Ота олдига кўтарилди ва Ўз қонини парда ортига олиб келди. Шу лаҳзада бизнинг қайта сотиб олинишимиз тўлиқ амалга ошди.

Ибронийларга 9:11, 12 Энди эса бўлғуси ҳайр–баракаларнинг Олий руҳонийси бўлган Масих пайдо бўлди. У қўл билан қурилмаган, яъни бу дунё ижоди бўлмаган буюкроқ ва мукамалроқ чодирдан ўтиб борди.

Масих такалар ва бузоқларнинг қони билан эмас, балки Ўз қони билан муқаддас маконга бир марта кириб, бизлар учун абадий нажотни қўлга киритди.

- > Унинг қурбонлиги орқали бизнинг нажотимиз амалга ошди.
- > У орқали бизнинг гуноҳларимиз кечирилди.
- > У орқали биз гуноҳларимизнинг жазосидан озодмиз.

Исонинг бизнинг гуноҳларимизни олиб ташлаш иши тўлиқ амалга ошди. Биз буни имон билан қабул қилиб яшаймиз.

Покланиш куни келажакка – Исроил халқи Исони ўзларининг Масихлари сифатида қабул қилиб, ягона ўғли учун фарёд чеккандек, У учун фарёд чекиш кунига бизнинг нигоҳимизни қаратади.

Закариё 12:10 Довуднинг уйига ва Иерусалим аҳолисига иноят ва шафқат руҳини қуяман, ва улар санчилганга назар ташлашади ва ягона Ўғил учун хўнграб йиғлагандек У ҳақида хўнграб йиғлашади, ва тўнғич учун қайғургандек қайғуришади.

Чодирлар байрами (Саккот)

Лев.23:33–44; Қон.так.16:13–14, Нехемиах 8:13–18

Чодирлар байрами – Исроил фарзандларининг ваъда қилинган ерга кираётганларида нишонланган. Етти кунда улар ўз уйларини тарк этиб, палма баргларини тол шохлари билан боғлаб ясалган чайлаларда яшадилар. Бу саҳрони кезиб юрган вақтларини эслаш ва Худо уларни ўз ерларига олиб киргани учун хурсандчилик қилиш вақти эди.

Карнайлар байрами хирмон вақтида нишонланарди. Байрамнинг охириги кунда, Исо маъбадда туриб эълон қилди:

Юханно 7:37 Байрамнинг охириги, улуғ кунда Исо тик турди-да, овозини баланд қилиб хитоб қилди: “Ким чанқаган бўлса, Менинг олдимга келиб ичсин”.

Чодирлар байрами – бизнинг Масихдаги ҳаётимизнинг тасвири. Бу – Унда дам олишимиз вақти. Бу доимий уйларда яшаш ва шу билан бирга бизнинг бу ердаги ҳаётимиз вақтинчалик эканлигини эслаш вақти. Бу табиий ерда яшаш, ва шу билан биргаликда Рухда яшаш вақти.

Бу имонлиларнинг минг йиллик даврида уруш ва жанжалларсиз роҳатланиб дам олишларининг тасвирдир. Яҳудий халқи бунга ўзларининг охири дам олиш “подшоҳлик”лари деб кутиб яшамоқдалар. Бу еттинчи кун дам олиш кунини – Раббийнинг Подшоҳлиги бутун ер юзини бошқариши кунини намоён қилади.

Баъзи имонлилар фақатгина нажот топишлари билан песах байрамини нишонлашлари даражасида тўхтаб қоладилар. Бошқалари элликлик кунини ҳис қилишга кўтариладилар. Олдинда ҳануз кўп нарсалар бор, олдинда ваъда қилинган ерга кириш, бу ерда Худонинг Шоҳлигини куриш бор.

Биз учун ҳозирги вақтлар – ваъда қилинган меросимизни олиш, ҳокимиятда юриш ва Худонинг Шоҳлигини бу ерда куч билан келишини тезлаштириш давридир.

АБАДИЙ ПОДШОҲ ВА РУҲОНИЙЛАР

Биз учун Эски Аҳддаги подшоҳларнинг ва руҳонийларнинг хизматларини тушуниш катта аҳамиятга эга, чунки бугунги кунларда барча имонлилар Худо учун абадий шоҳ ва руҳонийлар бўлишди.

Ваҳий 1:5-6 ... шунингдек, ўликлар ичидан биринчи бўлиб тирилган, ер юзи подшоҳларининг Шоҳаншоҳи бўлган ишончли шоҳид – Исо Масихдан сизларга иноят ва тинчлик бўлсин. Исо Масих бизни кўп севди. У Ўз кунини тўкиб, бизни гуноҳларимиздан фориғ қилди. У бизни шоҳлар қилди. Отаси Худо учун руҳонийлар ҳам қилди. Абадий шон-шараф, мангу салтанат Унга хосдир. Омин.

Бизнинг руҳий қурбонлигимиз

> **Бизнинг танамиз - Римликларга 12:1**

> **Бизнинг бағишловларимиз - Филиппикларга 4:18**

> **Ҳамду сано - Ибронийларга 13:15**

Шоҳона руҳонийлар сифатида бизнинг бажаришимиз керак бўлган хизмат вазифаларимиз бор. Подшоҳлар сифатида – бу ерда Худонинг Шоҳлигини куч билан яқинлаштириш учун, бу ер устидан ҳукм суриб яшашимиз керак. Бизлар қайта тикланган руҳий ҳокимиятимизни амалда қўллашимиз ва одамларнинг ҳаётларидаги ҳамда бу дунё ҳокимиятидаги қийин вазиятларни енгишимиз керак. Бу ҳаётда подшоҳлардек ҳукм суришимиз керак.

Римликларга 5:17 Зеро агар ўлим бир кишининг жинояти орқали ҳукм сурган бўлса, боз устига мўл-кўл иноятни ва халқлик инomini қабул қилганлар ягона Исо Масих орқали ҳаётда ҳукм сурадилар.

Бизлар гувоҳлигимиз орқали, дунёвий хушхабарчилигимиз орқали ва миссионерлик чиқишларимиз орқали подшоҳлардек ҳукм сураимиз. Худо бизларга халқларни мерос қилиб берди.

Санолар 111:6 Ўз халқига қудратли фаолиятини кўрсатди, мажусийлар ер–мулкни уларга берди.

- > Қўлларни кўтариш - Санолар 141:2
- > Ҳақлик - Санолар 4:6
- > Қувонч - Санолар 26:6
- > Сениқ руҳ ва эзилган юрак - Санолар 51:19

Исо Ўз Шоҳлигини куриш учун бу ерга қайтиб келганида, биз ҳам У билан биргаликда шу ерда минг йил ҳукм сураимиз.

Ваҳий 2:26, 27а Ғолиб келган ва охиригача Менинг ишларимга эргашганга халқлар устидан ҳукмронлик қилишини ато этаман. Бу иқтидорни Менга Отам ато қилган. Мен эса уни шогирдимга ато этаман. У темир таёқ ила халқларга чўпонлик қилади, улар эса сопол идиш сингари синиб кетади.

1 Коринфликларга 6:2, 3 Биз бу дунёни муқаддаслар ҳукм қилишини наҳртки билмасангиз? Агар сизлар дунёни ҳукм қиладиган бўлсангиз, наҳотки бундай аҳамиятсиз ишларни ҳукм қилишга муносиб бўлмасангиз? Биз фаришталарни ҳукм қилишимизни билмайсизларми? Агар шундай экан тирикчилик ишларини ҳам эмасми?

Рухонийлар сифатида бизлар инсониятга Уни намоён қилиб фаолият кўрсатишимиз керак. Бизлар Худога давомий ҳамду–сано қурбонлигини келтиришимиз керак. Бизлар Раббийга қурбонликлар келтириш билан хизмат қилишимиз керак. Бизлар бу дунёнинг нажот учун йўқотилганлари учун Худонинг рухоний вакиллари бўлишимиз керак.

Левит рухонийларининг рухонийлик хизматлари – бизларнинг ҳозирги кунлардаги имоний–рухонийлар сифатидаги рухонийлик хизматимизнинг намунасидир.

Левит рухонийлиги

Исроил фарзандлари Мисрдан олиб чиқилганда ва Худо уларга қонун берганида – Леви қавми рухоний бўлиш учун ажратилди. Рухонийлар кўп бўлиб, олий Рухоний эса бир вақтда бир дона бўлар эди. Бу одамлар Леви оиласида туғилганлиги сабабли рухонийлар эдилар. Улар Худо томонидан алоҳида рухонийлар сифатида танланган эмас эдилар.

Олий рухоний Исони намоён этади. Бизнинг у кийган ҳар бир кийимни чуқур ўрганишга вақтимиз етишмайди, аммо у кийган ҳар бир кийимнинг тўлиқ ёритадиган илмий – изланиш ишлари бор.

Олий Рухоний Қайта сотиб олиш кунда Муқаддаслар Муқаддасига кириб, барча одамларнинг гуноҳлари учун шафқат курсисига қурбонликнинг қонини сепар эди.

Ибронийларга мактуб китобининг муаллифи бу вақтни бизлар учун қисқартириб берган.

Ибронийларга 9:7 Лекин чодирнинг ичкари бўлмасига эса йилда бир мартагина фақат олий рухоний кирарди. У ўзи учун ва халқнинг ғафлатдан қилган гуноҳлари учун қон бағишламасдан, асло у ерга қира олмас эди.

Қонун берилган вақтдан бошлаб, Леви авлодлари рухоний бўлишга мойланган эдилар. Аммо, Исо келганида, У Ҳоруннинг авлоди эмас эди. У Левит қабиласига мансуб эмас эди. У Яхудо қабиласидан, Довуддан эди. У Малхисидиқ каби абадий рухоний эди. Нима учун? Левит рухонийлари фаолиятдаги, хизмат ишларини қиладиган рухонийлар эди. Булар қонун

ишларини бажарадиган эркаклар эди. Ибронийларга китобининг муаллифи уларнинг: “танавий амрларнинг қонуни бўйича руҳонийлар”, – деб атаган.

Ибронийларга 7:16 Исо инсоний қонун-қоидаларга риоя қилган, деб эмас, балки поёнсиз ҳаёт қудратига эга, деб руҳоний бўлди.

“Танавий” сўзи – танадан – вақтинчалик деган маънони билдиради. Улар вақтинчалик руҳонийлар эдилар. Уларнинг одамларнинг гуноҳлари учун қилган қурбонликлари ҳам вақтинчалик эди. Бу қурбонликларни қайта-қайта келтириш талаб қилинар эди.

Малхисидиқ мартабаси бўйича

> *Малхисидиқ ким эди?*

Малхисидиқ ҳақида илк бора Ибтидо14 да ёзилган.

Ибтидо 14:18-20 Худойи Таолонинг руҳонийси бўлган Салим шохи Малхисидиқ ҳам Ибромга нон ва шароб олиб чиқди. У Ибромни дуо қилиб, шундай деди: “Еру кўкни яратган Худойи Таоло Ибромни муборак қилгай! Ёвларингни кўлингга берган Худойи таоло Ўзи муборак бўлгай!” Ибром эса Малхисидиққа ҳар бир нарсдан ушр берди.

Малхисидиқ подшоҳ ва руҳоний эди. Ибронийларга китобининг муаллифи бизларга Малхисидиқ ким экани ва у билан учрашув ҳақида кўпроқ маълумот беради.

Ибронийларга 7:1-3 Малхисидиқ Салим подшоҳи ҳамда Худойи Таолонинг руҳонийси эди. Иброҳим тўрт шохни тор-мор этиб қайтиб келаётганида, Малхисидиқ уни қаршилагани чиқиб, уни дуо қилди.

Иброҳим эса унга ҳар бир нарсдан ушр берди. Малхисидиқ отининг биринчи маъноси “ҳақлик подшоҳи” демакдир. Бундан бошқа у “Салим подшоҳи”, яъни тинчлик подшоҳидир. У отасизу онасиздир, умуман насабномасиздир. Умрининг на бошланиши, на охири қайд этилган. У Худонинг Ўғлига ўхшаш абадий руҳоний бўлиб қолади.

Малхисидиқ ота-онасиз, аجدод шажарасисиз, ҳаётининг боши ва охири бўлмаган одам эди. Айнан шу сабабли кўпчилик Малхисидиқ-Масихнинг Эски Аҳдда намоён бўлиши деб ҳисоблайди.

> *У қай даражада буюк эди?*

Малхисидиқнинг буюклик даражаси – буюк халқнинг отаси бўлиш учун Худо томонидан танланган, келадиган Масих ҳақидаги ваъда эгаси, катта бойлик эгаси Иброҳим ундан дуо олгани билан ўлчанади. Иброҳимда Левидан туғиладиган барча руҳонийлар Иброҳим орқали олий руҳонийнинг дуосини олдилар. Яна Ибронийларга мактубига мурожаат қиламиз.

Ибронийларга 7:4-7 Энди бу зотнинг нақадар буюк эканлигини кўринг! Улуғ отамиз Иброҳим ҳам ғаниматларининг ўндан бирини унга берди. Тавротда буюрилишича, Левий ўғилларидан руҳонийлик вазифасини олганлар халқдан, яъни Иброҳим уруғ-аждоди бўлган ўз биродарларидан ушр олишлари керак.

Лекин Левий аждодидан бўлмаган Малхисидиқ эса илохий ваъдалар эгаси бўлган Иброҳимдан ушр олди-ю, уни дуо қилди. Шакшубҳасиздирки, дуо қилувчи дуо олувчидан буюқдир.

Довуднинг башорати

Довуд Малхисидиқнинг руҳонийлиги ҳақида башорат қилган. Эътибор беринг, бу руҳоний Худо томонидан танланган эди ва абадий руҳоний эди.

Санолар 110:4 Раббий қасам ичди ва пушайман емайди: Сен Малхисидиқ мартабаси бўйича абадий Руҳонийсан.

Ибронийларга китобидаги тасдиқлар

Бу башорат Ибронийларга китобининг муаллифи томонидан тасдиқланган.

Ибронийларга 5:6-10 Шунингдек, бошқа бир жойда Худо Масих ҳақида шундай деган: “Малхисидиқ мартабаси бўйича сен абадий руҳонийсан”. Масих баданда яшаган кунларида Ўзини ўлимдан қутқаришга қодир бўлган Худога зўр фарёд ва кўз ёшлари билан сиғиниб, ялиниб–ёлворди, художўйлиги сабабидан тоати ижобат бўлди. Гарчи У Худонинг Ўғли бўлса ҳам, азоб-уқубат чекиб, итоат қилишни ўрганди. Масих шундай камолотга эришиб, Унга қулоқ солганларнинг ҳаммаси учун абадий бир нажот яратди. Шу тариқа Худо Масихни “Малхисидиқ мартабаси бўйича Олий руҳоний” қилиб тайинлади.

Руҳонийликнинг ва Қонуннинг ўзгариши

Исо ўлиб, қайта тирилгач, Левийларнинг руҳонийлик хизмати тугатилди. Исо келтирган қурбонлик тўлиқ қурбонлик эди. Энди Левий руҳонийлигига ва улар қилган қурбонликларга бошқа эҳтиёж қолмади.

Ибронийларга 7:11, 12 Исроил халқи Левий авлодининг руҳонийлик тартиби бўйича Тавротни қабул қилган эди. Агар Ҳорун аждодидан бўлган Левийларнинг руҳонийлик хизмати мукамал бўлганда эди, унда яна бошқа бир аждод – Малхисидиқ аждодидан бир Руҳонийнинг ўртага чиқишининг қандай эҳтиёжи бор эди? Чунки руҳонийлик қонун-қоидалари ўзгартирилса, Тавротнинг ўзини ўзгартириш зарур бўлиб қолади.

Лекин Малхисидиқ мартабаси бўйича бўлган руҳонийлик абадий. Исо келтирган қурбонлик ҳам абадийдир.

Ибронийларга 7:24-27 Аммо Исо боқий қолганлиги учун, ўтиб кетмайдиган руҳонийликка моликдир. Шунинг учун Исо Ўзи орқали Худога яқинлашувчиларга нажот беришга бутунлай қодир. У ҳар доим барҳаёт бўлиб, уларга шафоат қилади. Чиндан бизларга худди Исо каби олий руҳоний керак: У муқаддас, айбсиз, нуқсонсиз, гуноҳкорлардан айрилган, осмондан ҳам юқори кўтарилган. У бошқа олий руҳонийлар каби ҳар кун олдин ўз гуноҳлари учун, кейин халқнинг гуноҳлари учун қурбонлик келтириши керак эмас. Чунки Ўзини Ўзи қурбон қилганда, буни бир мартада қилиб бўлди.

Бугунги кундаги рухонийлар

Эски Ахддаги рухонийлар – ҳақиқий Рухонийнинг сояси эдилар. Исо рухонийликни тўлиқ амалга оширди. Энди рухонийлар қурбонлик келтиришларининг ёки биз учун Худога мурожаат қилишларининг ҳожати йўқ.

Ваҳий китобида бизлар подшоҳлар ва рухонийлар эканлигимизни ўқиймиз. Бизлар руҳда қурбонликлар келтиришимиз керак. Бизлар Масих билан биргаликда ҳукм суриб, ҳукмронлик қилишимиз керак.

Ваҳий 1:6 У бизни шоҳлар қилди, Отаси Худо учун рухонийлар ҳам қилди. Абадий шон–шараф, мангу салтанат Унга хосдир. Омин.

Ваҳий 17:14 Улар Қўзи билан жанг қилдилар, аммо Қўзи уларни енгиб чиқди. Чунки Қўзи ҳокимларнинг Ҳокими – Шоҳаншоҳдир. У билан бирга бўлганлар эса даъват этилганлар, танланганлар содиқ қолганлардир.

Исо ҳукмдор, Унга ишонганлар ҳам ҳукмдорлардир.

Исо Подшоҳ, Унга ишонганлар ҳам подшоҳлардир.

Диққат: Чодир, рухонийлик, қурбонликлар ва рухонийлар мавзуида кўпроқ ўрганиш учун Алекс В.Несснинг: “Яшаш учун намуналар,” китобини ўқишингизни тавсия этамиз.

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Исроилнинг еттига байрамини айтиб беринг.
2. Карнай байрамининг аҳамиятини таърифлаб беринг.
3. Бугунги кунда бизнинг подшоҳ ва рухоний сифатида вазифаларимиз нимадан иборат?

Еттинчи Дарс

Эски Ахддаги Бошқарувчилар (Лидерлар)

Эски Ахд бизлар билишимиз ва ўрناق олишимиз керак бўлган одамлар – аёллар ва эркеклар билан тўла. Уларнинг ҳаётлари ҳақидаги Библиядаги ёзувларни ўқишнинг ўрнини ҳеч нарса ола олмайди.

Эски Ахддаги қахрамонларнинг ҳаётлари ҳақида ўқир эканмиз, бизлар ўзимиздан сўрашимиз керак: Уларнинг ҳаётларини атрофларидаги одамларнинг ҳаётларидан нима фарқли қилди? Мен улардан нималарни ўрганишимиз мумкин?” Уларнинг қилган ишлари жуда муҳим, лекин уларнинг ким бўлганликларини билиш орқали бизлар кўпроқ нарсаларни ўрганишимиз мумкин.

Ибронийларга китобининг муаллифи – Ибронийларга 11–бобда имон қахрамонларининг ажойиб “даъват”ларини ёритган. У “имон билан” сўзини қайта ва қайта ишлатади. Охири шундай сўзлар билан тугаллайди:

Ибронийларга 11:32-34 Яна нималар ҳақида гапирай? Яна Гидъўн, Барак, Шимъўн, Ифтаҳ, Довуд, Шомуил ва барча пайғамбарлар ҳақида ҳикоя қилиш учун вақтим етарли эмас. Улар имон билан подшоҳликларни тўнтардилар, адолатни барқарор қилдилар, илоҳий ваъдаларга эришдилар, шерларнинг оғзини боғладилар.

Ловуллаган оташни сўндирдилар, қилич тиғидан қочиб қутулдилар, ҳолдан тойган бўлиб қувватга кирдилар, жангда матонат кўрсатдилар, бегона қўшинларни енгиб даф қилдилар.

Библиядаги ҳар бир қахрамоннинг ҳаётининг таркибий қисми имон эди. Улар оддий заифликларга эга бўлган, оддий аёл ва эркеклар эдилар. Лекин улар шу заифликларидан устун чиқиб имон билан яшадилар.

ҲАНЎҲ – ХУДО БИЛАН ЮРАДИ

Ибтидо 4:17,18; 5:19–25; Яхудо 1:14

Ҳеч қачон ўлмади!

Ҳанўҳ тошқингача бўлган даврда 365 йил яшади. Ҳанўҳ инсоният шу қадар бузилиб, Худонинг ҳукмини ўзлари ва ер устига тошқин шаклида келтирган вақтларида яшади. Шундай бузилиш вақтида ҳам Ҳанўҳ “Худо билан бирга юради.”

Ибтидо 5:24 Бирданига йўқ бўлиб қолди. У Худо билан юрар эди, Худо эса уни олиб кетди.

Ҳанўҳ ўлмади! У шу ер юзида юрар эди, кейин эса кетди. Ибронийларга китобининг муаллифи бизларга бу – имон орқали содир бўлганини ёзади.

Ибронийларга 11:5 Имони туфайли Ҳанўҳ ўлмай, юқорига олинди. У бошқа топилмади, чунки Худо уни юқорига олган эди. Юқорига олишдан олдин Худо ундан розилигини таъкидлаган эди.

Библияда ёзилиши бўйича умуман ўлим кўрмаган иккита шахс бор: Илёс ва Ҳанўҳ.

Ҳанўҳнинг башорати

Яхудо китобида – ҳали амалга ошиши керак бўлган Ҳанўҳнинг башорати берилган. Қизиқарлиси шундаки, Ҳанўҳнинг ягона башорати Масихнинг иккинчи маротаба келишини эълон қилади.

Яхудо 1:14 Одам Атонинг еттинчи авлоди бўлган Ҳанўҳ ҳам улар ҳақида башорат қилиб шундай деган: “Мана, Раббий Ўзининг сон-саноксиз муқаддаслари билан келяпти”.

НУҲ – КЕМА ҚУРУВЧИ

Ибт.5:29; 6–9 120йиллик имонли ҳаёт ва итоаткорлик

Кучли томонлари:

*Узоқ бардошлилик
Худо билан яқин
муносабат*

Заифлиги:

Ичишни севиш

Нух кема қураётган экан, ер юзидаги ҳаётнинг энг ёвуз вақтларида 120 йил давомида имон ва итоаткорликда юрди. Библия бизларга ердаги ҳамма одамларнинг бузилганларини айтади.

Ибтидо 6:5 Ерда одамзоднинг ёмонлиги ошиб бораётганини, кўнглидаги бутун фикр-хаёли эса ҳаммиша ёмонлик эканини Худованд кўрди.

Нух ёвузлик билан ўраб олинган бўлса ҳам у ҳақида қуйидагиларни ўқиймиз:

Ибтидо 6:9 Нухнинг насл-насаб тарихи шудир: Нух ҳақ киши бўлиб, ўз қавмида бенуксон турмуш кечирар, Худо билан юрар эди.

Нух Худога шу қадар яқин юрар эдики, Худо унга унинг оиласи ва хайвонларга нажот келтирувчи кеманинг режасини бера олди.

Нух реал шахс эди. У ҳам бизга ўхшаб имон билан юриши керак эди. Йилдан йилга, етмиш йилдан ошиқроқ вақт давомида у – улкан сув тошқини келиб ер юзини қоплаганида сузувчи ғаройиб қурилмани қуриш устида меҳнат қилди.

Ўша вақтда ҳеч ким кемани кўрмаган, ёмғирни ҳам ҳеч ким кўрмаган эди. Ҳамма унинг устидан кулиб мазах қилар эди, ақлдан озган деб ўйлашар эди.

Нух – Худонинг овозини эшитганини аниқ билиб, атрофдаги қувғин, тушунмовчиликларга эътибор бермай Худонинг айтган Сўзига ишонишни давом этадиган одамнинг намунасидир. Нух–турғун имоннинг намунасидир.

Ибронийларга китобининг муаллифи томонидан унинг ҳаёти умумлаштирилган.

Ибронийларга 11:7 Нух пайғамбар имонли бўлгани учун, Худо унга келажакда юз берадиган ходисалар ҳақида ваҳий юборди, Нух эса ўз хонадонини қутқариш учун ихлос билан кема ясади. У бу иши билан дунёни маҳкум қилди, ўзи эса имони туфайли ҳақ деб қабул қилинди.

ИБРОҲИМ РУҲИЙ САЁҲАТЧИ

Ибт.12–25:10

Худонинг дўсти–Халқларнинг отаси

Кучли томонлари:

*Итоаткорлик
Меҳмондўстлик
Худонинг йўллари билиш
Бошқалар учун шафоат
қиларди
Сахийлик*

Заиф томонлари:

*Қўрқоқлик (Соранинг
гўзаллиги учун ўлимдан
қўрқиш)*

Диққат қилинг: Ибромнинг ёши 99да бўлганда Худо унинг исмини Иброҳим деб ўзгартирди. Осонлаштириш учун бизлар ҳамма жойда Иброҳим деб атаймиз.

Иброҳимнинг ҳаёти ҳақида китоблар ёзилган. Унинг имони ва кўп йиллик итоаткорлигининг қиёси йўқ. Бизлар унинг ғалабалари ва мағлубиятлари ҳақида озроқ мулоҳаза қиламиз. Иброҳим оддий инсон эди, лекин Худо томонидан кўп халқларнинг Отаси бўлиш учун танланган эди.

Ибронийларга китобининг муаллифи унинг ҳаётини қуйидаги оятларда жамлайди:

Ибронийларга 11:8-11 Иброҳим пайғамбар ҳам ўз имони туфайли Худога итоат қилди. Худо уни чақириб: “Насиб этадиган мамлакатга кет”,- деб буюрганида, Иброҳим қаерга боришини билмасдан йўлга тушди. Имон билан у Худо ваъда берган ерда ўрнашди, насиб бўладиган қут – баракаларнинг ҳамворислари бўлган ўғиллари Исҳоқ ва Ёқуб билан бирга ғарибларча чодирда яшади. У меъмори ва қурувчиси Худо бўладиган мустаҳкам, боқий шаҳарни кутар эди. Соро биби ҳам имон билан ваъда берган Худонинг садоқатига ишониб, ёши ўтса ҳам, ҳомиладор бўлишга қувват олди.

Бизлар Иброҳимнинг имони тўғрисида кўп эшитамиз, лекин муаллифнинг Соранинг имонини ҳам қаламга олишига эътибор беришимиз маъқулдир.

Ишаъё пайғамбар орқали Худо– Иброҳим унинг дўсти эканлигини айтди.

Ишаъё 41:8 Сен эса, Исроил, Менинг қулим, Мен танлаган Ёқуб, Менинг дўстим Иброҳимнинг уруғи.

Худо томонидан даъват қилинган

Библияда - Иброҳимнинг етмиш ёшигача, Худо унга Ур ерида сўзлаб, у ердан чиқишга даъват этгунича бўлган ҳаёти ҳақида, унинг аждоди шажарасидан бошқа ҳеч нарса ёзилмаган.

Ибтидо 12:1-3 Худованд Ибромга хитоб қилиб деди: «Ўз ерингдан, она юртингдан, отанг уйдан чиқиб, Мен сенга кўрсатадиган ерга кет. Сендан буюк халқ вужудга келтираман. Сени табаррук қилиб, номингни улуғлайман. Сен баракали бўлгайсан. Сени дуо қилганларни Мен дуо қиламан, сени лаънатлаганларни мен лаънатлайман. Ер юзидаги барча қабилалар сендан барака топадилар.

Худо Иброҳимга уч томонлама ваъда берди:

- > Унга ер беради;
- > У кўп халқларнинг отаси бўлади.
- > У орқали ер юзидаги барча оилалар дуо оладилар.

Бу ваъдалар қанчалик мўъжизавий бўлмасинлар, улар аниқ нарсаларни ваъда бермайди. Иброҳимда танлаш ҳуқуқи бор эди. У Худога ишониб

хамма нарсасини ташлаб кетиши ва номаълум ерга бориб – имонда юриши, ёки яшаган жойида қолиши мумкин эди. Унинг жавоби – имон ва итоаткорлик бўлди.

Ибтидо 12:4 Ибром, Худованд буюрганидек, Ҳорондан чиқиб кетди. Лут эса унга йўлдош бўлди. Ибром Ҳорондан чиққанида етмиш беш ёшда эди.

Иброҳим Ур ерини ташлаб чиқмаганича Худо – унга аниқ ерни бермоқчи эканини айтмади. Ақсинча, ундан дайидек Канъон ери бўйлаб у ердан бу ерга кўчиб юриш талаб қилинган эди.

Худо уни дуо қилишда давом этди, ва унга катта бойлик берди, лекин унинг ўғли – меросхўри йўқ эди. Ахийри, Худонинг буюк халқнинг отаси бўласан деган ваъдасидан сўнг ўн етти йил ўтгач, Иброҳимга Ҳожардан ўғил – Исмоил туғилди.

Барча араб халқлари – Исмоилнинг авлодларидир. Лекин Исмоил – у орқали бутун дунё халқлари дуо қилинадиган ваъда қилинган ўғил эмас эди.

Исҳоқнинг туғилиши

Яна ўн уч йил ўтиб Худо Иброҳимга Ўз ваъдасини қайта айтади:

Ибтидо 17:1, 4-6 Ибром тўқсон тўққиз ёшга кирган эди. Худованд унга зоҳир бўлиб деди: “Мен Қодир Тангриман. Менинг олдимда покдил бўлиб юргин. Мен сен билан аҳд қилиб, сени кўпдан-кўп халқларнинг отаси қиламан. Сенинг исминг энди Ибром эмас, балки Иброҳим бўлади; зеро сени кўпдан-кўп халқларнинг отаси қилиб тайинладим”.

Ибтидо 21:5 Исҳоқ туғилганида, Иброҳим юз ёшда эди.

Иброҳим исми– буюк кўпчилиكنинг отаси маъносини билдиради.

Қурбонлик

Иброҳим Худога ишонишда давом этди ва Исҳоқнинг туғилишини ўн уч йил кутди. Аммо кейин, ҳали Исҳоқ ёш бўлганида, Худо Иброҳимга яна сўзлади. Яҳудий тарихчи олим Ёсифус – Исҳоқнинг ёши йигирма бешларда бўлган деб таъкидлайди.

Ибтидо 22:1, 2 Бу ходисалардан сўнг Худо Иброҳимни синаб, унга: “Иброҳим!” – деди. “Лаббай!” – деди у. Худо: “Ўзинг севадиган ягона ўғлинг Исҳоқни олиб Мўриё ерига кет. У ерда Мен сенга айтадиган тоққа чиқиб, ўғлингни қурбон қил”, – деди.

Иброҳимнинг кўнгил кечинмаларини тасаввур қилиш ҳам қийин. Худо... унинг Дўсти... ваъда қилинган ўғилни шунча йил кутгандан кейин... унинг меросхўри... Энди Худо Исҳоқни қурбонликка келтиришни буюрдими?

Имон ва итоаткорлик

Иброҳим нима деб жавоб берди? Ҳануз итоаткорлик ва имон.

Ибтидо 22:3 Иброҳим эрта билан туриб, эшагини эгарлаб, қурбонлик куйдириш учун ўтин ҳам майдалади-да, қулваччалардан иккитасини ва ўғли Исҳоқни ўзи билан олди. Худо унга айтган жойга қараб равона бўлди.

Биз унинг имонини унинг ёшларни тарк этаётганида уларга айтган сўзларидан кўрамиз:

Ибтидо 22:4, 5 Уч кун юришгандан кейин Иброҳим нарига бир кўз ташлади, ўша жойни узокдан кўрди. У йигитларига: “Сизлар эшак билан бу ерда ўтириб кутиб турунглар. Мен ўсмир билан у ёққа бориб сажда қилиб, яна ёнингизга қайтиб келамиз”, – деди.

“Бизлар сизнинг ёнингизга қайтиб келамиз”. Иброҳим Худо талаб қилган қурбонликни қилиш учун бораётган эди; Аммо Худо унга ваъда қилган ўғилни берганини ва у кўп халқларнинг отаси эканлигини билар эди.

Биз унинг имонини Исҳоқга берган жавобидан кўрамиз:

Ибтидо 22:8 Иброҳим: “Ўғлим, қурбон қўзисини Худо Ўзи беради”, – деди. Шундай қилиб, икковлари йўлда давом этдилар.

Охирги лаҳзада Худо унга ўрин олувчи қурбонликни берди.

Ибтидо 22:11-13 ...бирданига осмондан Худованднинг фариштаси унга хитоб қилди: “Иброҳим! Иброҳим!” “Лаббай”, – деди у. Фаришта: “Ўсмирга қарши қўл кўтарма, унга ҳеч ёмонлик қилма. Мен энди биламанки, сен Худодан кўрқасан яккаю ягона ўғлингни ҳам Мендан аямадинг”, – деди. Иброҳим бир орқасига бурилиб қараса, чакалакда шоҳлари ўралиб қолган кўчқорни кўрди. Иброҳим бориб кўчқорни олиб келди ва уни ўғли ўрнига сўйиб қуйдирди.

Бу қурбонда – Ота Худонинг Ўз Ўғлини бутун дунё учун Қурбонлик қилишининг ажойиб тасвири берилган. Агар жўғрофияни ўргансак, бу қўй қурбонлиги – юзлаб йиллардан сўнг, Исо хочга михланадиган жойга айнан тўғри келиши мумкинлигини кўришимиз мумкин.

ЁҚУБ АЛДАБ ОЛУВЧИЛИКДАН – ВАЗИРЛИККА

Ибтидо 25:21–49:33

Ёқубдан Исроилга

Кучли томони:
Худонинг
йўлларини биларди

Заифлиги:
Ёлғончи

Ёқубнинг ҳаёти қарама-қаршиликка бой. Унинг исми – сиқиб чиқарувчи, алдаб ўрин олувчи деган маънони билдиради ва унинг ҳаёти айнан шундай бошланди. Барибир Худо у ҳақида: “Мен Ёқубни севдим”, – деди.

Унинг ҳаёти – Худонинг режаларини амалга оширишга ҳаракат қилувчиларнинг ҳаёт тарихидир. Бу Худо руҳда қиладиган ишларни танаси орқали моддий дунёда қилишга ҳаракат қиладиган одамларнинг ҳикояси. Бу шунингдек, Худони билишнинг ҳаётни ўзгартирувчи қудратининг намунаси.

Эгизаклар Эсов ва Ёқуб туғилишидан аввал, Худо улар тўғрисида деди:

Ибтидо 25:23 Худованд унга деди: “Сенинг қорнингда иккита халқ бор, ичингдан иккита эл айрилиб чиқажак.

Бир халқ иккинчисидан зўр чиқиб, каттаси кичигига кул бўлажак”.

Худо: “Каттаси кичигига хизмат қилади”, – деди, лекин Ибтидо 25 бобда Ёқубнинг Эсовдан бир коса овқатга тўнғичлигини сотишини сўраётганини кўрамиз. Ибтидо 27 бобда, Ривок ва Ёқубнинг тўнғич ўғил

Эсовдан тўнғичлигини ўғирлаб олиш учун тил бириктирганларини ўқиймиз. Ёқуб ёлғон билан ҳаракат қилди, отасини алдади, ҳатто ўз ёлғонларида Худонинг номини тилга олди. У Эсовга тегишли бўлган дуони олди, лекин кейин ҳаёти учун кўрқиб қочишга мажбур бўлди.

Байтлаҳм манзараси

Ёқуб акасининг ғазабидан кўрқиб қочаётган пайтда, тушида Байтлаҳм манзарасини кўради.

Ибтидо 28:12-15 У ухлар экан, тушида тик турган нарвонни кўрди. Нарвоннинг бир учи ерга, бир учи осмонга тегиб турар, Худонинг фаришталари эса ундан чиқиб тушаётган эдилар. Худованднинг Ўзи ҳам нарвоннинг устида турганича, шундай гапирди: “Мен – Худованд, Отанг Иброҳимнинг ва Исҳоқнинг Худосиман. Сен ётган ерни Мен сенга ва зурриётингга бераман. Сенинг зурриётинг ернинг қумидек кўп бўлади. Ғарбу шарққа, шимолу жанубга ёйилиб борасан. Сендан ва зурриётингдан ер юзидаги ҳамма қабилалар барака топадилар. Мана, Мен сен билан, қаерга бормагил, Мен сени асрайман, сени яна шу ерга қайтараман. Сенга айтганларимни то бажо келтирмагунимча, сени тарк этмайман”.

Худо Иброҳимга берган ваъдасини Ёқубга қайтадан беради. Масих Ёқуб авлоди орқали дунёга келади.

Ибтидо 28:20 Ёқуб назр атаб, деди: “Агар Худо мен билан бўлиб, бораётган шу йўлимда мени асраса, менга ейишим учун нон, кийишим учун кийим-кечак бериб турса...”

Ёлғончи алданди

Ёқубнинг ҳаёти бирданига фаровон бўлиб қолмади. У ўз отасини алдади, эндиликда эса бўлажак қайнотаси Лаван томонидан алданди. Ёқуб Рохилага уйланиш учун етти йил хизмат қилишга келишди, аммо Лаван ва унинг қизи Лия уни алдашди. Шунинг учун Ёқуб Рохила учун яна етти йил хизмат қилишига тўғри келди. Ниҳоят, ундан фақат фойда ундирган Лаван билан йигирма йил яшаганидан сўнг, Худо унга ўз уйига қайтишини буюрди.

Ибтидо 31:13 “Мен – Байтилда сенга зоҳир бўлган Худоман. Сен у ерда ёдгорлик тошига мой суртгансан, у ерда Менга назр атагансан. Энди тур, бу мамлакатдан чиқиб, туғилган юртингга қайтиб кет”, – деди.

Ёқуб Худога бўйсунди, лекин хануз акаси Эсовдан кўрқар эди; Эсов акаси уни кутиб олиш учун тўрт юз киши билан унинг йўлига чиққанини эшитиб, ибодат қилишни бошлади! У Худога ваъдаларини эслатиб ибодат қилди. У ўз болалари ва хотинларини ҳимоя қилишини сўраб ибодат қилди.

Пенуэлда учрашув

Пенуэлда ибодат қилар экан Ёқуб Худо билан шахсан учрашди. Унинг исми ва ҳаёти ўзгарди.

Ибтидо 32:24-30 Охирида якка ўзи қолди ва бир Зот тонг отгунча у билан курашди. У Ёқубни енга олмагач, унинг сон бўғинига урди ва сони бўғинидан чиқиб кетди. У Зот:

Худо билан курашиш мумкинми?

Ҳа, фақат имон ва тўғри ният билан қилинса.

Мисоллар:

Иброҳим:

Худо билан Садўм ва Фомўра шаҳарлари учун курашди.

Ёқуб:

Худо билан дуо олиш учун курашди.

Мусо:

Худо билан Исроил фарзандлари учун курашди.

“Мени қўйиб юбор, мана тонг отди”, – деди. Лекин Ёқуб унга: “Мени дуо қилмагунингча, Сени қўйиб юбормайман!” – деди. Ўша Зот: “Отинг нима?” – деб сўради. У: “Отим Ёқуб”, – деди. Ўша Зот: “Бундан буён сени Ёқуб эмас, балки Исроил дейдилар. Чунки сен Худо ҳамда одамлар билан курашиб, ғолиб чиқдинг”, – деди. Ёқуб: “Ўтиниб сўрайман, исмингни айт-чи!” – деб илтимос қилди. Лекин У: “Нима учун менинг исминни сўраяпсан?” – деди. Сўнг ўша ерда Ёқубни дуо қилди. Ёқуб эса: “Худони юзма-юз туриб кўрдим, У жонимга ора кирди”, – деди. Шунинг учун ўша жойни Пэнуил (яъни *Худо юзи*) деб атади.

Ёқуб – алдаб ўрин олувчи, номини ўзгартириб, Исроил – Худонинг Аскарлари бўлди. Унинг авлоди Исроил фарзандлари ёки Исроилликлар номи билан танилдилар. Улар ҳануз шу ном билан маълумдирлар.

ЮСУФ – ХАЛҚЛАРНИНГ НАЖОТКОРИ

Ибтидо 37–50

Бойликдан қашшоқликка – икки марта

Кучли томонлари:

Кечиримли юрак;
Яратувчи,
ташқиллаштирувчи ақл;
Ёқимли характер;
Хизматкор юраги;

Заифлиги:

Мағрурлик – оила аъзоларига тушидан мақтанди

Юсуфнинг болалиги Библия сатрларида ҳавас қилгудек туюлади. Унинг отаси Исроил жуда бадавлат одам эди, Юсуф эса унинг сеvimли ўғли эди. Ёшлигидан Юсуфга Худодан махсус тушлар келарди.

Бу тушлар, унга отасининг алоҳида севгиси, балки унинг мағрурлиги ҳам қўшилиб акаларининг рашқини кўзгатди. Акалари уни ғорга ташлашди, кейин эса қулликка сотишди.

Ибтидо 37:28 Шу пайт Мидёндан савдогарлар карвони ўтаётган эди. Улар Юсуфни қудукдан тортиб чиқардилар ва йигирма кумуш тангага исмоилийларга сотдилар. Улар эса Юсуфни Мисрга олиб кетдилар.

Мисрда Ёқуб бой одам Потифорнинг уйи ва бойликларининг назоратчиси бўлиб хизмат қилди. Қул учун жуда улуғ бўлган ҳурматга ва мартабага эришди. Лекин, сўнгра Потифорнинг хотини уни ўзи билан гуноҳ қилдиришга ҳаракат қилди.

Ибтидо 39:7-9 Орадан бир муддат ўтгач, бекнинг хотини Юсуфга кўзини тикадиган бўлди. У Юсуфга: “Мен билан ёт!” – деб айтар эди. Аммо Юсуф рад этиб, хўжайиннинг хотинига: “Мана, хўжайиним мен унинг хонадонида қиладиган ҳеч бир ишимга аралашмайди, ўзининг бор-будини менинг ихтиёримга топширган. Бу хонадонда мендан катта одам йўқ. Хўжайин мендан ҳеч нарсани аямай, биргина сени бермаган. Сен унинг хотинисан-ку. Мен қандай қилиб бундай қабихликка бориб, Худога қарши гуноҳ қиламан?” – деди.

Юсуф васвасага берилмагани учун, Потифарнинг хотини унга тухмат қилди ва уни қамоққа ташладилар.

Худо Юсуфнинг қулликка сотилишига ва қамоққа ташланишига бесабаб йўл қўйдими?

Худонинг бизнинг ҳаётимизга нисбатан буюк режаси бўлган вақтда, бизлар «ўргатилиш жараёнидан» ўтишимиз керак. Худо Юсуфнинг ҳаётини тартибга солиши шарт эди, токи у ҳукмронликнинг жавобгарлигини қўлига ола олсин.

Ибтидо 39:19, 20 Юсуфнинг хўжайини эса хотинининг: “Юсуф менга не-не ишларни қилмади!” – деган нолишини эшитиб, жаҳли чиқди. У Юсуфни ушлаб, подшоҳнинг махсус зиндонидаги қамоқхонага қаматиб қўйди.

Юсуф сеvimли ўғилдан, ҳурматга сазовор қулга айланаётган эди. Энди у маҳбус эди. Унинг болалигидаги тушлари жуда ҳам узоклашган туюларди. Балки у ўзича: “Наҳотки бу тушларни менга Худо берган эди”, – деб ўйлар эди. Рамзий маънода, у акаларининг унга таъзим қилаётганларини кўрган эди, ҳозир эса у қамоқда қул эди. Балки у Худодан: “Худо, Мен нимани нотўғри қилдим?”, – деб сўраган бўлиши мумкин.

Шунга қарамасдан Юсуф Худонинг овозини тинглашда давом этди ва қамоқхонада бошқаларга тушларининг таъбирини айтиб берди. Кейин Худо фиръавнга туш берди, бу тушнинг таъбирини Юсуфдан бошқа ҳеч ким айта олмади. Уни қамоқхонадан олиб келдилар ва Худо унга бу тушнинг таъбирини очди. Шу туш ва келажак очарчилик ҳақидаги тушнинг таъбири орқали Юсуф давлатда фиръавндан кейин иккинчи одам бўлди.

Очарчилик худди Юсуф таърифлаганидек келди, ва кўпчилик қабилалардан одамлар Мисрга, Юсуфнинг амри билан тўпланган озиқлар учун келдилар. Уларнинг ораларида Юсуфнинг акалари ҳам бор эди. Ва улар Юсуф тушида кўрганидек унга тиз чўкдилар.

Керакли хулосалар

Юсуфнинг ҳаётдан бизлар нимани ўрганишимиз мумкин?

Худо бизларга туш ёки ваҳий берса, У буни албатта амалга оширади. Баъзан, биз Худонинг вақти-соатини билмаймиз, ҳамда ҳаётимиздаги қийинчиликлар бизни Худо ишлата оладиган одам қилиши ва Худо бизга қаерда муҳтож бўлса бизни ўша ерга кўчириши мумкинлигини билмаймиз..

Юсуф шунингдек, имонлининг ҳаётида бўлиши керак бўлган кечиримлиликнинг ажойиб намунаси.

Масиҳнинг рамзи

Юсуф – Масиҳнинг Эски Аҳддаги рамзидир.

- > У бой-бадавлат ҳаёт тарзини қолдириб, узок ерларга кетди.
- > У халқларга нажот (очарчиликдан) келтирди.
- > У ихриёрий равишда ўз ака-укаларини кечирди.

Юсуф бошига келган азобларининг сабабига қуйидагича хулоса берди:

Ибтидо 50:19, 20 Юсуф уларга: “Кўрқманглар, мен Худонинг ўрнида эмасман-ку!” – деди. Сизлар менга ёмонлик ният қилган эдингизлар, лекин Худо буни яхши ниятга айлантириб юборди. Мана ҳозир кўраётганимиздай, У шу йўсинда анча халқнинг ҳаётини асради”.

МУСО – ҚУЛЛИҚДАН ҚУТҚАРУВЧИ

Чиқиши – Қон.так.

40 йил фиръавннинг уйида

Кучли томонлари:

Кўнувчанлик
Худонинг йўлларини билиш

Заиф томонлари:

Қизиққонлик билан ҳаракат қилишга олиб келган ёмон хулқ;
Мисрликни ўлдирди; Чўпонлар билан жанжаллашди; Тош лавҳаларни синдирди; Қояни икки марта урди.

Мусо кулликда туғилди, ҳаётини сақлаб қолиш учун уни онаси саватга солиб, Нил дарёсига ташлади. Уни фиръавннинг қизи топиб олди. У фиръавн ўғли сифатида улғайди, Лекин вақти–соати келиб ўз халқига қайтди. Ибронийларга китобининг муаллифи буни тушунтириб берган.

Ибронийларга 11:24-27 Мусо вояга етгач, фиръавн қизининг ўғли деб аталишни имон Билан рад қилди. Гуноҳли вақтинчалик ҳузур-ҳаловатли ҳаётдан Худонинг халқи Билан азоб – укубат чекишни афзал кўрди. Масиҳ ҳақоратларини Мисрнинг хазиналаридан буюкроқ бойлик ҳисоблади, чунки у оладиган мукофотни кўзлар эди. Фиръавннинг ғазабидан кўркмасдан, имон Билан мисрни тарк этди. У кўринмас Худони кўргандай, сабр-матонатли бўлди.

40 йил саҳрода яширинди

Мусо саҳрога қочиб кетди ва умрининг қирқ йилини ўша ерда сарфлади. Сўнгра Худо унга ёнаётган бутوقда намоён бўлди ва уни Ўз халқини кулликдан олиб чиқишга даъват қилди.

Чиқиш 3:2, 4, 6, 9, 10 Раббийнинг фариштаси тиканли бута орасидан олов алангасида зохир бўлди, У тиканли бута олов билан ёнаётганини, лекин бута куймаётганини кўрди. Раббий уни кўришга келаётганини кўрди ва Худо бута орасида унга хитоб қилиб деди: “Мусо! Мусо!” У деди: “Мана мен!” Яна деди: “Мен отангнинг Худосиман, Иброҳимнинг Худоси, Исҳоқнинг Худоси ва Ёқубнинг Худоси”. Мусо юзини ёпди: чунки Худога назар солишдан кўрқарди. «Мана, Исроил ўғилларининг ноласи Менгача етиб келди, ва Мени уларни қандай эзилиш билан эзилаётганини кўраяпман. Шундай қилиб боргин. Мен Сени фиръавн олдига юбораман: ва Мисрдан Менинг халқим, Исроил ўғилларини олиб чиқ”.

40 йил Исроил фарзандларининг бошқарувчиси

Худонинг ҳокимиятида юривчи одамларнинг Мусодан яхшироқ мисоли йўқдир. У фиръавн хонадонига жазолар олиб келди. У ҳассасини кўтарди ва денгиз иккига бўлинди. У дарахт шохини аччиқ сувга ташлади ва у ширин бўлди. У Худо билан сўзлашди. У Худо билан одамларнинг ҳаёти учун хатто баҳслашди ҳам. У миллиондан ортиқ одамлар қавмини қирқ йил давомида саҳрода олиб юрди. У орқали бизларга қонун ва чодир берилди. Яна, бизлар Сонлар китобида Мусонинг кўнувчан одам бўлганлигини – ер юзидаги барча одамлардан кўнувчанроқ одам бўлганини ўқиймиз.

Сонлар 12:3 Мусо эса ердаги одамлардан энг кўнувчани эди.

Биз Мусодан лидерликнинг қандай хусусияларини ўрганишимиз мумкин? Ҳақиқий кўнувчанликни ва ҳокимиятни. Худонинг ҳокимияти кўнувчан

одамлар орқали ҳаракат қилади. Кўнувчанлик – ўзи ҳақида мағрурликсиз ўйлаш эмас. Бу ўзи ҳақида умуман ўйламаслик.

Мусо – Худо томонидан дафн этилган ягона одамдир.

Қонуннинг тақрорланиши 34:4-7 Раббий унга деди: “Мана, Мен Иброҳимга, Исҳоққа ва Ёқубга: «Сенинг уруғингга бераман,»- деб касам ичган ер; Мен сенга кўзинг билан кўришингга йўл қўйдим, лекин сен унга кирмайсан. Мусо, Раббийнинг кули ўша ерда, Раббий сўзи бўйича Мўаб ерида ўлди. Мўаб еридаги водийда Беттағор қаршисида кўмилди, ва унинг кўмилган жойини ҳеч ким, ҳатто бугунгача билмайди. Мусо ўлганда бир юз йигирма ёшда эди; лекин унинг кўзи хиралашмаган ва унинг қуввати камаймаган эди.

ДОВУД – ИСРОИЛНИНГ ЭНГ БУЮК ПОДШОҲИ

Унинг жасурлиги

Кучли томонлари:
Саждакор эди
Мойланишни кадрларди
Худонинг йўлларини биларди
Фош қилишни қабул қилиб, тавба қилди.

Заиф томонлари:

Чиройли аёлларни ёқтириш
Оила аъзолари ва яқин дўстларининг тартиб интизомига эътиборсизлик.

Довуд – бутун тарихнинг ёрқин сиймоларидан биридир. Унинг ҳукмронлиги вақтида Исроил халқи ўзининг улкан майдонларига эга бўлди. Довуд Эски Аҳднинг 4 китобининг: 1,2 Шомуил, 1Йилнома ва Санолар китобининг машҳур шахсидир. Довуднинг тарихдаги аҳамияти сабабли, Исо “Иброҳим Ўғли” эмас, балки “Довуд Ўғли” деб аталган.

Унинг мойланиши

Довуд оиласидаги саккиз ўғилнинг энг кичиги эди. Шундай бўлса ҳам у отасининг қўйларини боқиб юрганида, Худо Шомуилни –уни Исроилнинг иккинчи подшоҳи қилиб мойлаш учун юборди.

1 Шомуил 16:12, 13 Ишай биттасини юбориб, ўғлини олдириб келди. У чиройли, келишган йигит бўлиб, кўзлари ёниб турарди. “Қани, унинг бошига ёғ қўйиб танла! Мен танлаган одам шу!” -деди Эгамиз Шомуилга. Шомуил ёғ солинган шохни олди-да, акаларининг кўз ўнгида йигитнинг бошига ёғ қўйди. Ўша пайтда Эгамизнинг руҳи Довудни камраб олди ва ўша кундан бошлаб уни бошқарадиган бўлди. Шомуил эса Рамага қайтиб кетди.

Шу заҳоти, Довуд Шоул хонадонига мусиқа чалиш учун чақиртирилди. У бу вазифада қанча вақт бўлганини билмаймиз. Лекин Гўлиёт билан бўлган жангигача у уйига қайтганини биламиз.

Унинг жасорати

Довуд отасининг қўйларини боқиб юрган вақтларида шерни ва айиқни ўлдириб юрган вақтларидан бошлаб жасур одам эди.

1 Шомуил 17:34, 35 “Мен отамнинг сурувини боқардим”, - деб жавоб берди Довуд. “Шер ёки айиқ келиб, сурувдан бирорта кўзини олиб қочса, орқасидан қувиб, унга хужум қилардим. Кўзини ўша хайвоннинг оғзидан тортиб олардим. Бордию шер ёки айиқ менга ташланса, ёлидан ушлардим-у, уриб ўлдирадим.”

Довуд ўзининг Худога бўлган ишончини шундай вазиятларда синади ва бу унга баҳайбат Гўлиётни ўлдиришига керак бўлган ишончини берди.

1 Шомуил 17:26 Довуд ёнидагилардан сўради: “Бу Филистни ўлдириб, Исроилни шармандалиқдан халос қилганга шоҳ нима беради? Бу суннатсиз Филист ким бўлибдики, Барҳаёт Худонинг қўшинини ҳақорат қилади?!”

1 Шомуил 17:45-47 Довуд эса шундай жавоб қайтарди: “Сен қилич, найза-ю ханжарлар билан устимга бостириб келяпсан. Мен эса сен ҳақоратлаган Исроил лашкарининг Худоси, Сарвари Оламнинг номи билан қуролланиб устинга бостириб боряпман. Бугуннинг ўзида Эгамиз сени менинг қўлимга топширади. Сени ўлдириб, бошингни танангдан жудо қиламан. Бугуннинг ўзида Филист лашкарининг жасадларини кўкдаги қушларга, даштдаги йиртқичларга ем қиламан. Шунда Исроилда Худонинг борлигини бутун ер юзи билиб олади. Эгамиз қиличу найза билан нажот бермаслигини бутун жамоа билиб олади, чунки бу урушда Эгамизнинг Ўзи жанг қилади. У сизларни бизнинг қўлимизга топширади”.

Бу нима билан тугаганини биз биламиз. Довуд шоҳнинг қурол – аслаҳаларини киймади, аксинча у баҳайбат душман қаршисига фақатгина бешта кичик тош ва уларни отиш учун палақмон билан чиқди. У баҳайбат одамни ўлдирди ва бутун халқнинг қаҳрамони бўлди.

Унинг сабр-тоқати

Довуд кичик чўпон бўлиб юрган давридаёқ Худо томонидан Исроилнинг подшоҳи килиб мойланди. Унинг Шоулнинг мусикачисидан қўшин генерали, кейин Шоулнинг куёви даражасига кўтарилиши - Худо томонидан олдиндан белгилаб қўйилгандек туюлган бўлиши керак. У ҳаттоки Шоулнинг ўғли Ионафан билан яқин дўст бўлди, шунингдек, подшоҳнинг тахтининг қонуний меросхўри бўлди.

Аммо Шоул унинг халқ ичида машҳурлигидан кўрқиб, унга рашки келди. Шоул – Довуднинг осонлик билан кейинги подшоҳ бўлиши мумкинлигини кўрди ва уни бир неча бора ўлдиришга уринди. Довуд жонини сақлаб қолиш учун ундан қочиб қонунбузарлардек ғорларда яшириниб юрди. У икки марта Шоулни ўлдириши мумкин эди, лекин ҳар гал бундан бош тортди.

1 Шомуил 24:10-11 “Довуд сенга ёмонлик қилмоқчи, деган одамларнинг гапларига нима учун қулоқ соляпсиз?” Мана, бугун кўзларингиз Раббий сизни ғорда менинг қўлимга топширганини кўряпти; Менга сизни ўлдиришимни айтишди; Аммо мен сизга раҳм қилдим ва дедим: «Эгамга қўлимни кўтармайман, зеро у Раббийнинг мойлангани.»

1 Шомуил 26:8, 9 “Бугун Худо ғанимингизни сизнинг қўлингизга берди”, -деди Абушай Довудга. “Энди ижозат беринг, уни найза билан бир уриб ерга михлаб қўяйин. Иккинчи марта уришимга ҳожат қолмайди”. “Йўқ, уни ўлдирмайсан”, -деди Довуд, -Эгамиз ёғ қуйиб танлаган шоҳга қўл кўтарганини сира оқлаб бўлмайди.

Шоул ўлиб, Довуд Яхудиянинг подшоҳи қилиб кўтарилди. Сўнгра Шоулнинг ўғли ўлди ва Довуд бутун Исроилнинг подшоҳи бўлди.

Унинг ҳукмронлиги

- > Довуднинг подшоҳ сифатида ҳукмронлиги даврида кўп аҳамиятли воқеалар содир бўлди. У Иерусалимни эгаллаб, уни Исроилнинг пойтахти қилди.
- > У Довуд чодирини қуриб, қиботни Иерусалимга олиб келди.
- > У шоҳликни кенгайтди.
- > У Урийнинг хотини Вирсавияни олиб, сўнгра гуноҳларига ошкора иқдор бўлди.
- > Унга кейинчалик ўғли Сулаймон томонидан қурилган улкан маъбаднинг режаси берилди.

Худонинг саждакори

Довуднинг бизлар учун улкан мероси унинг маҳоратли мусиқачи экани эди. У Худонинг саждакори эди. У бугунги кунда заифлашган, тушкунликка тушган ва муаммолар ичида бўлган имонлиларга зўр далда берувчи санолар китобининг кўп қисмини ёзган. У келадиган Масих тўғрисида ўта хайратлантирувчи башоратларни ёзган.

Довуд чодирни орқали у бизларга бугунги кунларда Худога ҳамду– сано ва сажда қандай бўлиши лозимлигининг кўринишини берган.

Довуд – подшоҳ, жангчи, пайғамбар ва ҳамду-саночи эди. У Худонинг юрагидаги киши эди.

Ҳаворийлар фаолияти 13:22 Уни тахтдан туширгандан кейин эса, уларга Довудни подшоҳ қилиб берди. Худо Довуд ҳақида шундай шаҳодат берди: “Мен кўнглимдагидай бир одамни – Ишай ўғли Довудни топдим; бутун истакларимни у бажо келтиради”.

Хулоса

Бизнинг китоб саҳифаларимизда Худонинг аскарлари –Иешуа бин Нун, Кучли одам – Гидеон, Ҳақ ҳакам – Шомуил, Сулаймон, Илёс, Элишай, Дониэл, Езра, Неҳемиахнинг ҳаётларини кўриб чиқишга етарлича ўрин йўқ. Соро, Эстер, Рут ва Девораларнинг ҳаётларини ўрганишга ҳам ўрин йўқ. Аммо Эски Аҳднинг қай даврига қарамайлик – Худода ҳар доим Унинг хоҳишини бажарадиган эркаклар ва аёллар бор эди. Ҳар доим Раббий учун ўрнидан турадиган ва у учун фаолият юритадиган қаҳрамонлар бор бўлган.

Бу одамлар – бизларга ўхшаб кучли ва заиф томонларига эга реал одамлар эдилар. Бизлар уларга реал одамлар сифатида қараганимизда, ўзимизни улар қилган ишларни бажараётганимизни кўрамиз. Шунда бизлар ўзимизни ҳозирги даврнинг Гидеони ёки Девораси эканлигимизни кўришимиз мумкин.

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Ибронийларга мактубнинг 11 бобида ёзилиши бўйича, Эски Аҳднинг ҳар бир қаҳрамонининг ҳаётида мавжуд бўлган умумий нарса нима эди?
2. Иброҳимнинг итоаткорлигининг ва имонининг Библиявий мисолларини кўрсатинг.
3. Юсуф қайси жиҳатдан Масиҳнинг тури эди?

Эски Аҳд мўъжизалари (бир қисми)

Яратилиш

Ернинг	Ибтидо 1
Одамзоднинг	Ибтидо 1:26, 27; 2:7, 21, 22
Ҳанўхнинг кўчирилиши	Ибтидо 5:19–24
Тошқин	Ибтидо 7:9–12; 17–24
Бобил минораси	Ибтидо 11:1, 5–9

Иброҳим

Фиръавн ва унинг хонадонига жазо	Ибтидо 12:10–20
Ўчок тутуни ва Ёнган кўзи	Ибтидо 15:17, 18
Соранинг хомиладорлиги	Ибтидо 17:15–19; Ибтидо 18:10–14; 21:1–3
Содом кўрлари	Ибтидо 19:9–11
Содум ва Ғомўранинг вайрон қилиниши	Ибтидо 19:15–25, 28, 29
Лутнинг хотинининг тузга айланиши	Ибтидо 19:24–28
Ҳожар қудуғи	Ибтидо 21:14–21

Мусо

Алангаланган бута	Чиқиш 3:1–14
Мусонинг ҳассаси	Чиқиш 4:1–5; 7:8–13
Оқарган кўл	Чиқиш 4:6–12
Мисрга ўн жазо	
Нил дарёси	Чиқиш 4:9, 14–24
Бақалар	Чиқиш 8:1–6
Ҳашаротлар	Чиқиш 8:16–19
Пашшалар	Чиқиш 8:20–31
Ҳайвонларда яралар	Чиқиш 9:1–7
Йирингли яралар	Чиқиш 9:13–25
Чигиртка (Саранча)	Чиқиш 10:1–20
Қоронғулик	Чиқиш 10:21–29
Тўнғичлар ўлими	Чиқиш 11; 12:29–33

Чўлда сайёҳлик

Булут ва олов	Чиқиш 13:21 ва б.
Қизил денгизнинг бўлиниши	Чиқиш 14:21–31
Мерранинг шифобахш сувлари	Чиқиш 15:22–27
Манна	Чиқиш 16:1–5 ва б.
Беданалар	Чиқиш 16:8, 11–13
Қоядан чиққан сув	Чиқиш 17:1–9
Амалик устидан галаба	Чиқиш 17:8–16
Синай тоғида: олов – калин булут	Чиқиш 19:16–25

Чақмоқ – момақалдиқроқ – ер қимирлаши–карнай товуши

Қонун такрорлаш 5:22–26

Ўн амрнинг ёзилиши

Надав ва Авиуд устидан ҳукм	Левит 10:1–7
Нолувчиларнинг олов ютиши	Сонлар 11:1–3
Мариамнинг оқариши	Сонлар 12; 20:1
Корей ва бошқаларнинг ҳалок қилиниши	Сонлар 16; 26:9–11

Хоруннинг ҳассаси	Сонлар 17
Мис илон	Сонлар 21:4–9
Беэр кудуги	Сонлар 21:13–18
Балаамнинг эшаги	Сонлар 22:20–35
Маданитликлар устидан ғалаба	Сонлар 25; 31
Мусонинг дафн этилиши	Қонун такрорлаш 34
Иешуа бин Нун орқали	
Иордан дарёсининг бўлиниши	Иешуа бин Нун 3:7–17; 4
Мўъжизаларнинг пайдо бўлиши	Иешуа бин Нун 5:13–15
Иерихонни эгаллаш	Иешуа бин Нун 6
Қуёш тўхташи	Иешуа бин Нун 10:12–15
Гидеон орқали	
Қоядан олов чиқди	Ҳакамлар 6:19–24
Жун билан мўъжиза	Ҳакамлар 6:36–40
Маданитликларнинг мағлубияти	Ҳакамлар 7
Илёс орқали	
Узоқ давом этган қурғоқчилик	1 Шоҳликлар 17:1; Ёқуб 5:17
Қарғалар боқиши	1 Шоҳликлар 17:2–7
Бева ўғлининг тирилиши	1 Шоҳликлар 17:17–24
Мўъжизавий қурбонлик	1 Шоҳликлар 18:1–39
Мўъжизавий ёмғир	1 Шоҳликлар 18:1,2
Фаришталар таоми	1 Шоҳликлар 19:1–18
Худонинг Ўзини намоён қилиши	1 Шоҳликлар 19:9–18
Иордан дарёсининг бўлиниши	2 Шоҳлар 2:1–8
Осмондан олов	2 Шоҳлар 1:9–15
Илёснинг алангали арава олиб кетиши	2 Шоҳлар 2:9–11
Элишай орқали	
Иордан бўлиниши	2 Шоҳлар 2:12–14
Шифоланган сувлар	2 Шоҳлар 2:19–22
Бехурматликнинг жазоси	2 Шоҳлар 2:23–25
Сувга тўлган ҳовузлар	2 Шоҳлар 3:1–22
Беванинг мойи	2 Шоҳлар 4:1–7
Сунамитлик аёл ўғлининг тирилиши	2 Шоҳлар 4:8–37
Неҳеманнинг шифоланиши	2 Шоҳлар 5:1–19
Гейезийнинг мохов бўлиши	2 Шоҳлар 5:26–27
Сузиб чиққан болта	2 Шоҳлар 6:1–7
Кўр бўлган ва очилган кўзлар	2 Шоҳлар 6:8–23
Юнус	
Улкан балиқ томонидан ютилиб шикаст топмади	Юнус 1:17; 2:10
Дониэл	
Шерлар ўрасидан кутилди	Дониэл 6:16–23
Тушларнинг таъбирчиси	Дониэл 2:15–23
Седрах, Мисах ва Авденаго	
Оловли печдан кутилдилар	Дониэл 3:19–29

Саккизинчи дарс

ЯРАТИЛИШ ВА ҲУКМ МЎЪЖИЗАЛАРИ

Мўъжиза – Худонинг мақсадларини амалга ошириш учун табиат қонунларига ғайритабиий равишда кириб келишидир. Мўъжиза итоаткорликка дуо ёки итоатсизликка ҳукмни яъни жазони олиб келади.

ЯРАТИЛИШ МЎЪЖИЗАСИ

Ер ва осмоннинг яратилиши

> Худо сўзлади

Ер билан осмоннинг яратилиши – Худонинг қудратли мўъжиза яратиш ишининг ажойиб мисолидир. У сўзлади ва айтгани амалга ошди! Ибтидо китоби яратилиш борасида: “У деди,”–сўзларини қайта–қайта ишлатади. Довуд ва Ибронийлар китобининг муаллифи “Сўзи билан» иборасини ишлатганлар.

Ибронийларга 11:3 Бизлар имон орқали англаяпмизки, коинот Худонинг Сўзи билан бунёд бўлган, яъни кўринадиган моддалар кўринмайдиган воқеликдан вужудга келган.

Санолар 33:6 Осмонлар Раббийнинг Сўзи билан, унинг барча кўшинлари эса Унинг оғзининг руҳи билан яратилган.

Эркак ва аёлнинг яратилиши

Ибтидо 1:26,27 Яна Худо: “Ўз суратимизга кўра, ўзимизга ўхшаш одамни яратайлик. У денгиздаги балиқлар, кўк юзидаги паррандалар, чорвалар, ҳа, бутун ер юзи ва ерда ҳаракат қилувчи барча махлуқот устидан ҳокимлик қилсин”, – деди. Шундай қилиб, Худо одамни Ўз суратида, илохий суратда яратди.

Ибтидо 2:7 Ўша пайтда Худованди Карим ернинг тупроғидан одамни ясаб, унинг димоғига ҳаёт нафасини пуфлади. Шу йўсинда одам тирик жон бўлди.

Аюб китоби Библиянинг энг қадимий китоби ҳисобланади. Аюб ҳам ўзининг қаердан келиб чиққанига шубҳаланмаган.

Аюб 10:8 Сенинг қўлларинг менинг устимда меҳнат қилган ва менинг атрофимдаги ҳамма нарсани яратган...

Яратиш мақсади

> Ота юрагини тўлдириш

Худо Ота юрагига эга. Унинг инсониятни яратишидан мақсади –Оталик юрагини абадий оила билан тўлдириш эди. У Ўғлига келин олишни ва абадий оилага эга бўлиб, У орқали Ўзини кўпайтиришни истади. Худо абадий севги ва Ўзи билан ички яқин муносабатларда бўлиш учун эркак ва аёлни яратди.

Эфесликларга 2:4-7 Аммо раҳм–шавқатга бой бўлган Худо бизларни Ўзининг буюк севгиси билан севди ва жиноятларимиз туфайли ўлик бўлсак–да бизларни Масих билан бирга жонлантирди,- сизлар иноят орқали нажот топгансизлар,- ҳамда У билан бирга тирилтириб, бизларни Исо Масихда самога ўтиргизди, токи келажак асрларда Худо бизларга нисбатан бўлган Ўзининг эзгулигида Ўз иноятининг беҳад бойлигини Исо Масихда намоён қилсин.

> Ўзининг абадий мақсадини амалга ошириш

Худо одамни Ўзининг абадий мақсадини амалга ошириш учун яратди.

Эфесликларга 1:9-11 Худо Масихда тайинлаб қўйган Ўзининг илтифоти бўйича бизга Ўз иродасининг сирини очди: Яъни вақт тўлиқлиги тузилиши учун барча осмону ердагиларни Масихда бирлаштиради. Масихда биз меросхўрлар ҳам бўлдик. Ҳамма нарсани Ўз иродасининг нияти бўйича амалга оширган Худо эса Ўзининг мақсадларига биноан бизни азалдан ана шу учун тайинлаган.

> Ўзини ҳамду сано ва саждаларга тўлдириш учун

Худо одамзодни Унга ҳамду– сано ва саждалар билан хизмат қилиши учун яратди.

Ишаъё 43:7, 21 Менинг номим билан аталадиган, Мен Ўз шарафим учун яратган, ҳосил қилиб барпо қилган ҳар бир кишини... Бу халқни Мени Ўзим учун яратдим; у Менинг шуҳратимни эълон қилади.

Худо одамзодни Ўз суратида яратганида, Унинг абадий ва буюк режаси бор эди. Ҳар ҳолда, Худонинг яратувчи мўъжизалари ер билан осмонни, ёки одамзодни яратиши билан тугагани йўқ. Улар бутун Эски Аҳд бўйлаб давом этди. Худо саҳрода манна ва сув яратди. Зарифалик бева учун У ёр ва овқат яратди.

ҲУКМ ЯЪНИ ЖАЗОЛАШ МЎЪЖИЗАЛАРИ

Библияда Худонинг ҳукмининг кўп намуналари берилган.

- > Тошқин бутун ер учун ҳукм эди.
- > Содўм ва Гомўранинг вайрон этилиши бир майдон устидан ҳукм эди.
- > Надав ва Авиуднинг ўлими – қурбонгоҳга бегона, буюрилмаган оловни олиб келганлари учун ҳукм эди. Бу одамлар Худонинг мойланган бошқарувчиларига қарши чиққанлари учун оловда ҳалок қилиндилар.
- > Элишайнинг хизматкори Геезийга келган мохов касаллиги бир киши устидан ҳукм эди.

Гуноҳ учун ҳукм қилиниш одамларга тавба қилиш учун имконият беради.

Нима учун ҳукм қилинади?

Ҳукм қилинишнинг учта сабаби бор:

- > Гуноҳ учун жазо сифатида

2 Петъор 2:9-10 ...унда художўйларни васвасадан ҳалос қилишни, қонунсизларни эса, айниқса расво эхтиросларида ўз танаси ортидан

эргашиб бораётган, ҳокимиятни рад қилаётган одамларни жазо учун ҳукм қунигача қандай сақлашни Раббий билади. Улар сурбет ва ўзбошимча бўлиб, юқори мавжудотларни ҳақорат қилишдан ҳам қўрқмайдилар.

> Келажак авлодларга намуна бўлиши учун

2 Петъор 2:6 Агар келажакдаги бетавфиқларга намуна кўрсатиш учун Садўм ва Ғамўра шаҳарларини қирғинга маҳкум этиб, кулга айлантирган бўлса...

> Тавба қилишга имкон яратади.

Вахий 9:20-21 Бу балолардан омон қолган инсонлар эса Ўз қилмишларидан тавба қилмадилар. Жинларга бош эгишдан, қўринмайдиган, эшитолмайдиган, юролмайдиган олтин, қумуш, мис, тош ва ёғоч бутларга сажда қилишдан воз кечмадилар. Ўзларининг қотиллик, жодугарлик, зинокорлик ва ўғирликларидан ҳам тавба қилмадилар.

Ҳаворий Петъор бир қанча ҳукм қилиш мўъжизаларини тилга олади ва уларни – Худонинг художўй одамларни ҳатто маҳкумлик вақтларида ҳам қутқара олиш қобилиятини тасдиқлаш учун ишлатади.

2 Петъор 2:5-9 Агарда қадимги дунёни аямасдан бетавфиқларнинг дунёсига тўфон юбориб, фақат ҳақлик воизи бўлган Нухнинг оиласини, яъни саккиз жоннигина сақлаб қолган бўлса, агар келажакдаги бетавфиқларга намуна кўрсатиш учун Садўм ва Ғамўра шаҳарларини қирғинга маҳкум этиб, кулга айлантирган бўлса, бузуқликка қаттиқ берилган бетавфиқларнинг орасида юришдан азоб чеккан ҳақ Лутни ҳалос қилган бўлса,- чунки бу ҳақ одам уларнинг орасида яшаб, қонунсиз ишларни кўриб ва эшитиб, ҳар қуни ўзининг ҳақ жонини қийнар эди, - унда художўйларни васвасадан ҳалос қилишни, қонунсизларни эса, ...жазо учун ҳукм қунигача қандай сақлашни Раббий билади.

ТОШҚИН

Ибтидо 6, 7 боб

Худонинг мўъжизалари – ҳайратлантирувчи ҳодисалар ёки даҳшатли ҳукм мисоллари бўлиши мумкин. Одамзоднинг гуноҳкорлиги сабабли – ер юзини қоплаш учун Худо сув тошқинини юборди. Ҳар ҳолда, бу даҳшатли ҳукм вақтида Худо Ўзининг шафқатини намойиш этиб Ўзи яратган – ҳайвонлар, қушлар, эркак ва аёлларнинг ҳаётларини сақлаб қолди.

Тошқин – бутун ер ва инсоният устидан Худонинг чиқарган ҳукми эди.

Ибтидо 7:19-23 Ер юзидаги сув тошқини беҳад кучайиб, осмону фалак остидаги баланд тоғларнинг ҳаммасини қоплаб олди. Сув тошқини тоғу тепалиқдан ўн беш газ юқорироқ кўтарилиб, ҳамма ёқни кўмиб ташлади. Ер юзида ҳаракат қилувчи ҳар бир махлуқ – парранда ҳам, чорва ҳам, ёввойи ҳайвонлар ҳам, ерда қимирловчи майда жониворлар ҳам, одамлар ҳам бирдан ҳалок бўлдилар. Қуруқликда яшовчи димоғида ҳаёт нафаси бор бўлган ҳар бир жонзод ўлиб кетди. Ерда бор бўлган бутун мавжудот қирилди. Одамдан тортиб чорвагача, ерда қимирловчи махлуқдан тортиб кўкда учувчи қушгача бари ер

юзидан қирилди. Фақат Нух ва у билан бирга кемада бўлганлар тирик қолдилар.

Инсон ирқининг бузилиши

Нима сабабдан севувчи Самовий Отамиз Ўз мавжудотларидан шу қадар кўпчилигини ҳалок қилди? Худо гуноҳкор халқидан “тўйдими” ёки Уни бундай қилишга бирор нарса мажбур қилдими?

Худо “Аёлнинг уруғи” бошини янчишини ваъда берган вақтидан бошлаб, шайтоннинг режаси аёлларнинг бор уруғларини йўқ қилиш эди. Ибтидо 6 бобда ерга келган бузилишларни ўқишимиз мумкин.

Ибтидо 6:1, 2, 4 Ер юзидаги одамлар кўпая бошлаб, улар учун қизлар ҳам туғилди. Илоҳий зотлар одамзод қизларинини жуда яхшилигини кўриб, истаганларини хотинликка оладиган бўлдилар. Илоҳий зотлар одамзод қизлари билан аралашгандан сўнг, улар учун бола туғдилар. Ўша замондан ва кейинроқ ҳам ерда баҳодирлар насли бор эди. Булар қадим замоннинг қаҳрамонлари деб шуҳрат топганлар.

Бу ерда қаламга олинган “Худонинг ўғиллари” одам болалари эмас, балки фариштасимон мавжудотлар эканликларига ишонишга асос бор.

Аюб китобининг 1-6 ва 38:7 оятларида “Худонинг ўғиллари” деган сўз инсонларга эмас, фақат фариштавий ёки шайтоний мавжудотларга тегишли.

Ибтидо китоби – ёвузликларни санашда давом этади:

Ибтидо 6:5-7 Ерда одомзоднинг ёмонлиги ошиб бораётганини, кўнглидаги бутун фикр-хаёли эса ҳамиша ёмонлик эканини Худованд кўриб, уни яратгандан ўкинди, юраги ачишиб кетди. “Ўзим яратган одамзодни ер юзидан қириб ташлайман, – деди Худованд. – Одамзоддан тортиб ҳайвонгача, ерда қимирловчидан тортиб кўкдаги паррандагача жамики жонни қириб ташлайман. Энди уларни яратганимдан ўқиняпман”.

Нух ва унинг оиласи қутқарилди

Нима сабабдан Нух ва унинг оиласи ҳалок бўлишди?

Ибтидо 6:8-9 Бироқ Нух Худованднинг илтифотига сазовор бўлган эди. Нухнинг насл-насаб тарихи шудир: Нух ҳақ киши бўлиб ўз қавмида бенуқсон турмуш кечирар, Худо билан юрар эди.

“Ўз авлодида бенуқсон”, - сўзларига эътибор беринг. Унинг авлодида Худо ўғиллари ва инсон қизлари билан бирлашувда бўлган бузилишлар йўқ эди.

Тошқин – Худо аёллар ва эркаклардан ғазабланганлиги ва уларни ҳалок қилишни истагани учун келгани йўқ. Тошқин – инсон авлоди бузилганлиги учун келди. Агар шайтоннинг режаси тўхтатилмаганда эди, “аёлнинг уруғи” келиши керак бўлган пок авлод қолмаган бўлар эди.

Итоаткорлик орқали

Худо Нухга сўзлади ва Нух итоат қилди. 120 йил давомида Нух атрофидаги бузилган жамият уни мазах қилиши ичра Худога итоат қилишда давом этди. У Худонинг аниқ кўрсатмаси бўйича кема қурди. Бу тўғрисида биз Ибтидо 6:14-16да ўқишимиз мумкин.

Ҳайвонларнинг келиши

Сиз бирор марта ўзингизча, дунёдаги барча ҳайвонлар жуфт–жуфт бўлиб Нухнинг кемаси томон келаётганини кўрганларида Нухни мазах қилган одамлар нима деб ўйлаганларини тасаввур қилганмисиз? Худо ҳайвонларни кемага чақирди ва уларни олдиларидан ўтишлари керак бўлган золим одамлардан ҳимоя қилди. Бу қандай мўъжиза эди ва бу имонсиз дунё учун нақадар ажойиб аломат эди. Қани эди, улар бунинг ҳақиқатлигига ишонсалар эди.

Сувлар келишди

Ибтидо 7:4 “Чунки етти кундан кейин Мен ерга қирқ кечаю қирқ кундуз давом этадиган ёмғир ёғдираман. Ўзим бунёд этган барча мавжудотни ер юзидан қириб ташлайман”.

Ибтидо 7:12 Кетидан ер юзига қирқ кечаю қирқ кундуз ёмғир ёғди.

Мўъжизавий шамол

Ибтидо 8:1 Нух ва у билан бирга кема ичида бўлган ёввойи ҳайвонлар ва чорванинг ҳаммаси Худонинг хотирида бўлиб, У ер юзи устидан шамол эстирди. Шундан сўнг сувлар пасая бошлади.

Ибтидо 8:2 Тубсизлик булоқлари тугаб, осмон қопқалари ёпилиб, ёғаётган ёмғир тиниб қолди.

Худонинг ваъдаси – Камалак

Сохта динлар камалакни ўз рамзлари қилиб олишга ҳаракат қиладилар, лекин Худо камалакни бутун одамзодга ваъда сифатида берди.

Ибтидо 8:22 Бундан кейин ер бор экан, экин-текин, ўрим-йиғим, совуқ билан иссиқ, ёз билан қиш, кун билан тун тугамайди”.

Ибтидо 9:11-13 Сизлар билан қилаётган аҳдим ана шу мазмунда: энди ҳеч қачон тўфон сувлари билан бутун махлуқот қирилмайди, энди ҳеч қачон ерни хароб қилувчи тўфон юз бермайди”. Худо тагин деди: “Менинг сизлар билан ҳамма сизлардаги тирик жон билан қилаётган, насл-наслга абадий ўтадиган аҳдимнинг аломати шу: Ўзим билан ер орасидаги аҳдимнинг аломати сифатида Мен булутларда ёйимни пайдо қиламан”.

ҲУКМ – СОДЎМ ВА ГОМЎРАНИНГ ВАЙРОН ЭТИЛИШИ

Ибтидо 18:17–19

Содўм ва Гомўранинг вайрон этилишидан аввал, бу ҳодисанинг содир бўлишининг муҳим қисми бўлган бир неча воқеалар содир бўлди. Худо Иброҳимнинг олдида ташриф буюрди.

Худо Иброҳим билан суҳбатлашди

Ибтидо 18:17,18 Шу орада Раббий деди: “Мен қиладиган ишимни Иброҳимдан яширмайман. Иброҳимдан-қу улуғ ва кучли халқ келиб чиқади. Бутун ер юзидаги халқлар ундан барака топадилар”.

Худо Иброҳимга нималар содир бўлишини оча бошлаганидан, У Иброҳимга ўз мавқеини эслатди – ердаги барча халқлар унда дуо қилинишлари керак эди. Раббий давом этди:

Ибтидо 18:20, 21 Раббий яна деди: “Садўм ва Ғамўра устидан оху воҳлар кўп бўлган, уларнинг гуноҳлари жуда оғир бўлган. Энди Мен пастга тушай, қулоғимга етиб келган оҳ-фиғонлар ростмикин, улар эшитганимча разилликка борганмикин, бир кўрайин. Рост бўлмаса уни ҳам билайин”.

Нима сабабдан Худо, нима қилмоқчи эканлигини Иброҳимга айтди?

Иброҳим халқлар учун дуо бўлиш мавқеига кириши ва шаҳарлардаги ҳақ инсонларни ҳимояси учун шафоат қилиши учун.

Худо Иброҳим билан аҳд орқали боғланган эди, шу сабабли, Ўзининг халқларни ҳалок қилиш ҳақидаги ўйларини Иброҳимга айтиши лозим эди.

Лут тўғрисидаги хато фикрлар

Кўпчилик Лутни айблашга шошилади. Нима сабабдан у шу қадар ёвуз бўлган шаҳарларда яшарди? Кўпчилик Лутни фақат Иброҳимнинг жияни бўлганлиги учун қутқарилди деб ҳисоблашади. Аммо хаворий Петъор Содўм ва Ғомўранинг вайрон этилиши ва Лут тўғрисида жуда қизик нарсаларни ёзган.

2 Петъор 2:6-8 Агар келажакдаги бетавфиқларга намуна кўрсатиш учун Садўм ва Ғамўра шаҳарларини қирғинга маҳкум этиб, қулга айлантирган бўлса, бузуқликка қаттиқ берилган бетавфиқларнинг орасида юришдан азоб чеккан ҳақ Лутни халос қилган бўлса, – (чунки бу ҳақ одам уларнинг орасида яшаб, қонунсиз ишларни кўриб ва эшитиб ҳар куни ўзининг ҳақ жонини қийнар эди).

Ёдингизга олинг, Худо Иброҳимга сўзлаганида, гуноҳлари жуда улкан бўлганлиги сабабли бу шаҳарларга қарши кўтарилаётган буюк дод-фарёд тўғрисида сўзлади. Фарёд қилаётган ким эди?

Ҳизқиё – Ҳизқиё китобининг 9:1, 2да *шаҳарни жазоловчилар* ҳақида сўзлайди. Дониэл эса Дониэл 4:13 ва 17 оятларда “назоратчилар” ҳақида сўзлайди. Балки Содўм ва Ғомўра учун жавоблар фаришталар дод-фарёд қилгандирлар. Фарёд қилганлар балки шаҳарга кириб Лут ва унинг оила аъзоларини олиб чиқмоқчи бўлган фаришталар ҳам бўлишлари мумкин.

Ҳар ҳолда, Петъор бизга, Лутнинг бу қонунбузарликларни кўриб ва эшитиб, кундан кунга қийналган ҳақ одам бўлганлигини ёзган.

Фаришталар шаҳарга кирганларида Лут уларнинг яхши эканликларини билди ва уларни ҳимоя қилиш учун уйига киришларини сўради.

Ибтидо 19:2 “Жанобларим, бандангизнинг уйига кириб кечани ўтказинглар, оёқларингизни ювинглар. Зрта билан туриб, яна ўз йўлингизга кетасизлар”, – деди. Улар эса: “Йўқ, биз кўчада тунаймиз”, – дедилар.

Ибтидо 19:4 Улар ҳали ётмаган эдилар, Садўм шаҳрининг барча аҳолиси, ёшлардан тортиб кексаларгача – шаҳарнинг ҳамма одамлари йироқ–яқиндан келишиб, уйнинг атрофини ўраб олдилар.

Худо – ёшдан қаригача, шаҳарнинг ҳамма одами уйни қуршаб олганини аниқ кўрсатяпти. Бутун шаҳар гомосексуализм гуноҳига берилган эди.

Ибтидо 19:8 Мана, менинг эрга тегмаган икки қизим бор. Яхшиси мен уларни олдингизга чиқарай, улар билан ўзингиз маъқул кўрганингизни қилинглар. Фақат, бу одамларга қўл тегизманглар, улар менинг томим остида манзил топишган, ахир – деди.

Лут уларнинг ўрниларига иккита қизини қурбон қилди. Бизлар нима учун унинг бу ишлари ёзилганини билмаймиз. Балки Лутнинг бу одамлар нақадар зулмкор эканларини билгани учундир, ва у буни ўз қурбонлиги билан синагандир, бу қурбонликни инкор қилишларига эса ишончи комил бўлгандир.

Уларнинг жавоби жуда қизик:

Ибтидо 19:9 Аммо одамлар бир оғиздан: “Йўлни бўшат! Мана бир киши бегона жойдан истиқомат қилишга келди-ю, охирида қозиликка ҳам интилади! Энди улардан кўра сенга кўпроқ ёмонлик қиламиз”, – деб Лутни кўп сиқдилар. Эшикни синдириб ташлаш учун ҳамла қилдилар.

Улар Лутнинг ўрнини билдилар. *Ҳакамлик қилмоқчи...* Худо Содўм ва Гомўрани вайрон қилишидан аввал ўша жойда Унинг гувоҳи бор эди. Бу гувоҳ инкор этилди, азобланди ва камситилди.

Хукм вақтидаги ҳимоя

Ибтидо 19:15, 16 Тонг отганда, фаришталар Лутни қистаб: “Бу шаҳарнинг гуноҳи туфайли ҳалок бўлмаслигинг учун энди ўрнингдан тур, ўзинг билан хотинингни ва икки қизингни олиб кет”, – дедилар. Лут эса сусткашлик қилса ҳам, Худованд уни аяди. Фаришталар уни, хотини ва иккита қизини қўлидан ушлаб, шаҳарнинг ташқарисига чиқариб қўйдилар.

Нима сабабдан Лут ва унинг оила аъзолари: хотини ва қизлари шаҳар ташқарисига олиб чиқилди? Чунки Лут ҳақ одам эди, шунингдек, улар учун Иброҳим шафоат қилган эди.

Ибтидо 19:29 Лут истиқомат қилган ува шаҳарларини Худо ер билан яксон қилганида, У Иброҳимнинг ҳақи учун талаф бўлаётганлар орасидан Лутни халос қилган эди.

Худо Иброҳимга содир бўлиши лозим бўлган воқеаларни айтди ва Иброҳим Лут учун шафоат қилди.

Бугунги кунларда ҳам, бизнинг Худонинг овозини эшитиб, бошқалар учун Худонинг олдида шафоат қилишимиз катта аҳамиятга эга.

Шаҳарлар вайрон қилинди

Ибтидо 19:24, 26 Худованд Садўм билан Гамўра устига осмондан, Ўз ҳузурилан оловли олтингугурт ёғдирди. Бу шаҳарларни ҳамда уларда яшовчиларнинг ҳаммасини, бутун ува ва унинг ўсимликларини ҳам ер билан яксон қилиб ташлади. Лутнинг хотини эса орқасига қараб, туз тирагига айланиб қолди.

Бу шаҳарларнинг тўлиқ вайрон этилишида ҳам, Худонинг вайрон қилишдан бошқа мақсади бор эди. Бу Худосиз ҳаёт кечираётганларга Худонинг ҳукмининг намунаси эди.

2 Петъор 2:6 ...агар келажакдаги бетавфикларга намуна кўрсатиш учун Садўм ва Гомўра шаҳарларини қирғинга маҳкум этиб, кулга айлантирган бўлса,...

Исо эслатган воқеа

Исодан Худо Подшоҳлиги қачон келишини сўрашганида, У Садўм ва Гомўра даврига эътиборни қаратди.

Луко 17:28-30 Лут кунларида ҳам шундай бўлди: ейишди, ичишди, сотиб-олишди, экишди ва бинолар қуришди. Лекин Лут Садўм шаҳридан чиққан кунда осмондан олов ва олтингугурт ёғилиб, хаммани ҳалок қилди. Инсон Ўғли зоҳир бўладиган кунда ҳам шундай бўлади.

КЕЛАЁТГАН ҲУКМ

Худо Ўз ҳукмини юборишдан аввал, У доим одамларни огоҳлантиради. Нух юз йилдан ортиқ вақтда кема қурди. У буюк тошқин келиб, бутун ер юзини вайрон қилишини айтганида одамлар унинг устидан кулар эдилар. Ҳатто ҳайвонлар мўъжизавий равишда бутун ер юзини босиб ўтиб йиғилганларини кўрганда ҳам одамлар ишонмадилар.

Лут ёвуз Содўм ва Гомўра шаҳарларида яшар эди, одамлар унинг устидан кулишар эди. Бу шаҳарларнинг сўнгги кечасида, у кизларининг уйларига борганида ҳатто унинг куёвлари ҳам унинг устидан кулишди ва у ҳазиллашяпти деб ўйлашди.

Яна бир бора, Нух давридаги ва Лут давридаги ёвузликлар бизнинг еримизда гуллаб яшнаяпти. Бизлар ўз замондошларимиз учун гувоҳлармиз. Биз уларни Худонинг келаётган ҳукми ҳақида огоҳлантириш учун даъват этилганмиз.

Ҳизқиё 3:18 Қачон Мен қонунсизга: “Ўлим билан ўласан!”-десам ва Сен уни тўғирламасанг ва у тирик бўлиши учун қонунсизни унинг қонунсиз йўлидан огоҳ этиш учун унга айтмасанг: унда ўша қонунсиз ўзининг қонунсизлигида ўлади, ва Мен унинг қонини сендан талаб қиламан.

Ҳатто ҳукм кунларида ҳам, Худо Нух ва Лутни қандай асраб қолган бўлса, бизларни ҳам шундай асрайди. Бизлар пайғамбар Ҳабаккук билан шундай дейишимиз мумкин:

Ҳабаккук 3:17-19 Ҳатто анжир гулламаса ҳам ва узум новдаларида ҳосил бўлмаса ва зайтун ўзгарса ва майдон озуқа бермаса, ҳатто кўтанда қўйлар ва подада ҳўкизлар қолмаса ҳам, ўшанда ҳам Мен Раббий учун хурсанд бўламан ва нажотим Худоси учун қувонаман. Раббий Худо – менинг кучимдир: У менинг оёқларимни кийикникидек қилади ва мени чўққиларимга олиб чиқади!

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Шу дарсга биноан мўъжиза нима?
2. Худонинг одамзодни яратишидан мақсади нима эди?
3. Муаллифлар тошқин вақтида Нуҳ ва унинг оиласидан ташқари бутун инсониятнинг ҳалок этилишининг сабаби нимада дедилар?

Тўққизинчи дарс

Таъминлаш мўъжизалари

Худонинг мўъжизалари – бутун дунёни, миллатни, маълум шароитни, оилани ва одамни қамраб олиши мумкин. Улар ғайритабiiй бўлиши ёки қарийб оддий бўлиши мумкин. Кўрганимиздек, улар Худонинг ҳукмини келтириши мумкин, лекин улар таъминлаш учун ҳам хизмат қилиши мумкин.

Худонинг таъминлаш мўъжизаларини қабул қилишимиз учун, бизлар икки ишни қилишимиз керак: Биз бу ҳақда Худодан эшитишимиз керак; Худо айтган сўзи асосида имон билан ҳаракат қилишимиз керак.

ИСРОИЛ ФАРЗАНДЛАРИ САҲРОДА

Худонинг Ўз халқини мўъжизавий таъминлашига – Исроил фарзандларининг саҳрода юрганларидаги таъминотидан яхшироқ мисол йўқ. Бу саёҳатда миллиондан ортиқ одам бор эди. Сонлар китобидан Левий қабиласидан, аёл ва болалардан ташқари 603,550 одам бўлганини билиб олишимиз мумкин.

Сонлар 1:46, 47 Шунингдек, ҳисобга кирганларнинг барчасининг сони олти юз уч минг беш юз элликта эди. Левитлар эса оталарининг авлодлари бўйича уларнинг ораларида ҳисобланмаган эдилар.

Ғайритабiiй етаклаш

Исроил фарзандлари Мисрдан чиқиб ўз сафарларини бошлаганларида, Худо уларнинг олдидан тунда оловли устун ичида, кундузи булутли устун ичида борди.

Чиқиш 13:21, 22 Раббий кундузи улар олдида булутли устунда йўл кўрсатиб борар эди, кечаси эса оловли устунда, улар кундузи ҳам, кечаси ҳам юришлари учун нур таратар эди. Кундузи булутли устун ва кечаси оловли устун халқнинг юзидан айрилмасди.

Бу нақадар ажойиб бўлганини тасаввур қилинг. Тунда юрганларида, қаерга бораётганларини кўриб турардилар. Чодир қураётганларида овқатларини тайёрлаш учун кўра олардилар. Саҳро тунлари жуда совук бўлиши мумкин эди, уларнинг эса исинтирувчилари бор эди.

Кун давомида саҳро куёши чидаб бўлмас даражада қиздирганида, улар булут салқинлиги остида эдилар. Бу даврни Довуд қуйидагича таърифлаган:

Сано 104:39 Булутни уларга қоплам қилиб берди, ва тунлари ёритиш учун олов берди.

Булут бир вақтнинг ўзида ҳам устун, ҳам қоплам сифатида тасвирлангани учун, бизлар суратларда кўрган улкан портлашга ўхшаган – кўзиқорин шаклида бўлиши мумкин.

Ғайритабий ҳимоя

> Булут чегараси

Мисрликлар фикрларини ўзгартириб, уларнинг орқасидан қувишганда, Исроилликлар икки томондан ўраб олган тоғлар ва олдиларидаги Қизил денгиз ўртасида қопқонга тушгандай туюлар эди. Улар булутга қараб, Худо уларни жойлаштирган жойда ва Унинг ҳимояси остида эканликларини билиш ўрнига қўрқдилар ва Мусога қарши исён кўтариб кичкира бошладилар.

Чиқиш 14:13, 14 Лекин Мусо халққа деди: “Қўркманглар, тўхтанглар ва Раббийнинг сизларга энди қиладиган нажотини кўрасизлар: зеро, сизлар ҳозир кўраётган мисрликларни бошқа абадий кўрмайсизлар. Раббий сизлар учун курашади, сизлар эса тинчланинглар”.

Худо нима қилди? У булутни шундай жойлаштирдик у Исроилликлар ва Мисрликлар орасида бўлди. Булутнинг бир томони Исроил фарзандлари учун ёруғлик эди, иккинчи томони эса Мисрликлар учун зулмат эди. Кейин Худо денгизни иккига бўлди ва Унинг халқи нариги қирғоққа қуруқликдан ўтдилар.

Чиқиш 14:19, 20 Исроил қўшинлари олдидан бораётган Худонинг фариштаси, қўзғалиб уларнинг ортидан борди; Уларнинг қаршисидаги булутли устун ҳам қўзғалиб, уларнинг ортига турди; Шунда мисрликлар қўшини ва Исроил қўшини орасига кирди, ва бирлари учун булут ва зулмат бўлди, бошқаси учун эса тунни ёритар эди, ва бутун кеча улар бир-бирларига яқинлашмадилар.

> Денгизнинг бўлиниши

Чиқиш 14:21, 22 Мусо қўлини денгизга узатди, ва Раббий денгизни тун бўйи кучли шарқий шамол билан ҳайдади ва денгизни қуруқликка айлантирди ва сувлар чекинди. Шунда Исроил ўғиллари денгиз ўртасидан, қуруқликдан ўтишди; Сувлар эса уларга ўнг ва чап томондан девор бўлишди.

Худо Ўз халқини Мисрликлардан қочиш кутулишларига имкон яратиш билан чегараланиб қолмади. Балки, Мисрликлар бошқа Исроил фарзандларини таъқиб қилишни давом эттирмасликлари учун – Мисрликлар устига ҳукм келишига изн берди.

Чиқиш 14:23, 24 Мисрликлар қувишди, ва уларнинг ортидан фиръавнинг барча отлари, от-аравалари ва отлиқлари денгиз ўртасига киришди. Тонг вақтида Раббий оловли ва булутли устундан мисрликлар қўшинига қаради ва мисрликлар қўшинини чалкаштириб юборди.

> Ушлаб туриш тактикаси

Мисрликлар денгиз ўртасида бўлганларида, Худо уларнинг араваларидаги ғилдирақларини чиқартириб юборди. Шу билан уларни ушлаб турди.

25-28 Шунда уларнинг араваларидан ғилдирикларини чиқарди, шунинг учун улар араваларни қийинчилик билан тортиб боришар эди. Мисрликлар дедилар: “Исроилликлардан қочайлик, чунки Раббий улар учун мисрликларга қарши курашяпти”. Раббий эса

Мусога деди: “Кўлингни денгизга узатгин ва сувлар мисрликларнинг уларнинг от-араваларининг ва отликларининг устига борсин”. Шунда Мусо кўлини денгизга узатди ва тонгда сув ўз ўрнига қайтди; Мисрликлар эса сув томон чопардилар. Раббий шу йўсинда Мисрликларни денгиз ўртасида чўктириб юборди. Шунда сув ўрнига қайтди ва от-араваларни ҳамда уларнинг ортидан кирган фиръавннинг жангчиларининг барча отликларини қоплади.

Кўпинча мўъжизанинг икки томони бўлади. Худога тегишлилар учун бу химоя; Худога қарши ёки Унинг халқига қарши чиқаётганлар учун эса бу маҳкумлиқдир.

> Худо кудратининг кўрсаткичи

Бу мўъжиза – бутун Эски Аҳд бўйлаб тилга олинган Худо кудратининг кўрсаткичи эди.

2 Шоҳлар 17:36 Фақат буюк кудрати ва ажойиботлари билан сизларни Мисрдан олиб чиққан Мен Эгангизга сажда қилинглар. Менга таъзим қилиб, қурбонлик келтиринглар.

Ғайритабиий Соғлиқ

Яхова – Ўзини намоён қиладиган Худо демақдир. Исроилликлар Қизил денгиздан ўтганларидан сўнг тезда Худо Ўзини Яхова –Раффа сифатида намоён қилди.

Чиқиш 15:25-26 Ўша ерда Худо халққа амр ва қонун берди ва уни ўша ерда синар эди. Яна деди: “Агар сен Раббий Худонингнинг овозига итоат қилсанг ва Унинг кўзи олдида маъқул ишлар қилсанг, Унинг амрларига диққат қилсанг ва унинг барча амрларига риоя қилсанг; Мен мисрга юборган касалликларнинг бирортасини сенга юбормайман; зеро Мен сени шифоловчи Раббийингман”.

Қонуннинг такрорланиши китобида – ҳатто саҳрода юрганларида ҳам уларнинг оёқлари шишмаганини ўқиймиз.

Қонуннинг такрорланиши 8:4 Мана қирқ йилдирки, устингдаги кийиминг эскирмас эди, ва оёгинг шишмас эди.

Кейинчалик, Довуд – ...уларнинг ораларида бирорта тиззасида оғриқ бўлган одам бўлмаганини ёзган.

Санолар 104:37Исроилликларни олтин ва қумуш Билан олиб чиқди ва уларнинг орасида тиззаси оғрийдиган йўқ эди.

Ғайритабиий озиқ

> Манна ва бедана

Худо сайёҳларни ғайритабиий равишда озиқ билан таъминлади.

Чиқиш 16:12-15 ... уларга айт: “Кечқурун гўшт ейсизлар, эрталаб эса нон билан тўясизлар ва Мен Раббий сизларнинг Худонингиз эканлигимни биласизлар”. Шунда Исроил Ўғиллари кўришди ва бир-бирларига айтардилар: “Бу нима?” Зеро бу нималигини билмасдилар. Шунда Мусо уларга деди: “Бу Раббий сизларга озиқа учун берган нондир”.

Бу ғайритабиий озиқ таъминоти қирқ йил давом этди.

Чиқиш 16:35 Исроил ўғиллари ваъда қилинган ерга келгунларича маннани қирқ йил ейшди; Канъон ери чегараларига келгунларича манна ейишди.

Ғайритабиий сув

Худо ғайритабиий равишда сув билан таъминлади. Биринчи марта бу Меррада содир бўлди. Мерранинг суви аччиқ эди ва Худо Мусога маълум бир дарахтни ташлашни буюрди.

Чиқиш 15:25 Мусо Раббийга фарёд қилди ва Раббий унга дарахтни кўрсатди ва у уни сувга ташлади ва сув ширин бўлди.

Бошқа дафъа Худо сув билан Рифидимда таъминлади. Бу дафъа Худо Мусога қояни уришни буюрди.

Чиқиш 17:6 Мана, Мен сенинг олдинда Хоривда қоя устида тураман; ва сен қояни урасан ва ундан сув чиқади ва халқ ичади. Мусо Исроил оқсоқолларининг кўзи олдида шундай қилди.

Исроил фарзандлари қирқ йил мобайнида саҳрода сувга эга эдилар. Баъзан бу шифоланган сув бўлар эди, баъзан қоянинг суви, баъзан улар қазиган қудуқнинг суви бўлар эди.

Хаворий Повул бу вақтларга умумий хулоса беради. Уларга ҳамроҳ бўлган рухий ичимлик тўғрисида у шундай дейди:

1 Коринфликларга 10:1-4 Биродарларим, сизлар бу ҳақида билимсиз қолишингизни хохламайман: оталаримизнинг ҳаммаси булут остида бўлган эдилар ва денгизнинг ўртасидан ўтган эдилар. Уларнинг ҳаммаси булутда ҳам, денгизда ҳам Мусога чўмган эдилар. Ҳаммаси бир хил рухий ичимликни ичишди, чунки улар келажакда келаётган рухий Қоятошдан ичдилар. Қоятош эса Масих эди.

Мўъжизавий кийимлар

Исроил халқи саҳрода жанда кийимларда жанг қилиб юрган ярим–оч одамлар гуруҳи эмас эди. Улар Мисрни у ернинг бойликлари билан тарк этишди.

Худо Мусога биринчи марта сўзлаганида, Унинг халқи бўш қўл билан кетмаслигини ваъда берди. Библия:

“Улар ерни талаб кетдилар,”–дейди. Бу –улар ғолиб сифатида ўлжаларни олиб кетдилар деган маънони билдиради.

Чиқиш 3:21, 22 Мисрликлар кўзи олдида ушбу халқга шафқат бераман; ва кетаётганингизда, бўш қўллар билан кетмайсиз. Ҳар бир аёл ўзининг қўшнисидан ва уйда яшаётганларидан қумуш нарсаларни ва олтин нарсаларни, кийимларни сўрайди; ва сиз ўғилларингизни ҳам, қизларингизни ҳам шулар билан кийинтирасизлар ва мисрликларни шип-шийдон қиласизлар.

Худо уларга кийим–кечакларини нима қилишларини буюрди? У кийимларни ўғил ва қизларига кийдиришларини буюрди. Саҳрода ғайритабиий равишда йиртилмаган бу кийимлар – кулликнинг жанда кийими эмас, Мисрнинг бой–башанг кийимлари эди.

Қонуннинг такрорланиши 8:4 Мана қирқ йилдирки, устингдаги кийимнинг эскирмас эди, ва оёғинг шишмас эди.

Исроил фарзандлари нафақат Мисрнинг ўлжаларини, балки пода ва ўтарларини ҳам олиб кетишди.

Яққол аломат

Миллиондан ортиқ киши қирқ йил мобайнида сахро кезаркан, у ерда Худонинг дуои– баракатининг кўплаб аломатлари бўларди. Булут ва олов устунни, манна ва беданалар–бу аломатларнинг айрим мисолларидир. Бизлар тушунишимиз керак бўлган энг муҳим нарса Худо Ўз халқи ҳақида ҳамхўрлик қила олиши ҳамда ғамхўрлик қилишидир.

Оғир кунларимизда Худонинг ўзгармаганини эслашимиз керак. Бирор нарсага эҳтиёж бўлганида, Худонинг Ўз халқи учун –агар улар бунга ишонсалар ғайритабиий таъминоти бор.

ИЛЁС ОРҚАЛИ СОДИР БЎЛГАН МЎЪЖИЗАЛАР

Мўъжизалар – бутун Библия бўйлаб давом этади. Биринчи Шоҳликлар китобида, бизларга Илёснинг мўъжизалари берилган. Бизлар улардан бир нечтасинигина кўриб чиқамиз.

Қарғалар томонидан озиқлантирилди

Илёс Худонинг ўз халқи устидаги ҳукмини айтди ва курғоқчиликни башорат қилди. Кейин Худо уни Хариф булоғига етаклади, у ерда уни қарғалар ғайритабиий равишда озиқлантирди.

1 Шоҳлар 17:1-4, 6 Гиладнинг Тишба шаҳрида бўлган Илёс Ахабага деди: “Мен хизмат қилаётган Исроил халқининг Худоси - Эгамиз шоҳид! Мен айтмагунимча, шу йилларда на шудринг тушади, на ёмғир ёғади”. Илёсга Эгамиз шу сўзларни аён қилди: “Бу ердан кет, шарқ томонга бор. Иордан дарёси шарқидаги Харит жилғаси ёнида беркиниб ол. Сен ўша жилғанинг сувидан ичасан, қарғаларга амр бердим: улар сени боқишади. Қарғалар унга эрталаб ҳам, кечкурун ҳам нон ва гўшт олиб келишар, ўзи эса жилғанинг сувидан ичар эди”.

Ёғ ва ун билан содир бўлган мўъжиза

Булоқ қуриганида, Худо Илёсни Сарепталик беванинг олдига юборди. У аёлдан ўзи учун сув ва овқат тайёрлаб беришини сўраб, Раббий номидан куйидаги ваъдани берди:

1 Шоҳлар 17:14 Бинобарин, Исроил халқининг Худоси - Эгамиз шундай айтмоқда: “Мен ер узра ёмғир ёғдаргунимга қадар, хумдаги ун тамом бўлмас, хурмачадаги ёғ ҳам тугамас”.

Курғоқчилик уч йил ва олти ой давом этди ва Худонинг Илёс, бева ва унинг ўғли учун ғайритабиий таъминоти ҳам давом этди. Ҳатто шу вақтда беванинг ўғли дунёдан кўз юмганида, Худо уни ҳаётга қайтарди.

Ёқуб 5:17 Илёс бизга ўхшаган бир инсон эди. Ёмғир ёғмаслиги учун у кизгин ибодат қилди ва ер юзига уч йилу олти ой ёмғир ёғмади.

Ҳаворий Ёкуб Илёсни бизларга ўхшаш одам бўлганини айтган. Бизлар учун Илёснинг бизлардек оддий одам бўлганини ва бизлар қилишимиз керак бўлганидек ғайритабиий ишлар қилганини билиш нақадар руҳлантирарли!

Мўъжизавий қурбонлик

Илёс уч йил, олти ой давомида яшириниб юрди. Ахав уни топиш ва ўлдириш учун ҳамма жойни қидирар эди. Бу вақт мобайнида Ахав Раббийнинг кўп пайғамбарларини ўлдирган эди, аммо Худо барибир Илёсни Ахавнинг олдига юборди.

1 Шоҳлар 18:17-20 Ахаб Илёсни кўрди-ю: “Исроилга бало келтирадиган сенмисан ҳали?!” деб дўқ урди. “Исроилга бало келтирадиган мен эмас”, – дея жавоб берди Илёс. “Аксинча, сен ва отангнинг хонадони Эгамизнинг амрларидан юз ўгирдингизлар, худо Баалга сажда қилиб, Исроилга бало келтирдингизлар. Энди бирортага буюр: бутун Исроил халқини, Баалнинг Изабел дастурхонидан таом ейдиган 450та пайғамбарини, худо Ашеранинг 400та пайғамбарини менга Кармил тоғи ёнига тўплаб берсин”. Ахаб жамики Исроил халқини, пайғамбарларни Кармил тоғи ёнига тўплади.

> 850 киши 1 кишига қарши

Кармил тоғи – шимолий Исроил текисликларидаги кичкина тоғдир. Унинг атрофида турган одамлар, тоғнинг текис тепасида нима содир бўлаётганини кўришлари мумкин эди. Библиянинг бу воқеани таърифлаши шу қадар ажойиб! (1Шоҳликлар 18 бобга қаранг) Сохта руҳонийлар эрталабдан ўз қурбонликларини тайёрлаб, қурбонликларини олов юбориб ютиб юбориши учун ўз худоларини чақира бошладилар. Куннинг иккинчи ярмида ҳам улар хануз ақлсизларча ўзларига пичоқ санчиб, худоларига жавоб беришини ўтиниб сўрардилар. 850та руҳоний шундай қилаётганида, битта одам Илёс чеккада уларни мазах қилиб турар эди.

Кечки вақтда, Илёс ўзининг қурбонлигини тайёрлади, ва одамлар унинг устидан 3 марта сув қуйишди. Сув шу қадар кўп эдики, у қурбонликдан оқиб чиқиб, қурбонгоҳнинг атрофидаги чуқурликни тўлдирди. Сўнгра Илёс қисқагина ибодат қилди.

1 Шоҳлар 18:36, 37 Кечки қурбонлик пайти бўлганда, пайғамбар Илёс қурбонгоҳга яқин келиб, хитоб қилди: “Эй, Иброҳимнинг, Исҳоқнинг ва Исроилнинг Худоси - Эгамиз! Бугун Сенинг исроилда Худо эканлигинг, Мен эса Сенинг қулинг эканлигим аён бўлсин. Буларнинг ҳаммасини сенинг амрингга биноан бажо қилганим аён бўлсин. Менга жавоб бер: мана бу халқ Сенинг Худо эканингни, уларнинг дилини Сен Ўзингга мойил қилувчи эканингни билсин”.

> Раббимиз– Худодир!

Нима содир бўлди? Раббийнинг олови тушиб қурбонликни, ўтинни, қурбонгоҳнинг тошларини ва сувни ютиб юборди. Исроил халқи буни кўриб тиз чўкди ва Худога сажда қилди.

1 Шоҳлар 18:38, 39 Ўша захоти Эгамиз олов юборди. Олов қуйдиришга аталган қурбонликни, ўтинларни, тошларни ва тупроқни ямламай ютиб юборди. Хандакдаги сувни ҳам олов тортиб кетди. Бу

ходисани кузатиб турган халқ юз тубан мук тушиб: “Эгамиз - Худодир, Эгамиз - Худодир”, -деди.

Нақадар ажабтовур мўъжизалар тўплами. Авваломбор, Худо Илёс орқали курғокчиликни эълон қилди. Сўнгра уни уч йил мобайнида курғокчилик вақтида ҳимоя қилди. Кейин, У Ўзини олов юбориш йўли билан мўъжизавий равишда намоён қилди.

Биринчи Шоҳлар китоби Илёс қилган мўъжизалар билан тўла.

ЭЛИШАЙ ОРҚАЛИ СОДИР БЎЛГАН МЎЪЖИЗАЛАР

Элишай Илёснинг шогирди эди ва Илёс ерни тарк этадиган пайтида, ўзига Илёсда бўлган кучдан икки баробар кўпроқ бўлишини сўради. Мўъжизалар Элишай орқали камаймаган ҳолда давом этарди, улар у сўраганидек Илёснинг мўъжизаларига нисбатан икки баробар кўп эди.

Илёс Иордан дарёсини иккига бўлди, Элишай ҳам Иорданни иккига бўлди. Илёс мой ва унни кўпайтирган эди, Элишай ҳам мойни мўъжизавий равишда кўпайтирди.

Беванинг мойининг кўпайиши

2 Шоҳлар 4:1-7 Илгари пайғамбарлар гуруҳида бир пайғамбар бўлар эди. Ўша пайғамбарнинг беваси Элишайнинг олдига келиб фарёд қилди: “Сизга хизмат қилиб юрган менинг эрим вафот қилди. Ўзингиз биласиз, у Эгамиздан кўрқарди. Бир одам олдин қарз берган эди. Энди у иккала ўғлимни ўзига қул қилиб олиб кетгани келди”. Шунда Элишай: “Айт-чи, сен учун мен нима қилай? Уйингда нима бор?” - деди. “Бу чўрингизнинг уйида зайтун мойи солинган хумчадан бошқа ҳеч вақо йўқ”, - деди аёл. “Бор, атрофингдаги ҳамма қўшнилариңдан бўш идишларини сўраб ол”, - деди Элишай. “Иложи борича кўпроқ сўраб ол. Борганиңдан кейин ўғилларинг билан бирга уйга кириб, эшикни ёпиб қўй. Сўнг ҳамма идишга зайтун мойи қуй, тўлган идишларни нари суриб қўявер”. Аёл Элишайнинг олдидан кетгач, ўғиллари билан бирга уйга кириб, эшикни беркитди. Ўғиллари билан бирга уйга кириб, эшикни беркитди. Ўғиллари идишларни узатиб туришди, аёл эса қўяверди. Ҳамма идишлар тўлгандан кейин, аёл ўғлига: “Яна идиш узат”, - деди. “Бошқа идиш йўқ”, - деди ўғли. Шундан сўнг мой оқмай қолди. Аёл пайғамбар ҳузурига келиб, бўлган воқеани айтиб берди. “Бор, мойни сотиб қарзингни тўла”, - деди Элишай. “Ортиб қолган ёғни ишлатиб, ўғилларинг билан кун кечир”.

Бу таъминот мўъжизасида, аёл нимани олишга имонга эга бўлган бўлса, аниқ шуни олди. Аёлга қўшнилариңдан мумкин қадар мой идишларини келтириш ва бу идишлар мой билан тўлдирилиши айтилган эди. У имон билан олиб келган идишлар миқдорига яраша мойга эга бўлди.

Иккинчи Шоҳликлар китоби Элишай даврида содир бўлган мўъжизалар билан тўла.

ҒАЙРИТАБИЙ ШИФОЛАНИШ МЎЪЖИЗАЛАРИ

Бутун Эски Ахд бўйлаб давомий равишда шифоланишлар мўъжизалари кайд этилган.

Мариамнинг мохов касаллиги

Мариам Ҳоруннинг синглиси ва Мусонинг опаси эди. У Исроил фарзандларининг бошқарувчиларидан бири эди. У уларни Худо Исроил халқини Қизил денгиздан олиб ўтгани ва душмонларини халок қилгани учун ҳамду–санога бошқарган эди. Лекин Мариам ва Ҳорун уларга ёмонлаш руҳи киришига йўл қўйиб, икки жихатдан Мусога қарши сўзладилар. Бир жихати унинг Эфиопиялик аёлга уйланиши, иккинчи жихати эса Мусонинг Исроил фарзандларини бошқариши соҳасида эди.

Библия унга мохов касаллиги гуноҳининг жазоси сифатида келганини аниқ кўрсатади.

Сонлар 12:1, 2 Шунда Мариам ва Ҳорун, Мусони у олган Эфиопиялик хотини учун таъна қилишарди; зеро у ўзига Эфиопияликни олган эди; Улар дедилар: “Раббий фақат Мусога сўзлаган эдими? У бизларга ҳам сўзлаган эмасми?” Раббий буни эшитди.

Сонлар 12:9, 10 Уларга қарши Раббийнинг ғазаби ёнди ва У кетди. Шунда булут скиниядан узоқлашди ва, мана, Мариам мохов билан қордек қопланди. Ҳорун Мариамга қаради, ва, мана, у мохов эди.

Мариам ва Ҳорун моховни кўрганларида нима қилишди? Ҳорун шу лаҳзада гуноҳларига иқрор бўлди ва Мариамнинг шифо топишини сўради.

Сонлар 12:11-14 Шунда Ҳорун Мусога деди: “Хўжайин!” Бизлар ахлоқлик қилиб, гуноҳ қилганимиз учун бизда гуноҳни қўйма, у онасининг қорнидан чиққанида танасининг ярми аллақачон чириган, ўлик туғилган чақалоқдек бўлишига йўл қўйма. Шунда Мусо Раббийга фарёд қилиб деди: “Художон, уни шифолагин!” Шунда Раббий Мусога деди: “Агар унинг отаси унинг юзига тупурганида, у етти кун уялиши керак эмасмиди? Шундай қилиб у қўшиндан ташқарида етти кун қамоқда бўлсин, сўнг эса яна қайтсин”.

Нўмоннинг моховлиги

Нўмоннинг моховдан соғайиши Эски Ахддаги энг қизиқ мўъжизалардан биридир. Нима сабабдан Илёс Нўмонни кўришдан бош тортди ва унга ўз хизматкори орқали Иордан дарёсига етти марта шўнғишини буюрди?

Бизлар Нўмоннинг буюк, қудратли, ҳурматга сазовор саркарда бўлганини биламиз. У Сирия қўшинининг лашкарбошиси эди ва у туфайли Худо Сирия қўшинига ғалаба берган эди.

2 Шоҳлар 5:1 Орам шохининг Нўмон деган лашкарбошиси бор эди. Хўжайини уни жуда улуғлар ва ҳурмат қилар эди, чунки Эгамиз Нўмон орқали Орамга ғалаба ато қиларди. Нўмон жуда довиюран жангчи эди-ю, лекин мохов касали бор эди.

Нўмоннинг хотинининг Исроиллик чўриси бор эди, ва у Исроилнинг пайғамбарини ва унинг буюк қудратини билар эди.

2 Шоҳлар 5:3 Қизча бир куни бекасига айтиб қолди: “Агар тўрам Самариядаги пайғамбар ҳузурига борганларида эди, ўша пайғамбар тўрамни мохов касалидан тузатган бўларди”.

Нўмон ўз шоҳининг ҳузурига бориб, исроил пайғамбарининг олдига боришга рухсат сўради. Аммо у Исроил подшоҳига Сирия подшоҳидан хат олиб келганида, Исроил подшоҳи уларни уруш учун баҳона излапти деб ўйлади. Ҳар ҳолда, Элишай Нўмон тўғрисида эшитиб, унинг ортидан одам юборди.

2 Шоҳлар 5:8-12 Исроил шоҳи ваҳимага тушиб либосларини йиртганини пайғамбар Элишай эшитгач, шоҳга хабарчи орқали шу гапни етказди: “Нега ваҳимага тушиб либосларингизни йиртдингиз? Ўша одам менинг олдимга келсин, Исроилда пайғамбар борлигини билиб қўйсин”. Нўмон отлари, жанг араваларини Элишайнинг уйн эшиги олига олиб келиб тўхтатди. Элишай Нўмоннинг олдига хизматкорини чиқариб, у орқали Нўмонга шу гапни етказди: “Бор, Иордан дарёсида етти марта ювин, шунда тананг янгилаиб, пок бўлади”. Нўмон эса дарғазаб бўлди: “Мен ўйлаган эдимки, пайғамбар албатта менинг олдимга чиқади, ўзининг Эгаси Худони чақириб илтижо қилади. Қўллари билан касал жойимни силаб, мени мохов касалидан фориг қилади. Дамашқдаги Абано ва Парфар дарёлари Исроилнинг ҳамма дарёларидан афзал эмасми?! Мен ўша дарёларда ювиниб, покланиб олаверар эдим-ку!” Нўмон жаҳл билан бурилиб кетди.

Нўмон ўзининг қандай шифо топишини тасаввур қилар эди. Бу унинг мартабасига тўғри келадиган манзара эди. Унинг ўз тасаввури бор эди, лекин Худо Элишайга нима қилиши ва нима дейиши кераклигини айтди.

13-14 оятлар Шунда хизматкорлари келиб: “Жаноби олийлари, агар пайғамбар сизга қийин нарсани айтганда, қилмасмидингиз? -дея гапиришди, -у сизга: “Ювингин, пок бўлиб қоласан”, -деди холос-ку. Ахийри, Нўмон пайғамбарнинг айтганини қилиб, Иордан сувида етти марта шўнғиди. Шунда танаси худди ёш боланинг танаси каби янгилаиб, пок бўлди.

Нўмон пайғамбарнинг олдига келиш учун етарли даражада ишончга эга бўлишига қарамасдан, у ўзининг мағрурлик муҳити билан келди. Биз биламиз–ки, у пайғамбарга тўлаш мақсадида бойлик билан келди.

2 Шоҳлар 5:5 Орам шоҳи Нўмонга: “Йўлга отланавер, мен Исроил шоҳига мактуб ёзиб бераман”, - деди. Нўмон йигирма бир пуд кумуш, тўрт пуд олтин, ўн сидра қимматбаҳо кийим-бош олиб, йўлга чикди.

Шифоланиши учун унинг итоаткор бўлиши ва ўзини бўйсундириши муҳим эди. Натижада у жисмонан тўлиқ шифо топди ва энг асосийси, Раббийни ўз Худоси сифатида қабул қилди.

2 Шоҳлар 5:17 Шунда Нўмон айтди: “Ундай бўлса, мен, қулингизга иккита хачир кўтара оладиган тупроқ олиб кетишга ижозат беринг. Мен, қулингиз бундан буён Эгамиздан бошқа худоларга ҳар хил қурбонликлару куйдириладиган қурбонликлар қилмайман”.

Подшоҳ Ҳизқиё

Ҳизқиё Яҳудиянинг подшоҳи бўлганида, Исроил халқи иккига бўлинди. Библия бизларга унинг ҳукмронлигини тасвиран қайдномасини беради:

2 Шоҳлар 18:5-7 Ҳизқиё Исроил халқининг Худоси - Эгамизга ишонарди. Ҳизқиёгача ҳам, ундан кейин ҳам Яҳудо шоҳлари орасида унга ўхшагани бўлмади. Ҳизқиё Эгамизга ниҳоятда содиқ бўлиб, Унинг йўлларида озмади. Эгамиз Мусога берган амрларни ижро этди. Эгамиз Ҳизқиё билан бўлди. Ҳизқиё нима иш қилмасин, Эгамиз уни баракали қилди. У Оссурия шоҳига итоат қилмай, унга қарши бош кўтарди.

Ўн тўрт йиллик ҳукмронлигидан сўнг у ўлар касалликка йўлиқди.

2 Шоҳлар 20:1 Ўша кунлари Ҳизқиё қаттиқ касал бўлиб қолди. Ишъаё пайғамбар унинг ҳузурига келиб шундай деди: “Эгамиз, тайёргарлигингни кўриб кўявер, тузалмайсан энди, ўласан”, - деб айтмоқда.

Ҳизқиё ўлаётганини эшитиб, Худога –нақадар яхши подшоҳ бўлганини ва Худонинг қаршисида ҳақиқатда ва қонунийликда яшаганини эслатди.

2 Шоҳлар 20:2, 3 Ҳизқиё юзини деворга буриб, Эгамизга ёлворди: “Эй, Эгам! Чин қалбимдан Сенга содиқ бўлиб, йўлларингдан юрганганимни ва олдингдан тўғри ишлар қилганимни эсла”. Шундай деб аччиқ - аччиқ йиғлади.

4-6 оятлар Ишаё шаҳардар чиқиб улгурмаган эдики, унга Раббийдан сўз келди: Қайтгин ва халқимнинг эгаси Ҳизқиёга айтгин: отанг Довуднинг Худоси Раббий шундай демоқда: Мен ибодатингни эшитдим, сенинг кўз ёшларингни кўрдим. Мана, Мен сени шифолайман; Учинчи куни Раббийнинг уйига борасан. Сенинг кунларингга ўн беш йил кўшаман, ва сени ҳамда мазкур шаҳарни Асур подшоҳининг қўлидан қутқараман, бу шаҳарни Ўзим ҳақим ва кулим Довуд ҳақи ҳимоя қиламан.

Ҳизқиё Худонинг Ишаё орқали айтган сўзларидан қоникмади, унга аломат керак эди. Кейин у янада қийинроқ аломатни истади. Худо Ҳизқиё ундан сўраган ҳамма ишни –хатто куёш айланиши вақтида куёшнинг сояси орқага қайтишигача бажарди.

2 Шоҳлар 20:8-11 Ҳизқиё Ишъаёдан: “Эгамиз мени соғайтиргандан кейин, учинчи куни Эгамизнинг уйига чиқар эканман, бунинг аломати нима?” - деб сўради. Ишъаё шундай жавоб берди: “Эгамиз берган ваъдасини бажаришини исботлаб, сенга аломат кўрсатади. Соя Охознинг зинапоясидан ўн қадам олдинга кетсинми ёки ўн қадам орқага сурилсинми?” “Соя зинапоядан ўн қадам илгари кетмоғи одатдаги ҳолдир, шунинг учун ўн қадам орқага сурилсин”, - деди Ҳизқиё. Пайғамбар Ишъаё Эгамизга илтижо қилган эди, Эгамиз сояни Охознинг зинапоясидан ўн қадам орқага сурди.

Хулоса

Эски Ахдда жуда кўп мўъжизалар ҳикоя қилинган. Одамлар ўлимдан тирилдилар; Одамлар ўлимдан мўъжизавий равишда ҳимояландилар:

шерлар ғоридан Дониёр, оловли печга ташланган уч йигит ва ҳоказо. Булар -Худо душманларининг кўзларини кўр қилганидек ҳимоялаш мўъжизаларидир.

Таъминот мўъжизалари ҳам мавжуд.

Бир марта, Худо ҳаттоки эшак орқали гапирган.

Эски Аҳд – мўъжизалар китоби. Эски Аҳднинг Худоси –мўъжизалар яратувчи Худо эди. Бунга ишонганлар ғайритабиий қудратда юрардилар.

Ибронийларга китобининг муаллифи – Худонинг кеча, бугун ва абадий Ўша-Ўша эканлигини таъкидлайди.

Ибронийларга 13:8 Исо Масих кеча, бугун ва абадий худди Ўшанинг Ўзидир.

У хануз мўъжиза яратувчи Худо. Агар бизлар бунга ишонсак, ҳозирги дунёнинг даъватига юзма-юз чиқиб, Унинг ғайритабиий қудратида юришимиз мумкин.

Эътибор беринг: Эски Аҳддаги мўъжизалар мавзуини кўпроқ ўрганиш учун Сондерван чоп этиш компанияси томонидан чоп этилган Ҳербет Локкернинг: “Библиядаги барча мўъжизалар китоби”ни ўқиб чиқишингизни тавсия қиламиз. (Бизлар шунингдек, унинг нима учун мўъжизалар бўлишни тўхтаганини тушунтиришга ҳаракат қилган баъзи параграфларини ташлаб кетишингизни сўраймиз, чунки мўъжизалар хануз содир бўлмоқда!)

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Исроил фарзандлари саҳрода кетаётган вақтларида, Худонинг дуосининг аниқ кўрсаткичи бўлган баъзи таъминот мўъжизаларини санаб ўтинг.
2. Илёснинг хизмати ва ҳаётида содир бўлган ғайритабиий мўъжизаларнинг баъзиларини сўзлаб беринг.
3. Элишайнинг хизмати ва ҳаётида содир бўлган ғайритабиий мўъжизаларнинг баъзиларини сўзлаб беринг.

Ўнинчи дарс

МЕРОСИМИЗНИ ҚЎЛГА КИРИТИШ

КАНЪОНГА КИРИШ

Қирғоқда

Кундан кун Исроил халқи Худонинг қудратини кўриб, уни ўз тажрибаларида синадилар. Ахийри, улар Канъон қирғоғига келиб, у ерда чодир курдилар.

Худо уларга Канъон ерини берган эди, аммо улар бориб уни эгаллашлари керак эди.

Сонлар 13:1-3 Шундан сўнг халқ Асирофадан ҳаракатланди ва Фаран чўлида тўхтади. Раббий Мусога деди: “Мен Исроил ўғилларига бераётган Канъон ерини кўриб чиқишлари учун ўзингдан одамлар юбор; уларнинг оталари қабилаларидан биттадан, уларнинг бошлиқларини юборинглар”.

Ҳисобот

Худо буюрганидек, Мусо ҳар бир қабиладан ерни кўриб келиш учун бошқарувчиларни юборди. Улар қирқ кун у ерда юриб, сўнгра Мусога ва Исроил халқига ҳисобот олиб келдилар.

Сонлар 13:27-29 Улар боришди, ва Мусо, Ҳорун ва Фаран чўлидаги Қадесдаги бутун Исроил ўғилларининг жамоатига келишди, ва уларга ҳамда бутун жамоатга жавоб олиб келишди ва уларга ернинг хосилини кўрсатишди; Уларга айтиб бериб дейишарди: биз сен бизларни юборган ерга борган эдик; унда ҳақиқатдан ҳам сут ва асал оқади ва мана унинг мевалари; аммо у ерда яшовчи халқ кучли ва шаҳарлар мустаҳкамланган, жуда ҳам катта ва у ерда бизлар Енакнинг ўғилларини ҳам кўрдик;

Халев Раббийнинг барча қилган ишларини эслатди.

Сонлар 13:30 Амалик ернинг жануб қисмида яшайди, Хиттийлар, Евусейлар ва Аморрейлар тоғда яшайдилар, Хананейлар эса денгиз олдида ва Йордан қирғоғида яшашади.

Ўнта айғоқчилар эса шундай дедилар:

Сонлар 13:31-33 Аммо Халев халқни: “Борамиз ва уни қўлга киритамиз, чунки бизлар уни енга оламиз,”- дея Мусо олдида тинчлантирар эди. У билан борганлар эса дейишарди: биз бу халққа қарши бора олмаймиз, чунки у биздан кучлироқдир. Ва Исроил ўғиллари орасида: “Бизлар кўриб турган ер унда яшовчиларни ютадиган ер ва биз унинг орасида кўрган бутун халқ баҳайбат одамлардир,”-дея улар кўриб турган ер ҳақида ёмон гап тарқатишар эдилар.

Сўнгра Халев ва Иешуа бин Нун халқни Раббийга ишонишга руҳлантиришга ҳаракат қилдилар.

Сонлар 14:6-11 Шунда ерни кўриб қайтганлар орасидан Иешуа Бин Нун ўғли ва Халев, Иефон ўғли ўзларининг кийимларини йиртиб ташладилар. Ва бутун Исроил ўғиллари жамиятига дейишди: “Бизлар кўриб чиққан ер жуда, жуда ҳам яхши”. Агар Раббий бизга шафқатли бўлса, бизни шу ерга олиб киради ва ушбу сут ва асал оқадиган ерни бизга беради. Фақат Раббийга қарши борманглар ва ушбу ернинг халқидан кўрқманглар, зеро у бизга ем бўлади; уларда химоя йўқ, бизлар билан эса Раббий, улардан кўрқманглар. Шунда бутун жамият деди: “Улар тошбўрон қилинсин”. Ва бутун жамоат деди: уларни тошбўрон қилинглари! Аммо Худонинг шуҳрати йиғилиш чодирда Исроилнинг ҳамма ўғилларига намоён бўлди. Ва Худо Мусога айтди: “қачонгача бу халқ Мени ғазаблантиради ва қачонгача Мен унинг орасида қилган барча аломатларим аро менга ишонмайди?”

Танлов

Халқ танлаши керак эди. Улар кимга ишонадилар? Уларнинг имонлари каерда?

Улар Худонинг қудратига ишонмасликни танладилар. Бунинг ўрнига, улар Худога ишонишга аҳд қилганларни тошбўрон қилмоқчи бўлдилар. Улар Мусони, Халевни ва Иешуа бин Нунни тошбўрон қилмоқчи бўлдилар. Улар Миср қуллигига қайтишни истадилар.

Сонлар 14:10-11 Ва бутун жамоат деди: уларни тошбўрон қилинглари! Аммо Худонинг шуҳрати йиғилиш чодирда Исроилнинг ҳамма ўғилларига намоён бўлди. Ва Худо Мусога айтди: “қачонгача бу халқ Мени ғазаблантиради ва қачонгача Мен унинг орасида қилган барча аломатларим аро менга ишонмайди?”

Қирқ йил давомида Худо уларни - Унга ва Унинг қудратига ишонишни рад қилган ҳамма одамлар ўлгунича саҳрода олиб юрди. Иешуа бин Нун ва Халев ўлмадилар. Улар яна Канъон қирғоғига келдилар. Энди Иешуа бин Нун бошқарувчи эди.

Ҳозир ҳам, кўп имонлилар Раббий уларни қилишга бошқараётган ишни қилишни истамайдилар. Уларга имон ёки Унинг иродасини тушуниш етишмайди. Шуннинг учун Худо уларнинг ўз шахсий саҳроларида Худони кўпроқ ўрганиб сарсон кезишларига изн беради. Сўнгра у уларни яна ўша қарор қабул қилиш жойига олиб келади.

Бизлар имонда ҳаракат қилишни ва Раббий бизларга берган нарсаларни имон билан олишни ўрганишимиз керак. Имонсизлик доимо мағлубият олиб келади.

Иккинчи танлов

Кафолати:

- Кун-у тун Қонун ҳақида фикр юритиш
- Жасур бўлиш
- Кўрқмаслик

Шунда яхши муваффақият қозонасан.

Исроил халқи яна Канъон чегарасида эди ва Худо Иешуа бин Нунга деди:

Иешуа бин Нун 1:6-9 Бардам ва довюрак бўл; Зеро сен бу халққа Мен уларнинг оталарига беришни ваъда қилган ерни эгалик қилишга олиб берасан; Фақатгина бардам ва ўта довюрак бўл ҳамда сенга Менинг қулим Мусо васият қилган тўлиқ қонунни ўта асра ва бажаргин; ундан чапга ҳам, ўнгга ҳам бурилма, токи ҳамма ишларингда оқилона ҳаракат қилгин. Ушбу қонуннинг китоби оғзингдан кетмасин; Балки уни кеча ва кундуз ўргангин, токи унда ёзилган барча нарсани аниқ бажаргин: шунда сен йўлларингда

омадли бўласан ва оқилона ҳаракат қиласан. Мана мен сенга буюраман: бардам ва довюрак бўл, қўрқмагин ва даҳшатга тушмагин; Зеро қаерга бормагин Раббий Худоинг сен биландир.

Иешуа бин Нун иккита айғоқчини юборди, Иерихон подшоҳи уларнинг келгани ҳақида билиб қолди. Лекин шаҳар деворида яшаган фоҳиша Раҳоб уларни яширди ва уларни деразадан арқон билан тушиб, кочиб кетишларига ёрдам берди. Раҳобнинг уларга айтган сўзларига эътибор беринг.

Иешуа бин Нун 2:9-11 Ва уларга деди: бу ерни Худо сизларга берганини мен билан, чунки сизлар бизларга даҳшат солдингиз, ва бу ернинг ҳамма аҳолиси сизлардан ҳадиксиради. Сизлар Мисрдан чиқаётганларингизда Қизил денгизининг сувини Худо сизларнинг олдингизда қандай қуритганини ва сизлар Иордан орқасидаги иккита Аморрей подшоҳлари Сигон ва Оғни қандай қирганларингизни биз эшитдек. Биз буни эшитганимизда, бизнинг юрагимиз бўшашди ва ичимиздан бирортамизнинг сизларга қарши руҳимиз қолмади; зеро Раббий, сизларнинг Худойингиз, юқорида осмонда ва пастда ерда Худодир.

Душман уларнинг кучини билар эди. Уларнинг кучи – қўшинларининг сонида эмас, балки уларнинг Раббийсида эди. Душман – Худо улар учун шу вақтгача нималар қилганини билар эди.

Бу икки айғоқчи ортга қайтиб, ҳисобот келтиришди.

Иешуа бин Нун 2:24 Ва Исо деди: Худо бу ернинг ҳаммасини бизнинг қўлимизга топширди ва ернинг бутун аҳолиси бизлардан кўрқувдадилар.

Иордан дарёсидан ўтиш

Ҳаракатдаги имон

Худо бизлар учун мўъжиза қилишини кўриш учун, "оёғимизни сувга солишни" исташимиз керак.

Бу йиғим-терим вақти бўлиб, Иордан дарёси қирғоғидан тошиб турарди, лекин бу Худонинг халқи учун тўсиқ бўла олмас эди. Иешуа бин Нун уларга покланишларини, ўзларини муқаддаслашларини буюрди. Шунда эртаси куни Худонинг мўъжизасини кўришларини айтди.

Иешуа бин Нун 3:5 Ва Иешуа бин Нун халққа деди: муқаддасланинг, чунки эртага Худо сизларнинг орангизда мўъжизалар содир этади.

Нима содир бўлди? Руҳонийлар киботни олиб дарёга йўналдилар. Уларнинг оёқлари дарёнинг сувига теккан лаҳзада сув иккига бўлинди ва халқ курук ердан ўтди.

Иешуа бин Нун 3:15-17 Киботни олиб бораётганлар Иорданга киришлари биланоқ ва киботни олиб бораётган руҳонийларнинг оёқлари Иорданга чўмганида, юқоридан оқаётган сув тўхтади ва жуда катта масофада Цартан ёнидаги Одам шаҳригача девор бўлиб турди; Текисликнинг денгизига:Шўр денгизга оқаётгани эса оқиб кетиб қуриди. Халқ Иерихоннинг у томонига ўтди; Худонинг аҳд киботини олиб ўтаётган руҳонийлар эса Иорданнинг ўртасидаги қуруқликда оёқларини қаттиқ босиб турар эдилар. Бутун халқ Иордандан ўтмагунича Исроилнинг ҳамма ўғиллари қуруқликдан ўтишди.

Меросни қўлга киритиш шартлари

Бундай ажабтовур мўъжиза содир бўлишининг пойдевори нима эди?

- > Биринчидан, улар Худонинг Сўзини билиш ва уни ўрганиш пайдан эдилар.

Иешуа бин Нун 1:8 Ушбу конуннинг китоби оғзингдан кетмасин; Балки уни кеча ва кундуз ўргангин, токи унда ёзилган барча нарсани аниқ бажаргин: шунда сен йўлларида омадли бўласан ва оқилона ҳаракат қиласан.

- > Иккинчидан, улар ишончга эга эдилар.

Иешуа бин Нун 1:9 Мана мен сенга буюраман: бардам ва довиорак бўл, кўрқмагин ва даҳшатга тушмагин; Зеро қаерга бормагин Раббий Худонинг сен биландир.

- > Учинчидан, ҳаётларидан гуноҳни тамомила йўқотиш учун ўзларини поклар эдилар.
- > Туртинчидан, нимага ишонсалар шунга биноан ҳаракат қилар эдилар.

Бугунги кунларда ҳам ўз меросимизни қўлга киритишимизнинг шартлари айнан шулар.

ИЕРИХОН ДЕВОРЛАРИ

Исроил фарзандлари жисмоний дунёда жанг қилиб ерни эгаллашлари керак бўлган бўлсада, бу жангнинг режасини Худонинг Ўзи тузган эди. Халқ, киботни кўтарган руҳонийларга эргашиб, шаҳар атрофини олти кун мобайнида жимликда айланиб чиқишлари керак эди. Еттита руҳоний кибот олтидан еттита карнай чалиб юришлари керак эди. Қўшин аскарлари руҳонийларнинг олдида юришлари керак эди.

Еттинчи куни улар шаҳар атрофини етти марта айланиб чиқишлари керак эди. Кейин улар карнайларни қаттиқ чалишлари, одамлар эса қаттиқ бақиринлари керак эди, шунда шаҳар деворлари қулаб тушиши керак эди.

Одамлар Худонинг айтганларини аниқ бажрдилар.

Иешуа бин Нун 6:20 Ва шаҳарда нимаики бўлса, ҳаммасини лаънатга топширишди, ва эрларни ва хотинларни, ва ёшларни ва қариларни, ва хўкизларни, ва қўйларни, ва эшакларни, ҳаммасини қилич билан қириб ташлашди.

Жанг принциплари

Мазкур воқеадан муваффақиятли руҳий жанг учун бир қанча принципларни олишимиз мумкин.

- > Бизлар душманнинг заиф томонларини билиш учун, руҳан етук аёл ва эркаларни юборишимиз керак.
- > Бизлар ибодат қилиб, Худонинг режасига кулоқ солишимиз керак. (Қичқирганда шаҳар деворларининг қулаши тарихда бир марта содир бўлган воқеадир).
- > Руҳонийлар киботни кўтарганча шаҳар атрофини айланиб

чиқар эканлар, улар бу вазиятга Худонинг хузурини чақирдилар.

- > Руҳонийлар томонидан карнай чалиниши – Худонинг нақадар қудратли эканлиги ҳақида гувоҳлик бериш, ва руҳонийлар томонидан ғалабани эълон қилиш эди.
- > Еттинчи куни халқнинг етти марта айланиб чиқиб қичқириғи – ғалабанинг ҳайқириғи ва имоннинг ҳайқириғи эди.

ГУНОҲ – МАҒЛУБИЯТ КЕЛТИРАДИ

Қўлга киритишлари керак бўлган иккинчи шаҳар Гай шаҳри эди. Иешуа бин Нун яна айғоқчиларни юборди. Улар у шаҳар ҳақида маълумот олиб келдилар.

Иешуа бин Нун 7:3 Ва Иешуа бин Нуннинг олдига қайтиб унга айтишди: ҳамма халқ эмас, балки икки мингта ёки уч мингтача одам борсин ва Гайни барбод қиладилар; бутун халқни сарсон қилма, чунки улар у ерда кам.

Иешуа бин Нун ва халқ уларга кулоқ солиб жангга 3000 кишини юбордилар.

Иешуа бин Нун 7:4, 5 Шундай қилиб, у ерга халқдан тахмина уч мингта одам борди, аммо улар Гай аҳлидан қочишди; Гуй аҳли улардан ўттиз олтитача одамни ўлдиришди, ва уларни дервозадан Севаримгача таъқиб қилишди, ва тоғдан тушишда уларни қиришди; шундан халқнинг юраги эриб сувдек бўлиб қолди.

Иешуа бин Нун ва Исроил оқсоқоллари ўз кийимларини йиртиб, ўзларини кибот олдида ерга ташладилар.”Эй Худо, сен нима учун бунга йўл қўйдинг? (Бу ибодат сизларга таниш туюлмаётими?) Бизлар Иорданнинг нариги қирғоғида қолишимиз керак эди. Бу ернинг бутун халқи бизнинг мағлубиятга учраганимизни эшитиб, бизни яқсон қиладилар!”

Худо нима деб жавоб берди?

Иешуа бин Нун 7:10-11 Худо эса деди: тургин, нима учун сен юзингга йиқилдинг? Исроил гуноҳ қилди, ва мен уларга аҳд қилган Мени аҳдимни бузишди; ва таъқиқлангандан олишди, ва ўғирлашди, ва ўзларининг нарсалари орасида қўйишди.

Ахан Худога аталган нарсаларни ўғирлади ва бутун Исроил халқи лаънат остида қолди. Бу умумий жавобгарлик намунаси.

Иешуа бин Нун 7:12 Шунинг учун Исроил ўғиллари ўзларининг душманлари олдида тура олмадилар ва душманларига орқаларини бурдилар; зеро улар лаънат остида қолдилар; Агар ораларингиздан лаънатланганни йўқотмасанглар бошқа сизлар билан бирга бўлмайман.

Бизлар Худонинг Сўзини бошқача қилиб айтишимиз мумкин: “Тур ўрнингдан, Иешуа бин Нун. Сенинг имонинг қаерда? Мен буни сен учун қилганим йўқ. Бу ерда гуноҳ бор, шу гуноҳ сабабли Исроил фарзандлари душманга қарши тура олмадилар!”

Одамлар жанг олдидан жиддий ўйлаб кўрмадилар, улар Худонинг режасини излаш учун вақт сарфламадилар. Агар улар олдин Худони излаганларида эди, У уларга гуноҳни кўрсатган ва уларни мағлубиятдан сақлаб қолган бўлар эди. Бунинг ўрнига улар: “Ташвишланма Худоим, бизлар бу шаҳарни ола оламиз”, –дедилар.

Улар эга бўлган ҳамма нарсаларини Худога бағишламадилар. Бор кўшиндан бир нечтасинигина жангга юбордилар. Гуноҳ ҳар доим мағлубият келтиради, ва гуноҳга бўлган ягона муносабатимиз ундан халос бўлиш бўлиши лозим.

Гайдаги иккинчи жанг

Халқ орасидан гуноҳ бартараф қилинган, Худо Иешуа бин Нуннинг олдига келди.

Иешуа бин Нун 8:1-5 Худо Иешуа бин Нунга деди: Қўрқма ва даҳшатга тушма; Ўзинг билан урушга лаёқатли бўлган барча халқни олгин, ва, туриб, Гайнинг олдига бор; мана, Мен сенинг қўлингга Гай подшоҳини ва унинг халқини, унинг ерини топшираман; Гай ва унинг подшоҳини, Иерихон ва унинг подшоҳини нима қилган бўлсанг шуни қил, фақат унинг ўлжасини ва унинг чорвасини ўзларингга бўлишиб олинглар; Шаҳарнинг орқасида пистирма қилинглр.

Иешуа бин Нун ва барча урушга лаёқатли бўлган халқ Гайга бориш учун турди ва Иешуа бин Нун ўттиз мингта мард жасур одамларни танлаб олиб уларни кечаси юборди ва уларга буйруқ бериб деди: хушёр бўлинглар, сизлар шаҳарда, шаҳарнинг ортида пистирмада турасизлар; шаҳардан узоққа кетманглр ва ҳаммаларинг тайёр туринглр; мен ва мен билан бўлган бутун халқ эса шаҳарга яқинлашамиз; ва Гайнинг аҳолиси, аввалгидек, бизга қарши чиққанида, биз улардан қочамиз.

Иешуа бин Нун қандай қилиб ўз мағлубиятларидаги ҳолатларини ғалабага айлантиришига эътибор беринг. “Улар ортимиздан келадилар ва бизни яна олдингидек қочади деб ўйлайдилар”.

Иешуа бин Нун 8:6, 7 Улар бизнинг ортимиздан боришади, шу сабаб билан биз уларни шаҳардан чалғитамиз; зероки, улар айтишади: бизлардан, аввалгидек, қочишяпти; бизлар улардан қочганда, шунда сиз пистирмадан чиқинг ва шаҳарни эгаллаб олинг ва Худо сизнинг Худонингиз уни сизларнинг қўлларингизга топширади.

ГИДЕОН – ПЛЮС ХУДО

Иешуа бин Нун оламдан ўтди ва Ҳакамлар китобининг олтинчи боби тушкунликка солувчи сатрлар билан бошланади. Худонинг танланган халқи, Худони бутун дунёга намоён қилиши керак бўлган халқ– озиқ– овқатсиз, ғорларда кун кечирар эди.

Ҳакамлар 6:1, 2, 6 Исроил ўғиллари яна Худонинг кўз олдида зулм қила бошладилар, ва Худо уларни Маданитлар қўлига етти йилга топширди. Маданитларнинг қўли Исроил устидан оғир эди ва Исроил ўғиллари ўзларига Маданитлардан тоғда дара, ва ғорлар, ва

истехкомлар ясашди. Ва Исроил Маданитлардан жуда ҳам кашшоқланиб кетди ва Исроил ўғиллари Худога илтижо қилишди.

Библия бизларга уларнинг нима учун бу аҳволга тушиб қолганини аниқ кўрсатади: *Улар Худонинг кўзи олдида ёвузлик қилишди.*

Шу билан биргаликда улар тўғри иш ҳам қилишди: *Улар Раббийга фарёд қилишди.*

Гидеоннинг даъват қилиниши

Гидеон бизларни нақадар руҳлантириши мумкин! У ўз оиласида энг кичиги эди. Унинг отаси Баалга сиғинар эди. У мағлубиятга учраган халқ вакили эди. Барибир, Худо уни ўз халқини озод қилишга даъват этди.

Ҳакамлар 6:12 Ва унга Худонинг фариштаси намоён бўлиб деди: “Худо сен билан, бақувват эр!”

Қурбонгоҳларни ва тимсолларни вайрон қилиш

Ижобий принциплар:

*Стратегияни Худодан қабул қилишди.
Душманнинг олдинги тажрибасини ўзига қарши ишлатишди.*

Сўнгра Гидеон, Худонинг кўрсатмасига биноан, ўнта ўспирин йигитлар ёрдамида Баал қурбонгоҳинининг тахтасини кесиб ташлади, қурбонгоҳнинг ўзини вайрон қилди-да, Раббийга қурбонгоҳ қурди ва қурбонликни ёндириш учун Баал қурбонгоҳининг тахтасини ўтин қилиб ёш хўкизни қурбонликка келтирди.

Гидеон ва унинг одамлари ўз халқларининг гуноҳининг тимсолини вайрон қилдилар ва Раббийга йўл очиш учун қурбонлик кетирдилар.

Библия сўнгра нима бўлди дейди?

Ҳакамлар 6:34, 35 Ва Худонинг Руҳи Гидеонни қамраб олди; у карнайни чалди ва Авиезер қабиласи унинг ортидан бориш учун чорланди. Бутун Манасин қабиласи бўйлаб элчиларни юборди ва улар унинг ортидан боришга шай бўлди; Шунингдек Асиир, Забулон ва Нефалимга элчилар юборди, ва улар ҳам улар билан учрашувга келишди.

Гидеоннинг қўшини

Гидеонга қўшилиш учун кўпчилик келди ва Худо деди:

Ҳакамлар 7:2-4, 5-7 Ва Худо Гидеонга деди: “Сен билан бўлган халқ жуда ҳам кўп, Мен Маданитларни уларнинг қўлларига топшира олмайман, зеро Исроил Менинг олдимда мағрурланмасин ва: “менинг қўлим мени қутқарди”,- демасин. Шундай қилиб, халққа эълон қилгин ва айтгин: “ким кўрқоқ ва тортинчоқ бўлса, ортга қайтсин ва Галаад тоғидан тушсин”. Ва халқдан йигирма икки минг қайтди, ўн минг эса қолди. Ва Худо Гидеонга деди: “ҳали ҳам халқ кўп; уларни сувга олиб бор, ўша ерда Мен уларни сенга танлайман; ким ҳақида Мен: “сен билан борсин”,-десам ўша сен билан борсин, ким ҳақида сенга: “сен билан бормасин”,- десам, -ўша бормасин”. У халқни сувга келтирди. Ва Худо Гидеонга айтди:”Кимда ким сувни тили билан худди ит ялагандек яласа, ўшани алоҳида ажрат, шунингдек, энгашиб, тиз чўкиб сув ичганларни ҳам ажрат.” Ва оғзи билан ялаб ичганларнинг сони уч юзта одам эди; қолган ҳамма халқ ўзларининг

тиззаларига эгилиб, сув ичишди. Ва Худо Гидеонга: “Уч юзта ялаганлар билан Мен сизларни қутқараман ва Маданитларни сизларнинг қўлларингизга топшираман, қолган халқ эса ҳар қайсиси ўз жойига кетаверсин”.

Биринчи ўринда Худо қўрқоқларни, кейин эса етарлича зийрак, жангга тайёр бўлмаганларни сафдан чиқариб юборди.

Худо тушунади

Худо Гидеоннинг оддий инсон эканлигини тушунар эди. Худо унга зудлик билан душманнинг лагерига боришни, агар ўзи боришга қўрқса, ўзи билан ёрдамчисини олиши мумкинлигини айтди.

Гидеоннинг уч юзта одами бор эди, пастдаги душманнинг сони эса денгизнинг қумидек беҳисоб эди. Гидеон ўзида бўлмаган жасурликни пайдо қилишга ҳаракат ҳам қилмади, у душманнинг лагерига яширин кириб боришни танлади.

Ҳакамлар 7:13, 14 Гидеон келди ва мана, бири бошқасига туш айтяпти ва деяпти: “мен туш кўрдим-ки гўё думалоқ арпа нони Маданит қўшини томонга юмалаб келяпти ва, чодирга юмалаб келиб, унга шундай урилдики у йиқилиб кетди, уни қулатди ва чодир бўлиниб кетди”. Бошқаси унга жавобан деди: “Бу Исроиллик Иоас ўғли Гидеоннинг қиличидан бошқа нарса эмас; Худо унинг қўлига Маданитларни ва бутун қўшинни топширди”.

Карнайлар, Чироклар, Бўш кўзалар

Гидеон Худонинг айтган сўзидан руҳланган эди. У ўзининг ишончга тўла одамларининг олдига келиб деди:

Ҳакамлар 7:15-18, 20, 21 Гидеон туш ҳиқоясини ва унинг изоҳини эшитиб, Худога сажда қилди, ва Исроил қўшинига қайтди ва деди: “туринглар!” Худо сизларнинг қўлларингизга Маданит қўшинини топширди. Ва уч юзта одамни уч гуруҳга бўлди ва уларнинг ҳаммаларининг қўлига карнай ва бўш кўзалар, ва кўзанинг ичига шамчирок берди. Ва уларга деди: “менга қаранглар, ва мен нима қилсам, шуни қилинглари; мана, мен қўшинга яқинлашаман, ва нима қилсам, сизлар ҳам шуни қилинглари; мен ва мен билан турганлар карнай чалсак сизлар ҳам ўз карнайингиз билан бутун қўшин атрофида карнай чалинглари ва қичқиринглари: “Худонинг ва Гидеоннинг қиличи!” Ва ҳамма учта гуруҳ карнай чалишди ва кўзани ёришди ҳамда ўзларининг чап қўлларида шамчирокни, ўнг қўлларида эса карнайни ушлаб карнайни чалишарди, ва қичқиринглари: “Худонинг ва Гидеоннинг қиличи!” Ва ҳар бири қўшин атрофида ўзининг жойида турар эди; ва бутун қўшин бўйича чопа бошлашди, ва бақиришарди, ва қоча бошладилар.

Улар чап қўлларида чирокни, ўнг қўлларида эса карнайни ушладилар. Улар жисмоний жанг қуролларини олишларининг ҳожати йўқ эди. Улар жангда ўз имонлари ва итоаткорликлари воситасида, ғайритабиий қуроллари билан ғалаба қозондилар.

Ёш йигит Довуд Гўлиётга қарши чиқди. Бу жангда у қандай курашди? Унинг сўзларини ўқинг:

1 Шомуил 17:37, 40, 43, 45 Мени шер, айиқнинг панжасидан халос қилган Эгамиз ўша Фелистнинг кўлидан ҳам халос қилади. “Майли бор, Худо ёр бўлсин”, -деди Шоул. Довуд таёғини олиб, сойлиқдаги ирмоқдан бешта силлиқ тош териб олди. Тошларни ёнидаги чўпон халтасига солди-да, палахмонини олиб тўғри Гўлиёт томон юрди. **Филистлик:** “Мен кўппак эдиммики, устимга таёқ билан келаяпсан?” - деди-да, ўз худоларининг номи билан Довудга қарғиш ёғдирди. Довуд эса шундай жавоб қайтарди: “Сен қилич, найза-ю ханжарлар билан устимга бостириб келаяпсан. Мен эса сен ҳақоратлаган Исроил лашкарининг Худоси - Сарвари Оламнинг номи билан қуролланиб устинга бостириб боряпман”.

48–51 оятлар. Филистлик туриб, Довудга яқинлашиб кела бошлаганида, Довуд ҳам қаторга Филистликнинг қаршисига югурди. Довуд кўлини халтасига солиб у ердан тош олди ва палахмондан тош отиб, Филистимликни пешанасидан шикастлади. Тош унинг пешанасига қадалди ва у ерга юзи билан йиқилди.

Шундай қилиб Довуд Филистликни палахмон ва тош билан шикастлади ва уни ўлдирди; Довуднинг кўлларида қилич эса йўқ эди.

Шунда Довуд югуриб борди ва Филистликни босиб унинг қиличинини олди, уни қинидан чиқарди ва уни уриб бошини кесиб ташлади; **Филистликлар баҳодирлари ўлганини кўриб қочиб кетдилар.**

Довуд Худонинг куч-қудратини билар эди ва у шу қудратда юрар эди. У Худонинг қилган ишлари ва яна қиладиган ишлари учун Уни имон билан улуғлаб сўзлади. У ташқи вазиятга эътибор бермади.

Хулоса

Бизлар Эски Аҳдда ўқиган жангларибиздан, бугунги кунлардаги руҳий урушимиз ҳақида кўп нарсаларни ўрганишимиз мумкин.

> Худо махсус жангларда жанг қилиш учун махсус одамларни даъват қилган. Баъзан бизлар мағлуб бўлаемиз, чунки Худо бизларни бу махсус жангларда бўлишимизни режалаштирмаган.

> Бизларга қарши ҳужум бўлганида, ёки бизлар учун ёмон вазиятлар туғилганида, бизлар биринчи ўринда ибодатда Худонинг олдига боришимиз керак. Унинг бизнинг вазиятимизга оид режасини билишимиз керак.

> Балки ҳаётимизда, бизлар қутулишимиз керак бўлган гуноҳ бордир? Бизлар шайтон ёки унинг издошлари билан ҳеч қандай келишувга бормаслигимиз керак. Агар Худога имкон берсак, У бизнинг ҳаётимиздаги нотўғри нарсаларни бизларга кўрсатади.

> Худо бизлар учун қилган ҳамма нарса учун Уни улуғлашга вақт ажратишимиз керак. Худонинг эътиборини тортиш ёки мақтовига

эришиш учун эмас, балки У бизлар учун қилган ажойиб ишларни хотирлаб бизнинг руҳимиз барпо бўлиши учун.

> Кейин бизлар имон билан Худонинг Сўзида ва Унинг куч-қудратида ҳаракат қилиб, душманни енгишишимиз керак!

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Ўн иккита айғоқчининг барчаси бир ерга борганига қарамасдан нима учун Халев ва Иешуа бин Нуннинг ҳисоботлари бошқа айғоқчиларникидан фарқ қилди?
2. Иешуа Бин Нун 2:9-11 оятларида ёзилиши бўйича, нима сабабдан Иерихон одамлари Исроил фарзандларидан кўркдилар?
3. Эски Аҳддан, Исроил фарзандлари – Худо донолигининг ва куч-қудратининг ғайритабиий равишда намоён бўлиши билан, қандай қилиб улкан руҳий жангда ғалаба қозонганларига ёки ўзларига мерос қилиб берилган ерни эгаллаб олганларига мисол келтиринг.